Миллий Тиклониш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил. 25 март | 12 (93)- сон

Президент Ислом КАРИМОВ: Ишонаман, жамиятимизда, хонадонимизда ўзаро аҳиллик, тинчлик-тотувликни сақлаб, асраб-авайлаб яшар эканмиз, ҳаётимизни шу асосда қурар эканмиз, янги йилимиз ҳам кўп миллатли меҳнатсевар халқимиз учун қут-баракали бўлажак, иншоаллоҳ.

ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Шарофовна Рашидова билан суҳбат

— Маълумки, Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди ҳамда умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди.

Хурматли Сайёра опа. Ушбу Қонун қабул қилинишига қандай ҳуқуқий, ижтимоий, демократик ҳамда умуминсоний эҳтиёжлар сабаб бўлди?

— Бугун жаҳон мамлакатларида инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро ҳамда миллий тизимлари ишлаб турибди. Умуман, инсон ҳуқуқлари тизими қуйидаги уч омилни ўз ичига олади:

1) шахснинг ижтимоий муҳофазаси;

2) жамоат ва давлат ҳаётида фаол иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш;

3) шахсий эркинлигини таъминлаш.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро нормаларга мувофиқ қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш бўйича кенг кўламда ишлар авж олдириб юборилди. Республикамиз Конституцияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бош ва асосий кафолатидир. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, унда халқаро ҳуқуқ нормаларида акс этган барча омиллар тажассумланган. Айниқса фуқароларнинг ирқи, миллати, диний эътиқоди, тилидан қатъий назар тенглиги, барча аҳоли қатламларининг маданий тараққиёти эркинлиги кафолатланганлиги юқори баҳоларга сазовор бўлмоқда.

Мустақил Ўзбекистон тараққий этган демократик давлатлар тажрибасини изчил ўрганиб, фуқаролик жамияти қурмоқда экан, ўз-ўзидан халқаро нормаларни республика қонунчилигидан устувор қўйиши табиий. Бунинг устига, юртимиз 1992 йилдан БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳамдир.

Демократик тамойилларга амал қилинаётган, ҳуқуқий-фуқаролик жамияти қурилаётган республикамизда инсон ҳуқуқларига ҳурмат, фуқаролик эркинликлари ҳамда ҳуқуқий давлат нормалари сингари умуминсоний қадриятларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлиги орқасидан аҳамиятга молик натижаларга эришилган чоғда, олдимизда янада муҳим вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Жумладан, фуқароларимиз тафаккурида умуминсоний қадриятлар борасида тушунчалар ҳосил этиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда давлатнинг роли хусусида маълумотлар бериш. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятни эгаллай бориши ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Бунинг учун эса биз қонунчиликни янада такомиллаштиришимиз, ҳокимиятнинг ижро ва суд бўғинлари фаолиятини самаралироқ этмоғимиз керак.

Шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига фақат ҳуқуқий, давлатдагина амал қилинади. Шунинг учун ҳам, биз босқичма-босқич амалга оширилаётган миллий дастурни ишлаб чиқишга киришдик. Токи мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бутун бошли тизими ишга тушсин. Бироқ бундай тизим амалиётга жорий этилмоғи учун ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қиладиган қатор институт ва механизмларга эҳтиёж туғилади. Назаримда, айнан мана шундай эҳтиёжлар туфайли Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида Қонун пайдо бўлди.

Давоми иккинчи бетда

ЙИЛ АЙРИЛИШ КУНИДА

Наврўз қадимий байрам. Олис аждодлар экин экишни ердаги ёвуз кучлар устидан ғалаба қозониш деб билганлар. «Одам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, — дейиладi «Овесто»нинг муқаддас китобларидаги башоратларда, — кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради...» Деҳқончилик, ерга ишлов бериш, яхши уруғ сепиш, қолаверса, табиатнинг уйғонишидан руҳий лаззат олиш туйғулари бу қадим Наврўздан қолган одат-удумлардир. Инсонни ризқ-насиба бирлаштириб туради. Наврўз ризқу рўз байрами.

Болалигим кечган қишлоқда (Қашқадарёнинг Деҳқонобод тумани) Наврўзга тўғри келувчи бир одат сақланиб қолган. Бу кичкина удум эски йилнинг охириги чоршанбаси оқшомида ўтказилади. Қишлоқ чеккасидаги эски йўллар, жарликларга олов ёқилиб, устидан ҳар бир киши уч мартадан ҳатлаб ўтиши керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳамма дардлар, қийинчиликлар эски йилда қолиб кетсин. Янги йилга ўтмасин. Ўша кунни момоларимиз йил айрилиш куни деё номлашарди. Эртаси Нав — Рўз — янги кун. «Қозон тўлди» маросими куни нишонланарди. Оналаримиз турли таомлар тайёрлашиб, бисотдаги энг яхши кийимларини кийишиб, кўкаламзор ерларга дастурхон ёзишарди. Дастурхон атрофида эртаклару мақоллар, матал, ривоятлар айтишади. Маросим сўнгида экин-тикинга, чорвага барака, ўзларига соғ-омонлик умр тилашиб дуо қилишади.

Бугун катта сайллар, концерт дастурлари, спорт ўйинлари қуршовида ўтказилаётган байрамимизнинг тарихи «ўт ҳаккалаш», «қозон тўлди», «дарвешона»лардан бошланганини энди англаб ета бошладик.

Хуллас, элимиз Наврўзи неча-неча замонлар, неча-неча довонлару давронлар фазилатларини ортмоқлаб, сайқалланиб яна кириб келди. Қадамлари хайрли ва қутлуғ бўлсин!

Х. АБДИЕВ

БОР БЎЛ, НАВРЎЗИЙ РУҲ!

Ўйларим ошуфта бир сирга чиндан:
Наврўз! Неки қадим? Қадимсан ундан.
Ўлмассан, сўлмассан, ҳайратим шундан!
Турибман қаршингда безабон бўлиб.

Замонлар ортидан кечди не замон,
Таваллудинг ёлғиз Аллоҳга аён.
Бизга етиб келдинг, ривоят, достон —
Кўзгулари узра намоён бўлиб.

Ибтидоси борнинг интиҳоси бор —
Тирикликда аччиқ мисоллар бисёр.
Наврўз! Сен келарсан такрор ва такрор
Кечагидан сулув, навжувон бўлиб.

Сени йўқ қилмоққа қасдлар кўп бўлди,
Тишларин қайраган қаслар кўп бўлди,
Сен эса омонсан — ҳақиқат шулдир —
Ҳаёт қудратига зўр нишон бўлиб.

Эй, Наврўз, одамзот хаёли ажаб!
Не суньий байрамлар топилди ўйлаб.
Бари калта қайтди, қақшаб-қовжираб,
Тўкилди пойингга баргхазон бўлиб.

Сенинг-чи? Йўлингга илҳақмиз, ташна!
Келсанг, нафасингдан кекса Шарқ яшнар,
Сумалаклар қайнар, пишади ошлар...
Кутар Туронзамин садқажон бўлиб.

Асрларга бежиз эмассан ҳамдам —
Энг эзгу умидлар бари сенда жам.
Эзгулик ўлмагай — ўлмассан сен ҳам!...
Турибди кўнгилга шу аён бўлиб.

Чекин одамзотдан адоват, қасос!
Бор бўл, Наврўзий руҳ! Ҳаётга асос!
Заминга ободлик бўлсин ҳамнафас,
Бизга эса яшаш — бир деҳқон бўлиб!

МУХЛИС

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР: ҒОЯЛАР, БАЁНОТЛАР, ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичидаги энг долзарб вазифалардан бири сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари ва ҳаракатлар фаолиятини жонлантириш заруриятидан иборатдир. Бу узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган сиёсий партиялар дастурларининг ҳавода муаллақ қолмаслиги, умумдемократик ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиши учун ҳам зарур.

Биринчидан, барча мавжуд сиёсий партиялар янги сиёсий тизим юзага келаётган дастлабки босқичда сиёсат майдонига кириб келди.

Иккинчидан, партияларнинг назарий дастурлари билан амалий ишлар ўртасидаги боғлиқлик жуда оз бўлиб чиқди. Сиёсий партияларнинг расмий баёноти билан сиёсий фаолиятининг аниқ натижасини солиштириб кўриш уларнинг орасида жуда катта фарқ борлигини кўрсатмоқда. Сезиларли натижаларга эришилмагани баёнотлар қимматини туширади.

Учинчидан, мавжуд сиёсий партиялар жамиятдаги асосий ижтимоий гуруҳлар билан яқин алоқага эга эмас.

Тўртинчидан, сиёсий партияларнинг амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнидан холис манфаатдорлиги ҳали жуда ҳам оз даражада.

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар куч-қудрат касб этмаганлигининг энг асосий сабаби шундаки, жамиятдаги ижтимоий стратификация жараёни, унинг табақаланиши, ижтимоий манфаатларнинг тенглашиши, ифодаланиши ва жамғарилиши энди-энди бошланаётир.

Ижтимоий стратификациянинг ҳамиша етарлича аниқ белгиланмайдиган чегаралари, аниқроғи, ушбу чегараларнинг ҳали юзага келмагани мавжуд партиявий бирлашмаларнинг табиатида ноаёнлик пайдо бўлишига шароит яратди. Агар ушбу чегаралар тез- равшан белгилаб олинмаса (нафақат дастурий ва назарий йўналишларда, балки, энг аввало, келажакка қаратилган реал сиёсий ҳаракатларда ҳам), улар жуда кўп ҳолларда қарама-қарши манфаат, талаб-эҳтиёж, қадрият мезонлари ва ҳоказоларга эга янги-янги ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий майдонга кўплаб кириб келиши жараёнида янада мураккаблашиб кетиши мумкин. Шу билан бир пайтда, партияларнинг «етилиш» жараёнини жадаллаштириш — бажариб бўлмайдиган вазифа эканидан ташқари, кўплаб оқибатларни юзага келтириб чиқаради. И. Хакамада ёзганидек, «кўппартиявийлик тизимини мажбуран «картеллаштириш»нинг илк натижаси сиёсий хўжакўрсинчиликнинг ҳақиқий «портлаши»дан бошқа нарса бўлмайди. Ғайриихтиёрий ёпиштирилган партиявий тузилмаларга асосланган сиёсий тизим барқарорликка эмас, беқарорликка хизмат қилади».

Ҳар қандай ҳақиқий сиёсий партиянинг фаолиятидан кўзланган асосий мақсад — мазкур партия манфаатларини маълум бир асосга эга ижтимоий гуруҳ, синф манфаатларига тенглаштириш, қолаверса, ушбу ижтимоий асосни баҳоли қудрат кенгайтириш, ўз дастури атрофида иложи борича кенг ижтимоий қатламларни бирлаштириш, жамият қурилишидаги ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш ва ундан ўз манфаатлари йўлида тўлароқ фойдаланиш ва, ниҳоят, сиёсий ҳокимият тепасига келишдан иборат. Шу боис А. Жалоловнинг қуйидаги нуқтаи назари билан келишиш амри маҳол: «Халқ партиялар билан «бўлакларга» бўлинмайди. Ҳар бир сиёсий куч ўзини ҳар бир фуқаро, халқ қўллаб-қувватлаши учун курашади». (Қаранг: А. Жалолов. Демократиянинг муҳим хусусияти. «Голос Узбекистана» 1996, 27 сентябр).

Давоми иккинчи бетда

«МИЛЛИЙ НАВО» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси қошида ташкил топган талантли ижодий жамоалардан бири «Миллий наво» камер оркестри 4 март куни Наврўз байрамига бағишланган концерт дастурларидан бирини халққа намойиш қилди. Концерт Мирзо Улуғбек тумани коллежида ўтказилди. Мусиқа тингловчиларининг аксарияти ўқитувчи ва талабалардан иборат бўлиб, ҳар бир ижродан сўнг қизғин қарсаклар билан ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Концерт дастуридан Моцарт, Бизе, Перголези, Верди, Россини, Дворжак, Мухтор Ашрафий, Ҳамид Раҳимов, Сайфи Жалил ва Ориф Меликов (озарбойжон композитори) асарлари жой олган бўлиб, «Миллий наво» оркестрига унинг раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Ҳамидхон Шамсуддинов мароқ билан дирижёрлик қилди. Томошабинлар севимли хонандалар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова, Абдулхалил Абдуқодировларнинг чиқишларини давомли олқишлар билан кутиб олдилар.

«Миллий наво» сизларга омал ёр бўлсин!

Сайфи ЖАЛИЛ

ЭЪЛОН!

«МИЛЛИЙ НАВО» МУМТОЗ МУСИҚАНИНГ ЁРҚИН, ГЎЗАЛ ИЖРОСИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

«Миллий наво», байрам кечаларингиз ва тадбирларингизни мароқли қилади. Ташкилотлардан концерт кўрсатиш учун сўровлар қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 33-01-39, 64-13-61.

Сабо, етқур саломимни

ЧИЛГИЖИЙДА ҲАНГОМАЛАРИ

Ҳурматли таҳририят!

Биз Фарғона вилоятининг Фурқат туманида яшаймиз. Янги ташкил топган пайтларда туманимиздаги қишлоқларнинг атиги икки фоизига табиий газ етиб келган эди. Орадан ўтган 3-4 йил ичида бу борада катта ишлар амалга оширилди. Натижада қишлоқларнинг 56 фоизига табиий газ киритилди. Бунинг учун аҳоли турмуш шароитини яхшилашга ҳаракат қилаётган раҳбарларимизга катта раҳмат! Бироқ бизни бошқа бир нарса — бошланган хайрли ишларнинг баъзан охирига етмай қолаётгани таажжубга солиб қўймоқда. Мана, масалан, бизнинг Чилгижийда қишлоғимизни олайлик. Унга табиий газ қувурлари ўтказиш ишлари 1995 йил 27 октябрда ниҳоясига етганди. Лекин роппа-роса беш ойгача хонадонларимизда газ ёнмади. Қишни одатдагидек кўмир ўтин ёқиб ўтказдик.

Худди шундай аҳвол бу йилги қиш мавсумида ҳам такрорланди. Олти ойча бурун узиб қўйилган табиий газ ҳалигача улангани йўқ. Оқибатда қиш бўйи роса қийналдик. Топган одам уйини кўмир билан иситди, бошқалар эса далалардаги тут дарахтларини кесиб ёқишга мажбур бўлдилар. Бу кетишда ҳадемай пилла қурти боқиш бошланганда нима бўлади? Тайин гап, энг авж паллада тут барги етишмай қолади. Пиллакорларимиз барг излаб аввалги йиллардагидек, яна қўшни Фарғона, Олтиариқ туманларига боришади. Қарабсизки, ортиқча ташвиш устига ортиқча сарф-харажатлар ҳам қўшилади. Пиллакор етиштирган ҳосилидан даромад олиш ўрнига зарар кўради.

Биз бу ҳақда бир неча бор туман газлаштириш идорасига ҳамда «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролари йиғинига мурожаат қилдик. Афсуски, натижаси бўлмади. Қишлоғимизга тақсимланиши лозим бўлган табиий газ нима учун икки йилдан буён энг зарур пайтда — айни қиш фаслида узиб қўйилаётганининг туб сабабини тушунтириб берадиган, арз-додимизга етадиган топилмади. Шу боис бу сафар сизлардан ёрдам сўрашга мажбур бўлдик. Ўйлаймизки, таҳририят бу масалага ойдинлик киритишда биздан кўмагини аямайди.

Ҳурмат билан, Фурқат туманидаги Чилгижийда қишлоғи фуқаролари номидан:
Мақсуд ТОШПЎЛАТОВ,
Ином ҚУРБОНОВ

АНЪАНАВИЙ КЎРГАЗМА

Наврўз барча ижод аҳлини, айниқса рассомларни илҳомлантирадиган, руҳлантирадиган байрамдир. Шунинг учун бўлса керак Наврўз арафасида республика мусаввирларининг кўргазмасини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида очилган бу йилги кўргазма «Наврўз-97» деб номланди. Унга О. Қозоқов,Э. Машарипов, М. Тошмуродов, З. Фахриддинов, И. Василева, С. Раҳметов, Ю. Чернишов каби мўйқалам усталарининг юзга яқин асарлари қўйилган. Шуниси қувончлики, бу асарларнинг кўпчилигида Наврўз, Баҳор мавзулари қаламга олинган.

СУРАТЛАРДА: кўргазмага қўйилган асарлардан намуналар.

С. МАҲКАМОВ суратлари

ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯЛАНАДИ

Боши биринчи бетда

— Биз шу пайтгача Олий Мажлис қошидаги Амалиётдаги қонунчилик мониторинги институти, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳақида сал-пал тасаввурга эга эдик. Мана энди омбудсман институти пайдо бўлмоқда. Айтинг-чи, жаҳон тажрибасида, хусусан МДҲ давлатларида бу сингари вакиллик хизмати жорий этилганми?

— Сўнгги йилларда зиммасига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конкрет вазифалар юкланган кўплаб муассасалар тузилди. Гарчанд уларнинг вазифалари турли давлатларда турлича бўлса-да, бари бирлашиб, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий тизимнинг асосий унсурларини ташкил этишади.

Жаҳон амалиётида фуқаро ва давлат аппарати муносабатларини барқарорлаштириб турадиган ҳамда инсон ҳуқуқлари эркинлигини назорат этадиган турли муассасалар мавжуд. Омбудсман институти ҳам шундай муассасалардан бири бўлиб, қонунчиликни мустаҳкамлашда, ижроия ҳокимиятининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кучайтиришда муҳим фактор сифатида хизмат кўрсатади.

Кўпчилик бундай вакиллик Швецияда пайдо бўлган деб ҳисобласа-да, алида унинг илдизи араб халифалигига бориб тақалади. Халифа Умар давридаёқ арабларда мухтасиб лавозими таъсис этилган бўлиб, у давлат амалдорлари устидан фуқаролар ёзган шикоятларни текшириш билан шуғулланган.

Бу ғоя Европа, Америка, Осиё, Африканинг кўплаб давлатларига ёйилди. Ҳозирги вақтда омбудсман хизмати Финляндия, Дания, Норвегия, Португалия, Испания, Янги Зеландия, Америка, Франция, Германия, Покистон, Полша, Литва, Грузия сингари 100 дан ортиқ давлатда фаолият кўрсатиб турибди. Мен шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчийдим. Аввало омбудсман. Парламент доирасидаги вазифа бўлиб, давлат органлари фаолиятини назорат қилишга қаратилган. Иккинчидан эса омбудсман ҳокимият ёхуд бошқарув ва ҳаттоки суд органи ҳам эмас. У ҳуқуқий ҳимоя воситалари ўрнини босмайди, фақат тўлдиради, холос.

— Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, яъни Сиз қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эгасиз?

— Омбудсман парламент томонидан фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ишониб топширилган мустақил шахсдир. Вакил ҳеч қачон фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида монополияга интилмайди. Шу билан бир қаторда каминанинг хизмати ҳуқуқий ҳимоя тизимидаги бошқа хизматлардан бир жиҳати билан ажралиб туради. Уям бўлса, омбудсманнинг мустақиллиги.

Бир қатор мамлакатларда омбудсман қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсунади. Омбудсман институти ваколатининг кенгайиши эса аввало давлатнинг жамият ҳаётига тобора чукур кириб бориб, қонун доирасида ҳаракат қилганда ҳам беихтиёр фуқаролар манфаатларига зид фаолият юргизиб қўйиши мумкинлигига қарши куч яратиш истагида туғилган, суд қилиш эмас, тавсиянома, хулоса бериш ваколатига эга муассасадир.

Ёдингизда бўлса, бундан икки йил бурунроқ Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бизда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили хизмати жорий этилган бўлиб, унинг қошида жамоатчилик асосида махсус фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган комиссия ҳам ишлаб турди. Вакил ва Комиссиянинг ваколатлари Олий Мажлис таъсис этган Низом асосида олиб бориларди. Бироқ жамиятимизда рўй бераётган сиёсий ислоҳотлар ушбу хизматни янги мазмун билан бойитди ва натижада талабларга тўла жавоб берадиган қонун яратиш эҳтиёжи туғилди.

— Дарвоқе, ўрни келиб қолди, Қонун лойиҳасига ҳам ўз муносабатингизни билдириб кетсангиз.

— Бажонидил. Ҳозирча омбудсман хизматини ташкил этишнинг қатъий белгилаб қўйилган қоидалари йўқ. Бироқ бу борада Халқаро омбудсман институтининг буюртмасига кўра жаноб Д. Готтерер изланиш олиб бораётганини ҳам қайд этиб ўтайлик.

Қонун лойиҳаси 22 моддадан иборат. 1-моддадаёқ «Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидаги парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозимини таъсис этади», дея очиқ-ойдин ёзиб қўйилган.

Айниқса, Қонун лойиҳасининг 2- ва 4-моддаларида вакиллик хизматининг асосий принципларга амал қилиши тўла акс этган.

Вакил депутатлар орасидан сайланади, бироқ у ўз ваколат муддати тугагунга қадар сиёсий партияга аъзолики тўхтатиб туриши шарт. Лойиҳага кўра Вакил республикамиз фуқароларидан ҳамда мамлакатимизда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан шикоятлар қабул қилади. Бироқ муайян шахс ёйинки бир гуруҳ шахсларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида учинчи шахслар, жумладан, жамоат бирлашмалари ҳам шикоят билан Вакилга мурожаат этиши мумкин. Ҳатто лойиҳанинг 13-моддасида Вакил билан халқни бир-бирига янада яқинлаштириш мақсадида шикоятлардан давлат божи олинмаслиги ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган.

Сиз Қонуннинг 16-моддасига эътибор қилинг. Унда «Вакил фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишларининг тахмин қилинган ҳолларини ўз ташаббуси билан кўриб чиқишни бошлашга ҳақли», деб ёзиб қўйилган. Назаримда, бу моддага ортиқча изоҳ бериб ўтириш шарт эмасдир.

— Лойиҳанинг 19, 20, 21-моддаларида Вакилнинг хулосаси ҳақида гап кетади. Аммо ушбу хулосани амалга ошириши шарт бўлган ташкилотларнинг ҳуқуқий мажбуриятларини англаб ололмадим.

— Қонунга кўра Вакилнинг хулосасини олган мансабдор шахс ёки ташкилот дарҳол уни кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай жавоб йўллаши шарт. Бунинг устига, Вакилнинг вазифаларини бажарилишига тўсқинлик қилиш ҳам қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Энди сиз тилга олган эътирозга келсак, айнан Вакилнинг хулосалари қоғозда қолиб кетмаслиги учуноқ унинг ҳузурида Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилади.

Куч — бирликда. Омбудсман фаолияти самарадор бўлиши учун турли министрликлар, нодавлат, халқаро ҳуқуқий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, мутахассислар билан доимий мулоқотда бўлади.

1996 йилнинг ўзидагина Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ва Комиссия аъзолари томонидан фуқароларнинг 700 дан ортиқ мурожаати кўриб чиқилди. 128 фуқаро эса шахсан қабулда ҳозир бўлди. Шикоятларнинг 75 фоизи судларнинг ўй-жой бўйича нотўғри қарор чиқаргани хусусида бўлди. 35 киши ишдан ноҳақ ҳайдалгани бўйича мурожаат қилишган эди, улардан 16 таси қайтадан ўз лавозимларига тикланди. 23 фуқаро эса ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари жиноятларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилди. Булардан 8 таси ўз исботини топди ва ваколатини ошириб юборган раҳбарлар ўз жазосини тортди, 14 шикоят эса назорат остига олинди ва текшириш учун махсус ташкилотларга юборилди. 8 фуқаро суд ҳукми ўз вақтида бажарилмаётгани хусусида мурожаат қилганди, улардан 5 тасининг аризаси текширувлардан сўнг ўз исботини топди...

— Сайёра Шарофовна. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши республикамизнинг ҳар бир фуқаросига нима беради ва миллий тикланиш жараёнларига қандай таъсир кўрсатади деб ўйлайсиз?

— Тинчлик, барқарорлик, ҳуқуқий кафолатлар — мамлакатда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошираётган, демократик жамият қураётган халқнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам ёруғ бўлишининг асосий омилларидир. Зеро, Инсон ҳуқуқлари тўла кафолатланган тақдирдагина фуқаро буюк келажак қуриш йўлида фидокорона меҳнат қилади, ушбу давлатнинг эса жаҳон миқёсида ўз обрў-эътибори, ҳурмати бўлади.

Омбудсман хизмати ҳозирча Марказий Осиё давлатлари ўртасида фақат Ўзбекистонда жорий этилмоқда. Ўмид қилардимки, биринчи қалдирғочнинг ташрифи хуш келади. Демак, Қонун лойиҳасида ҳаммамиз иштирок этишимиз, уни янада мукаммаллаштиришимиз мақсадга мувофиқ.

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА
суҳбатлашди

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР: ҒОЯЛАР, БАЁНОТЛАР, ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Боши биринчи бетда

Шубҳасиз, асл демократик ташкилот бошқача бўла олмайди ҳам. Бироқ энди у сиёсий партия бўла олмайди, зотан маълумки, сиёсий партия бу аниқ бир ижтимоий қатламнинг бўлагидир. Биз ўзимизнинг аччиқ тажрибамиздан компартиянинг «бутун халқ манфаатларини ифодалаш»га уриниши, «Халқ партияси» бўлишга интилиши қандай оқибатларга олиб келганини яхши биламиз. Бироқ ҳаёт ушбу баландпарвоз даъволарнинг пуч эканини кўрсатди. «Партия аҳолининг қайсидир бир қисми манфаатини ифода этиш учун эмас, балки, барча аҳоли, халқ манфаатини ифода этиш учун тузилади» дея исботлашга уриниш сиёсий ҳокимиятни монополизация қилишга бўлган даъвогарликни ниқоблашдан ўзга нарса эмас. Бундай даъволар аввалги яккапартиявийлик тизимидан қолган яшовчан ақидаларга асосланган-дир. «Партияларнинг мажбуриятлари ва фаолият доираларига тегишли назорат функциялари ҳамда сиёсий раҳбарликни» кучайтириш зарурияти ҳақидаги кейинги жумла, муаллиф буни хоҳлаганми, йўқми, барча «і» устига нуқталар қўяди. Сиёсий партияларнинг давлат аппарати билан чатишиши ҳамма вақт бири иккинчисини — давлат сиёсий партияларни ёки партиялар давлат бошқарувини ютиб юборишига олиб келган. Яккаҳокимлик, худди шу каби монополияга даъво қилиш, кўппартиявийлик тизимидаги беқарорлик, мужмаллик ва шаклсизликнинг навбатдаги сабабидир. Айнан мана шу сабаблар туфайли сиёсий қатламлар, сиёсий партиялар ва турли коалицияларнинг ўртасида яккаҳокимликка интилиш йўллари туғилади.

Жамиятнинг ижтимоий табақаланиши анъанавийлик, ижтимоий-психологик, диний, этник ва миллий омилларни сақлаб қолган ҳамда ривожлантирган ҳолда жамиятнинг муайян партияларга бўлинишида ҳамиша тўғридан-тўғри ўз аксини топган. Партияларнинг турли-туман гуруҳлар қоришмасидан иборат кенг ижтимоий базаси сиёсий партияларнинг оёққа туриши ва салоҳияти ошишида муҳим аҳамиятга эга. Лекин ҳокимиятнинг турли эшелонлари ва бўғинлари билан ўзига хос алоқа ўрнатишнинг аҳамияти ҳам асло бундан кам эмас.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг ҳозирча ташкилий-сиёсий жиҳатдан мавҳумлиги уларнинг стратегияси ва айни пайтда тактикасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Қоидага кўра, партиялар нафақат тактик, балки, стратегик вазифалари ҳақида ҳам расмий баёнот беришдан тийилиб туради. У кўп ҳолларда атайин қилинган ва барча эшитадиган ноаниқ мурожаатлар билан алмаштирилади. Шаклсизлик айрим партияларнинг дастурига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, «Миллий тикланиш» партиясининг дастурий баённомасига кўз ташлаган киши уни бир қарашда сиёсий партиядан кўра маърифий партия деб атаган бўлур эди. «Адолат» социал-демократик партияси эса ҳалигача ўзини ҳақиқий социал-демократлигини кўрсатгани йўқ. «Ватан тараққиёти» ҳам амалда ўзининг туб ижтимоий гуруҳлари манфаатини ифода эта олгани йўқ. Кучли ижтимоий базага эга бўлмаган мазкур партиялар раҳбарлари ўз номларини ишга солмоқда, яъни, унга катта салоҳият ва жозиба бахш этиш учун «демократия», «адолат», «миллий уйғониш», «ватан тараққиёти» каби сўзларни ишлатмоқдалар. Сиёсатда пишмаган сайловчининг боши қотади, масалан, «демократик» партия «социал-демократик» ёки «халқ демократик» партиясидан қандай фарқ қилади? 1995 йилда бўлиб ўтган сайловда айрим сиёсий партиялар ўн минглаб овоз олди. Шунга кўра ўтган сайлов сайловчининг овози учун курашиш қанчалик муҳимлигини, чунки айнан кўппартиявийлик тизими орқали ташкил этилаётган демократик сайлов тизимини, халқ ҳокимиятини (кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини ифода этадиган ва бутун жамият манфаатига хизмат қиладиган ҳокимиятни) шакллантиришга жамоатчилик ташкилотларини янада кенг жалб этиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ҳамда унинг самарали ишлашини таъминлашга хизмат қилишини кўрсатди... Бугунги кунда ислоҳотлар муваффақияти ва бу борадаги вазифаларни амалга ошириш сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг Президент ва унинг ғоялари атрофида бирлашишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларидаги сиёсий партиялар фаолияти асосини ғоявий қарама-қаршилик эмас, балки давлатнинг стратегик муаммоларини ҳар жиҳатдан ҳисоба олиш ва унинг самарали ишлаши учун кўмак бериш эҳтимоли ташкил этади. Сайловолди курашини кучайтирар экан, парламентда сиёсий партиялар фракцияларидаги ўз депутатлари тимсолида давлатнинг олий манфаатларига, миллат манфаатларига буйсунадилар. Худди шу йўл билан турлича манфаатларнинг уйғунлашиши ўзининг комил ифодасини топади.

Партиялар раҳбарлари партиявий раҳбарликнинг аввалги тамойилларидан бирваракайига воз кечдилар. Бу бир томондан компартия раҳбариятининг салбий тажрибасидан иложи борича тезроқ воз кечиш керак эди, лекин у қуйи ташкилотлар билан ишлаш борасида жуда катта тажриба тўплаган эди. Унинг бу қадар тез унутилгани ва йўқотилгани кишини ҳайратга солади. Лекин ўз аъзоларини кўпайтириш учун кураш, ўз ижтимоий базасини кенгайтириш, қуйи бошқарув органларини мустаҳкамлаш ҳозир ҳам ҳар қандай сиёсий партиянинг зарур функционал қисми бўлиб ҳисобланади. Бундан воз кечиш ўзинг ўтирган дарахт шохини кесиш билан баробардир... Зотан, партиявий ўз-ўзини кўтаришга эҳтиёж бугун етарлича кучлидир. Биз ғўёки жамиятда пайдо бўлган лоқайдлик ва ёшларнинг бефарқлигидан ҳақиқий ҳаракатлар ўзини номоёнлиги ҳақидаги қуруқ гаплардан иборат фикрларга қаршимиз. Ёшлар кўппартиявийликнинг юзага келиши ва партиялараро муносабатларга катта қизиқиш билдирмоқда. Шароит ва имкониятнинг йўқлиги сабабли сиёсий партиялар замиридан ушбу партиялар фаолиятига янги куч бағишлайдиган ёшларнинг отилиб чиқмаётгани эса бутунлай бошқа масала. Ёшларнинг анча фаол ва уқувли қисмини танлаб олиш ва мақсадли равишда «катта сиёсатга» жалб этишни кенг кўнгиллилик, лекин тартибли асосда амалга ошириш — навбатдаги муаммодир. Бу муаммони ҳал қилиш эса сиёсий партияларни жонлантиришга қодир бўлган «Сиёсий партиялар ҳақидаги» Қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқ.

Айни пайтда жамиятнинг турли қатламларида сиёсий ташкилотчиликни сиёсий партиялар иштирокисиз ҳам уюштирса бўлади, деган ишонч ҳосил бўлаётганидан кўз юммаслик керак. Бу фақатгина жамият ҳаётий фаолиятининг бош ташкилотчиси бўлмиш «партиялар иллюзияси»нинг йўқолгани туфайлигина эмас, балки, мутахассислар таъкидлашганидек, оддий сайловчи уларни бир-биридан аҳрата олмагани, бу сиёсий партиялар моҳияти нимада эканини тушунмагани туфайли юз бермоқда. Оқибатда бундай ҳодисалар абсентеизм — сайловчиларнинг сайловда иштирок этишидан бош тортишига олиб келади.

Умуман олганда, парокандалик ва бўлакланиш ўтиш давридаги кўплаб сиёсий тизимларга хос бўлган кўринишдир (хусусан, ривожланаётган мамлакатларда). Шу боис қайсидир даражада ижтисодий барқарорликка эришилган тақдирда ҳам, «қуйи»дан чиққан қандайдир интеграциялашув кучи томонидан бу бўлакланишнинг сиқиб чиқарилиши гумондир. Демократиянинг ўзи, ҳеч қурса унинг шиорлари давлат томонидан олға сурилган «энг демократик режим»да ҳам сиёсий партияларнинг парокандалиги, уларнинг етилмаганлиги эълон қилинган шиорларни ҳаётга татбиқ этишга ёрдам бермайди. Қолаверса, у жамиятдаги беқарорлик омилига айланиб кетиши мумкин (мисол учун узоққа бориш шарт эмас — МДҲдаги қўшниларимизга назар ташлаш кифоя). Биз бу мамлакатлардаги замонавий сиёсий ҳаётнинг туб ўзаро боғлиқлиги фавқулодда мураккаб, кўп босқичли, қарама-қарши характерга эга экаринини кўрамиз. Бу эса ушбу мамлакатларда партиялар юзага келишининг бошланғич босқичи билангина эмас, энг аввало, иқтисодий кўпукладлиликнинг барпо этилиши, сиёсий маданиятнинг зўриқиши ва плюрализм, айрим сиёсий партиялар раҳбарларининг сиёсий онги пастлиги ва ҳоказолар билан боғлиқ.

Албатта, бунда янги шакллаланаётган ижтимоий гуруҳларнинг жамият сиёсий ва иқтисодий ҳаётида ўз тоқчасини эгаллашга бўлган уриниши ҳам муҳим рол ўйнай бошлайди. Ушбу босқичда одатдагидек, турли ижтимоий гуруҳларни маълум бир вақтгача бирлаштира оладиган муваққат сиёсий коалициялар ташкил бўлиши табиий жараёндир. Бироқ, бундай коалициялар аниқ бир ижтимоий гуруҳнинг туб манфаатларини қондиролмайди ва ифода эта олмайди. Шу боис илк сиёсий инқироздаёқ ушбу коалициялар дарҳол тарқаб кетади. Барқарор бўлмаган тизимда худди шу сиёсий партиялар ва коалициялар «таъсир гуруҳи»га, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштирувчи кучга айланиши мумкин.

Сиёсий коалициялар фақат сиёсий партиялар ва ҳаракатлар тузилаётган «бошланғич босқичда» эмас, балки улар қулаётган сўнгги дақиқаларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ўзини-ўзи бадном қилган, ожизлиги, халқ манфаатига зид моҳиятини кўрсатган сиёсий партиялар ўзини қутқариш талвасасида аввал мақбул бўлмаган ён беришларга энди рози бўлади (шу жумладан, расмий ҳукумат билан ҳам, агар у шунга маълум бир бардошлилик кўрсатса), ўзининг аввалги йўналиши, дастурини дарҳол ўзгартиради, вақтинчалик бўлса ҳам, ички сиёсий ўч олишларини тўхтатишга ҳаракат қилади... Ҳатто бунда умумий курснинг бошқа йўналишга ўтиши юз бериши ҳам мумкин, яъни, ҳокимият учун кураш масаласи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экология, маърифатпарварлик каби масалалар билан алмашади. Расмий ҳукумат фаолиятидаги айрим жиҳатларнигина танқид қилиш билан чекланади. Худди шу маънода ўтган йилнинг сентябр ойида Тошкентда ЕХҲТ (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) билан ҳамкорликда ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзуидаги халқаро конференция алоҳида қизиқиш уйғотади. Конференция иши оммавий ахборот воситаларида тўлалигича ёритилди, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ва сиёсатчилар унинг материалларини синчиклаб таҳлил этмоқдалар. Шу боис биз фақат кузатиш билан чекланамиз. «Мухолифат» (агар шундай аташ жоиз бўлса) вакилларининг тумтароқ чиқишлари, уларнинг ҳеч бўлмаса ўзларини оқлаш ёки ҳеч қурса жамоатчилик наздида Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ягона жонбозлар сифатида кўринишга уриниши, тан олиш керакки, ўта нохуш таассуротлар қолдирди. Буни ҳатто уларнинг раҳбарлари ҳам ҳис қилишди, шекилли. Шу боис, анжуманнинг учинчи куни улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш байроғи остида кучларни бирлаштиришга уриниб кўрдилар. Шундан кейин берилган баёнотлар ва интервюларда «мухолифат» раҳбарияти ғўёки аввалги «мухолифат» томонидан йўл қўйилган келишмовчиликларни унутиш ва бирлашиш тарафдорлари сифатида намоён бўлганига кишининг ишонгиси келмайди... Муаммо шундаки, ушбу «раҳбарлар» барча ижтимоий базаларини йўқотиб қўйганларини англаб етмаяптилар. Шунга қарамай, бизнинг фикримизча, бундай уринишни назардан соқит қилмаслик керак. Ўзбекистондаги вазият барқарорлашган сари ҳозирги «мухолифат» ҳам иложи борича бирлаша бошлайди ва давлат стратегияси ва тактикасидаги ҳар қандай хатодан фойдаланиб қолишга кечикмасликка ҳаракат қилади. Лекин бизнинг назаримизда, бу билан улар ўзларида етишмаётган мукаммалликка эришолмайдилар. Бильакс, мукаммал мухолиф стратегия бошқалар хатосидан фойдаланиб қолишдан ташқари, ижтимоий ривожланиш бўйича ўз қарашларини баён этади, ўзгаришлар бўйича ўз дастурини ишлаб чиқади ва ҳаётга татбиқ этади. Айнан шу нарса эса ҳозирги «мухолифат»да мутлақо йўқ.

Кўриниб турибдики, республиканинг кўппартиявийлик жабҳасида юзага келаётган вазият оддий эмас. Бу албатта, табиий. Ўзбекистондаги кўппартиявийлик жараёни аслида энди-энди бошланмоқда. Афсуски, бу жараён маълум «тажрибалар ва хатолар йўли» билан кетмоқда. Кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, Осиё давлатлари ҳам бу тажрибани аллақачон бошдан кечирган. Уларда партиялараро ўзаро боғлиқлик ва партия қурилиши борасида жуда катта тажриба тўпланган. Лекин, бу тажрибани қўлланиш тугул, у ҳатто ўрганиб ҳам чиқилмаяпти. Чет мамлакатлар тарихи, ўзаро сиёсий боғлиқлик назариясини ўрганиш эса ҳақиқий кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизим барпо этиш, сўнгра ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаштиришда муҳим босқичдир. Кўппартиявийлик муаммосини тадқиқ қилишни жадаллаштириш — реал воқеликдан ортда қолмаслик учун шу бугунок киришиш керак бўлган вазифадир.

Рустам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг сиёсий фанлар кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори

Фалсафий гурунг

БАРКАМОЛ ШАХС КИМ ВА НИМАГА ҚОДИР?

Тарихда Шахс — кудратли бир куч сифатида майдонга чиқади. Ўтмишида шахслари бўлмаган марксизм-ленинизм таълимотининг асосчилари ва ҳайбаракаллачилари бунга ҳам олишмасди. Ленинчилар доҳиёналиги илгари сурдилар. Аммо биз кўрдикки, доҳийлар омманинг устига ўтирар экан, ўз ғоясининг тантанаси учун уни парчалар ҳам экан. Шахслар эса омманинг орасида бўлиб уни етаклар, тарбиялар ва саодатга олиб чиқар эдилар. Шу сабабли Шарқ бутун тарихи мобайнида инсониятга Шахслар тақдим қилиб ўтди. Шахсдан ажралган куни таназзулга юз тутди, Шахс фаолият кўрсатганида тараққиётнинг ўзагига айланди. Шахс мутеликдан, саводсизликдан, хушомаддан бутунлай ҳоли бўлади. Шахс ҳеч қачон четда фаолият кўрсатмайди, тириклигида ёзганлари (айтганлари) бир пул бўлиб таназзулга учрамайди. Шу маънода она Шарқ — шахслар галереяси бўлиб келди.

Бугун Ватанга Шахслар керак. Президент ўгит қилади: «Масъул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз бахтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади». Ҳақиқатан ҳам, ҳозир бизда отдан тушса ҳам эгардан тушмасликка ҳаракат қилаётган, саводи ҳаминқадар, олифта, ғарбона кийинишнинг устаси фаранг бўлган кишилар номига бўлса ҳам қайтадан «передовой» бўлиш иштиёқидадир. Улар бир думалаб ватанпарварга айланиб олишган. Лекин истиқлолимиз талаб этаётган кишилар эса ҳамиша ўз эътиқодида собит қолганлар. Шундай қилиб, биз энди аста-секин Шахсларни вояга етказиш йўлида фаолият бошлаймиз. Бу иш фақат тарбия билангина амалга ошади.

1. ШАХС ВА УСТОЗ

Кишини чинакам бир Устоз тарбиялаб, Шахс даражасига кўтаради. Бунинг учун устознинг ўзи тарбия кўрган бўлмоғи лозим. Тажриба кўрсатмоқдаки, кейинги 70 йиллик тарбия жараёни Шахсларни вояга етказишга интилмади. Аксинча, оммани мутеликка қориштирди. Демак, биз чин Устоз-Шахс истагида бўлишимиз лозимки, у ҳамиша инсонийлигини ва ўзлигини сақлаб қололсин. Шундагина бу сифатлар шогирдга ҳам кўчади. Устозга кўп нарса боғлиқ. Менга қолса ҳатто шогирд ундан сув ичишни ҳам ўргансин. Ҳазрат Нақшбанд демишки: «Шогирдимизнинг биринчи қадами бизнинг сўнгги қадамимиз бўлмаса, у шогирдни оқ қиламиз». Бу ҳақиқатни тан олган Устозгина чин бир Шахсни тарбиялаб вояга етказади. Акс ҳолда шогирд чаламуллалик даражасида қолиб кетади. Шундай қилиб, Устоз шогирднинг кўз ўнгида маҳорат ва инсонийлик даражаси бўлиб туриши керак. Ёшларимиз ана шундай кишилар қўлидагина сайқал ва камол топадилар.

2. ШАХС ВА МУСТАҚИЛЛИК

Агар киши комил бир устоз тополмаса, не қилади? У ҳолда Худодан сабот тилаб мустақил тарбияланиш йўлига ўтади. Албатта, бу анча мураккаб ва тарихда кузатилмаган. Лекин баъзан устозсизлик замонларида бу йўлдан ҳам борилган. Шу маънода мустақил тарбияланиш бу — ёмоннинг ёмонлигини ўзлаштирмаслик, эзгунинг эзгулигини ибрат қилиб олишликдир. У ҳолда киши Ибрат мактабини ўзлигида таъсис этмоғи керак.

Инсон фаросат ва фасоҳат туйғуси билан дунёга келади. Тарбия шу туйғуларнинг шаклланишида кўмакчидир. Мустақил тарбияланиш ўзликдаги имконларни англашни тақозо этади. Агарки одам ўзини ожиз туйса, қандайдир мавҳум кучга табиий равишда эҳтиёж сезади. Мустақил тарбияланиш шу ожизликни инкор қилишдир. Инсон ожиз эмас, чунки унда фаросат туғмадир. Фаросат эса илҳомийлик билан туғишган. Киши шулар билан Шахслик маснадига эришмоғи мумкин. Агар одамда фаросат туйғуси бўлмаганида, биронта Устоз шогирд етиштиролмаган бўлурди. Ибрат мактаби будир.

3. ШАХС ВА ЖАМИЯТ

Шахс — инкор этувчи ва таъсис этувчи бўлиб майдонга тушади. Жамият тараққиёсида бунинг чексиз бир аҳамияти бор. Биринчи жамият мифологияга кўра Одам Атонинг Момо Ҳавога кўнгил қўйувидан бошланади. Демак Одам Ато жамият томонга интилгачгина Шахсга айланди. Шу маънода Шахс ҳам жамиятсиз, жамият эса Шахссиз мавжуд бўлмайди. Жамият тараққийси учун Шахс керак. Агар Шахс қанчалик ислоҳга юз бурса, жамият шу қадар соғломлашади.

Жамият ҳамиша ислоҳга тайёр бўладими? Бу Шахсга боғлиқ. У жамият тўғрисида одил фикрга келса, жамият уни лутфан қабул қилади. Жамият унинг ислоҳини қабул қилмас экан, у Шахс эмас. Шахс реал ва мавжуд нарсани соғломлаштириши, унга етакчи бўлиши лозим. Фозил жамият Шахсга эҳтиёж сезмайди, лекин у фозиллашмоғи учун Шахсга муҳтож бўлади. Бу борада Форобий узоқ гапирган. Биз деймизки: «фозиллар мамлакати»ни Шахс таъсис этади.

Шахсни ҳеч нарса чалғитолмайди. Янада жўнлаштирсак, у самимий маънода шахсий манфаатдан маҳрумдир. Шахсий манфаати бор кимса Шахс бўлолмайди. Шахс бу биз, яъни жамият учун дунёга келади. Биз унинг ҳисобига саодатда яшаймиз. Илоҳ уларни биз учун юборади. Буни англамаган киши Шахс бўлмайди. Шахснинг жамият олдидаги бурчи шу. Жамиятнинг эса унинг олдида бурчи бўлмайди. Агар бурчи бўлганида эди, у жамият бўлмасди. Жамиятнинг вазифаси бор, холос. Бу вазифа — Шахс жорий этган қонуниятларга қўникувчанликдан иборат.

ХХ аср шароити Шахсни жамият учун масъулликка тайин этмоқда. Бир пайтлар, ҳали техниканинг ҳиди анқимаган даврларда Шахснинг масъуллиги чекланган эди. Бугун эса тескари ҳолат юзага келган. Демак, Шахс ХХ асрда жамият учун масъул.

4. ШАХС ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Бирор кишига дабдурустдан «сен Шахссан» деб бўлмайди. Кишининг Шахс эканлиги самимий равишда отанинг фикрларини ислоҳ этиб боришда намоён бўла бошлайди. Қандайдир бир туйғу отада ўғилга нисбатан ишонч туғдиради. Бу ўғилнинг Шахс сифатида намоён бўлувидир.

Юқорида таъкидлаганимиз тарбия жараёни Шахснинг ўзлигини намоён этишда восита, холос. Шахс фожиалар гирдобида ўзлигини кўрсатади. Сиз мусибат кунида бирор кишини дадил ва ўктам кўрсангиз, уни Шахс билгайсиз. Шуниси борки, Шахс саодатли кунларда тўла намоён бўлмайди. Балки энг масъулиятли дамларда ўзлигини намоён қилади. Бу борада ўтмишимизда ҳам, бугунги кунимизда ҳам мисоллар кўп.

Бугунги жамиятимиздаги Шахс Ватанга, миллатга ва давлатига бўлган фидойилиги билан ўзлигини намоён қилишга қодирдир. Чунки биз янгича ва ўзига хос бир жамият таъсис этмоқдамиз. Бундай пайтда реал ижтимоий фаоллик жиддий аҳамият касб этади. Янги жамият таъсис этилаётганида мухолифатчиликдан кўра ижтимоий фаоллик, тотувлик натижа беради. Яратувчанлик янги жамият учун ҳаводек зарурдир. Шахснинг фаолияти жамият тараққийси учун соғлом фикр тақдим қилиш билан амалиёт жабҳасини юзага келтиради. Мисол учун Буюк Темур янги бир давлат ва жамият таъсис этаётганида Шахслар унга фикрлар қўламини тақдим қилдилар. Темурбек эса ундан унумли фойдаланди. Бизнинг жамият ҳам фикр ва амал уйғунлигини тақозо этмоқда. Бу ҳол Шахснинг Ватан, миллат ва давлат манфаати йўлидаги фаолиятини белгилайди. Бугун озод ва эркин бир руҳда Шахс бўлиб тарбияланиш ва фаолият кўрсатиш учун замин ҳозирланган. Бугунги жамиятимизда Шахс фаолияти шу тариқа намоён бўлади.

Абдумалик ЁҚУБОВ



Соқолимнинг оқлигига ишонма!

ЧЎЛПОН ҚАНДАЙ ТИЛДА ЁЗГАН?

Сарлавҳани ўқиган айрим муштарийлар «Ана холос! Чўлпон, албатта, ўзбек тилида ёзган-да, нари борса, уч-тўрт шеърини усмонли турк тилида ҳам ёзган. Шу ҳам муаммо бўлдими?» — деб юборишлари мумкин.

Биз Чўлпоннинг ўзбек, усмонли турк ёки яна бошқа қандайдир бир тилда, яъни қайси тилда асар ёзганлиги хусусида эмас, балки қандай тилда ёзганлиги тўғрисида қисқача тўхталмоқчимиз.

Ўзбек тили тарихий тараққиётига бағишланган тадқиқотларда, олий ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларда, ҳозирги ўзбек адабий тили ўттизинчи йилларга қадар шаклланмаган эди, ўттизинчи йиллардан кейингина тўла шаклланди, деган умумий бир фикр илгари сурилади.

Тўғри, 20-йиллар ўзбек матбуоти тилида маълум бир чалкашликлар, сўз танлаш ва қўллашда турлича ёндашувлар бўлганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бироқ масалага чуқурроқ ёндашилса, ўша ҳаракатлар ҳам ўзбек тили тараққиёти йўлидаги ижобий уринишлардан бири эканлигини пайқаш мумкин, албатта. Майли, бу — алоҳида бир мавзу.

Энди, 20-йиллардан 30-йилларга қадар яратилган асарларни умумий тарзда бўлса-да, эсга олайлик. Булар: Фитрат ва Ҳамзанинг драмалари, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари, Фитрат, Ҳамза ва Чўлпоннинг шеърлари, Чўлпон ҳикоялари, Фитрат ва Чўлпоннинг мустамлака тузумига қарши қаратилган ўткир публицистик асарлари...

Наҳотки, ўзбек маданияти хазинасининг ноёб дурдоналари ҳисобланмиш бу асарларни шаклланмаган тилда ёзилган, дейишга тил борса?!

Олайлик, Чўлпон асарларининг тилини. Чўлпоннинг 1914 йилда ёзилган «Қурбони жаҳолат», «Дўхтур Муҳаммадиёр» асарлари тилида ўзбек мумтоз адабий тилига хос бўлган мураккаб сўз ва иборалар кўпроқ учрайди. Шу билан бирга, мазкур асарларда қисман усмонли турк, озарбойжон ва татар тилларининг таъсири ҳам маълум даражада сезилиб туради. Бундай ҳолни ўша даврда яратилган Беҳбудийнинг «Падаркуш», Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз», «Бахтсиз куёв» сингари асарларида ҳам кузатиш мумкин.

Лекин Чўлпон йигирманчи йиллардан кейинги даврда яратган асарлари тилининг содда, равон ва ихчам бўлишига алоҳида эътибор берди. У мураккаб, кенг омма учун тушунарсиз арабий, форсий сўз ва бирикмалар ўрнида жонли халқ тили бойликларидан унумли фойдаланди.

Масалан, Чўлпоннинг «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз», «Тараққий» сингари ҳикояларида ўзбекнинг дарди, орзу-армонлари, мустамлака сиёсатига қарши нафрати, исёни, мустақиллик йўлидаги мардонавор курашлари ёрқин бир тилда ифодалангани билан ажралиб туради. Бу асарлардаги сўзлар ниҳоятда ўринли ҳам ўзгартирилмас даражада қўлланганлигидан у асарлардаги сўзларни бошқа сўз билан алмаштириш ёки сўзларни тушириб қолдириш, Чўлпон тузган жумлалар орасига бирор сўз ҳам қўшиш мумкин эмас. Акс ҳолда Чўлпон асарлари маъноси бузилиши, айрим ҳолларда нотўғри талқинларга, бошқача хулосалар чиқаришга олиб келиши ҳам мумкин.

Чўлпон асарлари тили устида қай даражада жиддий ишлаганини, унинг сўз танлаш ва қўллаш маҳоратини ҳажман катта бўлмаган «Тараққий» ҳикояси мисолида кўриб чиқайлик.

Ёзувчи ҳикоядаги ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос характерини яратишда тил имкониятларидан устакорлик билан фойдаланади. Чўлпон қаҳрамонларига уларнинг ўз ички дунёларини, руҳий ҳолатларини бўрттириб кўрсатиш учун лозим бўлган таъсирчан сўз ва ибораларни топиб беради: «Ну, ўртоқлар, вопросни мен решил!», «Ўртоқлар, уже время», «Картинага!», «Самий яхши маслаҳат, шул ерга борамиз, городской садга, ов қиламиз, ов!».

Бу гаплар «Тараққий» ҳикоясининг қаҳрамонларидан бири Илҳомга тегишли. У ҳар бир гапида русча сўзларни қўшиб гапиради.

Илҳомнинг тараққиёт ҳақидаги тушунчаси ҳикоянинг иккинчи қаҳрамони Салоҳиддин карашларига яқин. Улар тараққиётни «картина»да, яъни кинода, циркда бўладиган «танса»да, ёки «городской сад»да деб биладилар. Илҳом ҳам, Салоҳиддин ҳам тараққиёт учун ота-боболари тажрибасидан, аждодлари ўгитларидан фойдаланишни зарарли деб тушунишади. Ўртоқлари уларга шундай таклиф қилади: «Сўфи бобонинг олдиға қарамиз, «урус келди»да бўлғон гаплардан, ўшал вақтдаги хонларнинг, бекларнинг қилғон ишларидан гапириб беради, эштитиб чиқамиз. Сўфи бобо Қўқон хонлари билан Бухоро амирлари орасидаги беҳуда ғалваларни жуда яхши билади, бир эштитар эдик». Бу гаплар Илҳом ва Салоҳиддин учун «эски, мияси чуруган бобойларни лаққиллатиш». Шунинг учун уларнинг жавоблари ҳам тайёр: «Шунинг билан тараққий қилиб бўладими?»

Ана, тараққиётни икки хил тушунадиган уч ўртоқ Илҳомнинг сўзлари билан айтганда, «городской сад»да, қизлар билан юришибди. Илҳом билан Салоҳиддин оғизларига нима келса гапириб, қизларнинг кулгусига дунёни ғарқ қилиб бормоқдалар. «Қора кўйлаклик» қиз билан бораётган ўртоқларидан эса садо чиқмайди. Унинг кўнгли ғаш, нимадандир норози. Сабри тугаган қизнинг ўзи илинж билан гап бошлашга мажбур бўлди:

«— Ну, молодой человек.

— . . . . . .

— Ну, что нового?

— . . . . . .

Қора кўйлаклик Салоҳга қараб:

— Слушайте, почему он ничего не говорит? — деди.

Салоҳ менга:

— Ҳой, гапирсангчи, пес! Нима бўлди сенга? — деди.

— Нима гапирай?

— Картушка, сабзи, пиёз, ошқабоқ... нима бўлса ҳам.

— Шуларни гап қилиб гапирадими?

Бу сўзимга Илҳомнинг жуда аччиғи келди:

— Шу песни нимага олиб чиқдиқ? Ғўддаймай ўлсун. Шу ҳам инсонлиқми?»

Бу гаплардаги сўзларнинг ҳар бири айни ҳолат, кўринишни, қаҳрамонлар руҳий қиёфасини ишонарли ҳамда ҳаётий кўрсатишга йўналтирилган. Шу боисдан қора кўйлаклик қизнинг тегажоқ, қитиқ гапларини ҳам, Салоҳиддин ва Илҳомнинг «Ҳой, гапирсангчи, пес!», «Ғўддаймай ўлсун» деган жонли тилга хос бўлган таъсирчан сўзларини ҳам ўзгартириш мумкин эмас.

Чўлпон асарлари тили ўрнак бўларли даражада яхши ишланганини унинг замондошлари ҳам фахр билан қайд қилган эдилар. Элбек 1919 йилда «Тил» номли шеърини Чўлпонга бағишлаган. Ҳатто 1927 йилда Чўлпон асарларининг асоссиз танқидини бошлаб берганлардан Олим Шарофиддинов ҳам «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас, у миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир», деган мақоласида Чўлпоннинг тил борасидаги хизматларига қойил қолиб ёзган эди: «Унинг тили содда, ҳар турли фикр-туйғуларни ифода қилишқа ярарлик ҳам нуқсонсиздир. Бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тили-

ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

дир. Чўлпон бунинг билан тақдир этарлик, мақтарликдир». (Ўзбек шоирлари. Чўлпон. «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927 йил 14 феврал).

Чўлпон бадиий асарларининг тили ҳақида ўзбек олимлари билан бирга татарлар ҳам унга юксак баҳо берганлар. Чунончи, 1929 йилда Қозонда чоп этилган «Ўзбек адабиёти» китобида шундай дейилади: «У маъно бойлиги, ширали тили, услуби, ифодаси билан санъатнинг энг юқори босқичига кўтарилиб чиқди».

Хўш, «санъатнинг энг юқори босқичига кўтарилиб чиққан», «ҳар турли фикр-туйғуларни ифода қилишга ярарлик ҳам нуқсонсиз» бўлган Чўлпон асарларининг тилини бугунги кунда қандай баҳолаймиз? Чўлпон ўзбек адабий тилининг шаклланган тилида ёзганми ёки шаклланмаган тилда?

Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультети

ФУҚАРОЛИК ЖАСОРАТИ

«ТАРИХДАН» ЁЗИЛГАНДА...

Кўҳна тарихда ўрганилмаган ва ечимини кутиб ётган сиру асрор кўп. Ҳар бир жамият зиёлиларининг вазифаси ана шуларни кашф этиб, ўз халқи тараққиётига ҳисса қўшмоқдир.

Адиб, шоир Чўлпоннинг «Тарихдан» шеъри биз учун номаълум бир тарихий фитнани фош этади. Келинг, ўша «Тарихдан»нинг тагида нима борлигига бир назар ташлайлик.

Маълумки, 1920 йил сентябр ойида манғитлар сулоласининг сўнгги вакили амир Олимхон тахтдан мажбрий қувилгач, давлат тепасига турли фирқа ва оқимларнинг бир мақсадга уюшган Файзулла Хўжаев раҳбарлигидаги кишилар келдилар. Улар Бухоро Халқ жумҳуриятини эълон қилдилар. Орадан бир неча ой ўтгач, Тошкентда фаолият олиб бораётган адиб, шоир, олим, жамоат арбоби Абдурауф Фитрат жумҳуриятмаориф нозири сифати иш бошлайди. Ёш ҳукуматга (аслида фелдшер бўлган) татар йигит Бахаутдин Шаҳабуддинов ҳарбий нозир бўлиб, московликлар фикрини тадбиқ қилишга интилди. Аммо у сирли равишда вафот этгач, Туркбюронинг аъзоси, фавқулодда ҳукуқларга эга, «Қизил Шарқ» карвон поезднинг бошлиғи Г. Сафаров ақл ўргата бошлайди. Бироқ ёш ҳукумат арбоблари унга Бухоронинг мустақил эканини тушунтирадилар, сўзга кирмагач, безор бўлиб, Масковга арз қиладилар. У ниҳоят, ўз хатосини тушуниб етади ва «Шарқ халқларининг миллий-маданий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаши» керак деган тезисни илгари суради. Бунинг оқибатида 1921 йилда фирқа сафидан чиқарилиб, 1937 йилда қатл этилади. Аммо бу фикрга келгунча бухоролик арбобларнинг жиғини роса ўйнатади.

Масковнинг темир панжалари ҳиқилдоғидан маҳкам ушлаб турган ҳолда энди-энди тетапоя қадам ташлаётган ёш давлат арбобларидан Фитрат, Ота Хўжаев каби сиймолар Бухоро маданиятини кўтариш учун истеъдодли, тафаккурли кишиларни чақира бошладилар. Ана шу аснода 1921 йили Тошкентдан Чўлпон «Бухоро ахбори» газетасининг масъул муҳаррирлигига, Маннон Уйғур миллий театрни ташкил этишга, Абударҳмон Исмоилзода нашриёт ишларини йўлга қўйишга, Саид Ахрорий матбуотни изга солишга таклиф этилади. Икки дўст олдинма-кейин жумҳуриятнинг бош газетасини чиқарадилар. Айтиш керакки, бу вақтда газета қизил қўшиннинг поезди босмахонасида босилар эди. Шунга қарамай ўзларининг бош йўлларидан оғишмай иш олиб бордилар. Чўлпон «Бухоро ахбори» газетасига 1921 йил 30 июндан 1922 йил 15 январгача масъул муҳаррирлик қилган ва Абдулҳамид Сулаймон (Юнусов) деб имзо чеккан. Чўлпон Россиянинг Марказий Осиёдаги эмас, балки умуман Осиё қитъасига оид сиёсати ҳақида етарли маълумотга эга эди. Шу боис Масковнинг зимзима сиёсатига бефарқ қараб тура олмасди. Унинг шу йили ёзилган «Халқ» (20.7.21 й.) шеъри ҳам уларга қаратилгандир.

1921 йил июн ойининг иккинчи ҳафтасида Бухорога келган Русия Шўролар Жумҳуриятининг фавқулодда вакили К. К. Юренев (Кротковский) Файзулла Хўжаев ҳукумати ва фирқа аъзолари билан музокара олиб боради. (шу ерда мухтор вакил бўлиб ишга қолади — С. А.) (Афтидан, бу музокара чоғида Юренев, Русия элчиси Бодров ёш ҳукуматга босим ўтказади. Гарчи матуботда бу ҳақда ўтказилган зиёфатдан бошқа нарса ҳақида хабар берилмаган бўлса-да, аммо «фавқулодда вакил» деган сўзнинг замирида бир дунё сир мужассам.

Маккорона сиёсат олиб боришда XX аср бошида рекорд кўйган болшавойлар, тажрибасиз, муҳофазасиз, заиф, боши қовушмаган, сиёсий тафаккури пажмурда аҳоли ҳамда ён қўшни мамлакат раҳбари Омонуллахоннинг мақсадлари Чўлпонниг «Халқ» ва «Тарихдан» (3 ноябр 1921 йил) шеърларидан яққол сезилиб туради. Фақатгина амир, М. Фрунзе, В. Куйбишев, К. Юренев, Г. Сафаровларгина кечаги жадидларга: «Мундоғ аччиқ фиғонларга бу ўлкада лузум йўқ!» дейиши мумкин эди.

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг «Тарихдан» шеъри Бухоро Халқ Жумҳуриятининг инқирози, қоларверса, Анвар пошшо ва Иброҳимбек бошлаган озодлик ҳаракатларининг бурғу товушлари эди, десак сира муболаға бўлмас, деб ўйлайман. Бу шеър, чиндаман, Чўлпоннинг фуқаролик жасоратидир, бунга тан бермоқ керак.

Сирожиддин АҲМАД

ТАРИХДАН

Қоронғи кеч... кўк юзида юлдузларми
,отилган?
Йўқса элнинг бахтимидир «кўланка»га
сотилган?

* * *

Узоқ йўлнинг орғин, кучсиз йўловчиси
дараксиз,
Нима учун бу йўлларда ой ёғдуси
кераксиз?
Нима учун тўфонларни қайнатгувчи олов
йўқ?
Нима учун йўлчиларнинг юзларида «кўз»
ўйнар?
Нима учун у кўчада кўзи келмас «боз»
қайнар?
Нима учун шунча инсон ҳур ўлкада
«озод» қул?
Нима учун йўлчиларга кўрсатилмас
тўғри йўл?
Бу ярамас! — дея оғзим
очилмасидан, буйруқ:
«Мундоғ аччиқ фиғонларга бу ўлкада
лузум йўқ»

* * *

Қоронғи кеч... кўк юзида
юлдузларми отилган?
Йўса менниг «оҳларим»ми бўғзимда
тутилган?...

ЧЎЛПОН

1921 йил 3 ноябр, Бухоро

ЭЛНИНГ ТАБИБИ

Туркистон генерал губернатори келинининг жағи тушиб қолади. Ҳафта дуруст табиблардан даво тополмагач, сарт табибини қидиришга қарор қилинди.

Эски шаҳарда извошда тилмоч, икки четида қилич таққа, милтиқ осган казаклар пайдо бўлганда йўловчилар деворга ёпишган. Тилмоч суриштириб, казаклар қиличи шарақа-шуруқи билан табибни уйига бостириб кирганда, ҳамма бақа.

— Сен табиб!? — тилмоч бармоғини бигиз қилади.

Машҳур ҳожи дўконда, Иброҳим айвонда сўйилган қўйни гўштини бузиб ўлтирган эди, бош силкиди.

— Жўр!

Иброҳим икки-уч йил бўлди енгил беморларни даволаб Машҳур ҳожи боролмайдиган узоқ ерларга бориб туради. Икки казакни ўртасида Иброҳим извошга чиқиб ўтиради.

Қизиталоқ қаерга олиб боради? Авахтагами, йўғ-ей, извошда борадими?

Эсхонаси чиқиб кетган Иброҳим қалтирайди. Ярим оқ подшонинг ҳашаматли уйи, елкасига зар илган ҳарбийлар... Губернаторни олдига кирганда халатда ўтирган экан, унга орқасини ўгириб зар таққан хизматкорга таъзим қилган.

Беморни кўрсатишганда, тибибнинг кўзи — жонон пиёла. Ширмойни ўзи-я, титраб кетади. Қаймоқдек ярим кўкраги очиқ, кейин ўзига келади, даҳани осилиб, оғзи сасиб ётибди-ку. Сўзсиз даҳанини ўрнига солади. Ойимча йиғлаб юборади. Оғзи очилиб-ёпилди. Ҳамма енгил тортади. Тилмоч табибни ташқарига бошлайди. Извошга ўтқазиб, Ўрда кўпригига келганда қўлига пул қистириб тушириб юборади. Иброҳим «Қор ёғди» маҳалласига ҳаллослаб етиб ўзига келади. Кафтини очса ўн беш сўм пул. Бузоқли сигирни пули-я... Ҳар куни жағи тушсин Ширмой ойимни-я.

Эски шаҳарда овоза тарқалди. Машҳур ҳожининг ўғли Иброҳим ярим оқ подшонинг келинини тузатибди. Бир пода сигир, йўқ икки пода сигирни пулини олибди... Миш-миш тинмай яна овоза: «Ярим оқ подшо Иброҳим табибга дархонлик берибди».

Ҳақиқатдан ҳам, оқ подшони бургут расмли қоғози билан кичкина туғи Машҳур ҳожининг дўкони тепасига илинади: оқ подшони қарамоғига ўтди: семиз жандарм Машҳур ҳожига бош эгиб, кафтини чеккасига қўйди, майна қилмади, ўзича салом берди.

Давоми тўртинчи бетда

ҲИНД САЁҲАТИ

Қамчибек Кенжа 1946 йил Избоскан туманида туғилган. Ўндан ортиқ шеърий ва насрий китоблар муаллифи. Асарлари рус, украин, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Андижон вилояти бўлимини бошқаради. Шу билан бирга «Холис» номли ҳафталик ижтимоий-оммабоп газетага бош муҳаррирлик қилмоқда.

Қамчибек Кенжа Андижонда ташкил этилган Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзоси сифатида Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистон сингари қатор Шарқ мамлакатларида бўлди. Сафар таассуротлари асосида «Ҳинд сорига саёҳат» китобини ёзди. Шунингдек, «Бобурийлар изидан», «Бобур саломи» каби ҳужжатли-оммабоп филмларни яратишда фаол иштирок этди.

Қўйида адиб қаламига мансуб сафарномадан бир улуш эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

«ҒУРБАТГА ЛАЪНАТЛАР БЎЛСИН...»

Шаҳар жанубидаги тарихий ёдгорликларни, Муҳаммад Ибн Туғлуқ шох ўзи учун қурдирган мақбарани томоша қилгач, шимол томонга юриб, Мўлтон университетини топдик. Дарвозада полисмен тураркан. Остона ҳатлагач ўртаси гулзор, икки ёни қуюқ дарахтзор йўлдан ичкарига кириб бордик. Бу манзара менга Масков университети ҳовлисини эслатди. Гўзал, шинам бинолар орасидан ўтган йўл атрофи ажриқзор яшил майдонлардан иборат эди.

Бизни тарих куллиётининг декани, доктор Ошиқ Муҳаммадхон Дурроний жаноблари ғоят очиқ чеҳра билан кутиб олди. Бизни хонасига олиб кириб, ҳаммамиз билан бирма-бир танишди ва саволимизга биноан аввал Баҳоуддин Закариё номидаги ушбу университет ҳақида қисқача маълумот берди: 1965 йили очилган бу илм даргоҳида ҳозир 20 та куллиёт бўлиб, ҳар йили 2 минг нафар талаба ўқишга қабул қилинади. Университет ҳовлисининг умумий майдони 400 гектар.

Мўлтон шаҳрининг аҳолиси 10 лак (1 миллион) экан. Шаҳар тарихи ҳақида китоблар битган Муҳаммад Дурроний бизга жуда кўп нарсаларни завқ-шавқ билан гапириб берди.

— Мўлтон Покистондаги қадимий шаҳарлардан бири, — дея сўз бошлади у. — Милоддан аввалги IV асрда барпо этилган, кўп ўтмай Искандар Зулқарнайн бостириб келган. Бироқ катта талофат кўриб ортига қайтган. Қайтишда йўлда ҳалок бўлган. Кейин, Ашока подшолиги даврида, бутун Ҳиндистонда бўлгани каби, бу ерда ҳам буддизм ривожланган. 713 йили Мўлтонни Муҳаммад бин Қосум бошчилигидаги араблар эгаллаб, ислом дини ҳукмронлигини ўрнатган... X аср бошларида турклар келишган.

Янги маданият шаклланган. Маҳаллий аҳоли уларга тақлид қила бошлаган.

XVI асрда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Афғонистондан келиб, Қандаҳорни, Лоҳурни олгач, Мўлтонни ҳам эгаллади. Сўнгра шу ердан Ҳинд сари юриш бошлади...

Доктор Дурроний жуда дилкаш, суҳбати жонон, хушфеъл, хушчақчақ инсон экан. Истараси иссиқлигидан доим кулимсираб турганга ўхшайди. Гап орасида «ача» («яхши») сўзини кўп ишлатаркан.

Бобур ва унинг сулолаларига хайрихоҳлиги, ҳурмати баландлиги билиниб турарди. Олимнинг сўнгги бобурий шоҳ Баҳодир ва унинг авлодлари ҳақидаги маълумотлари шахсан мен учун янгилик бўлди.

— Баҳодиршоҳ ўлгач, унинг авлодларидан бири оила Мўлтонга кўчиб келиб, шаҳардан 16 мил наридаги ўрмонда яширинча яшай бошлаган. Кейинчалик халққа қўшилиб кетишган. Уларнинг учинчи авлодини 1950 йилларда ўзим кўрганман. Бўйдор, келишган, бақувват кишилар эди. Лекин ғурбат бобурийларни емирди. Ғурбатга лаънатлар бўлсин — бир авлодни йўқотиб юборди...

Суҳбатда Муҳаммад Дурроний бобурийларнинг шоирлиги, Покистоннинг бобурийлар давридан номзодлик илмий иши ёзган муаллим Хумера Дасти ҳам қатнашарди. Ўттиз беш ёшлар чамасидаги нозиккина бу жувон анча камтар, камсуқум эди. Жажжигина қумуш ранг булоқиси ўзига жуда ярашиб турарди.

Муҳаммад Дурроний бизни сидқидилдан уйига таклиф қилди, «Бир пиёла чойимизни ичиб кетинглар», — деди шарқона лутф билан. Узр сўраб, шошаётганимизни айтган эдик, таассуф билдирди ва «Эҳтиёт бўлинглар, йўл носоз ва нотинчроқ», — дея йўл-йўриқ кўрсатди. Куветта йўлидаги Лўралай шаҳрида Амирхон исмли ўғли ишларкан, унинг номига хат битиб берди.

Олим биз билан эски қадрдонлардай ва қайта кўришишга умиди ва ишончи бор одамдай хайрлашаркан, божхона бошлиғининг ўринбосари Осман Али Шайхга ўхшаб «Ассалому алайкум», деб қолди. Покистонликларнинг бу одати, яъни бизда кўришган чоғ ишлатиладиган иборанинг хайрлашаётган маҳал айтилиши, аввалига менга эриш туюлди. Кейин ибора мазмунини ўйлаб кўриб, эҳтимол, мантиқан олганда, булар ҳақдир, деган фикрга келдим. Дарҳақиқат, хайр-хўшлашаётиб бир-бировга омонлик, саломатлик тиланади-ку...

Шаҳарга айланган қайтдик. Тор йўлларда от-арава, эшак арава, годи кўп экан. Умуман олганда, улов қатнови жуда тиғиз ва бетартиб эди. Кўчалар, уйлар ўрта асрларни эслатарди.

ҲАЙБАР ДОВОНИ. ТУН.

Соат иккиларда Мўлтондан чиқиб кетдик. Кўп ўтмай, доктор айтганидай, носоз йўллар бошланди ва борган сари баттарлаша борди. Бунинг устига кўчага бир машина аранг сиғарди.

Икки ерда дарё ўзанидан, уюм-уюм ясланиб ётган тошлар орасидан ўтиб, тоғлик жойга етдик. Довон бошланди. Йўл тор. Аммо довондан ўтавериб йўл ҳадисини олган юк машиналари ҳайдовчилари шиддат билан бостириб келишаверарди. Машиналар ниҳоятда ясатилган, ҳайдовчилар эса... соч-соқоли ўсганлари, ўрмондан чиққанга ўхшаганлари кўп эди. Хотинини ясантириб, ўзи хароб кийинган одамдай бепарво юришаркан. Балки узоқ масофа — бир неча кунлик йўл одамни шу ҳолга солиб қўяр...

Қуёш ботиши арафасида баланд қоялар узра ажойиб манзара намоён бўлди: офтоб булутлар ортида, лекин шафақ қон талашгандай қип-қизил. Сулаймон тоғларининг икки томонда қорайиб кўринаётган ўркач-ўркач тизмалари гўё тутунлар орасидан сузиб бораётгандай. Дара эса, улкан палма дарахтларидан иборат ям-яшил боғга ўхшайди.

Тез кўтарилар эканмиз, ўнгдаги дара борган сари чуқурлашиб бораверди. Баланд тоғ ёнидан қисилиб ўтадиган қалтис бурилишлар кўп. Қоялар ёнидан бўртиб чиққан улкан-улкан харсанг тошлар бошингиз устида тургандай, ҳозир тушиб кетаётгандай туюлади.

Тоғ ҳавоси ҳам, шабадаси ҳам илиқ...

Довонга кўтарилганимиз сайин дара ваҳимали тус ола борар, қарасак, юрак ҳаприқар, муюлишларда эса «шувиллаб» кетарди.

Бекатсимон жойда тўхтадик. Одатий йўл ошхона-чойхоналари, масжидлар бор экан. Ҳайдовчилар машиналарини дара қирғоғига тўхтатиб, шом номозини ўқишга ошиқишар, чап ёнбағирдаги ошхонада апил-тапил тамадди қилаётганлар ҳам кўп эди.

Раҳбаримиз Зокиржон Машрабов бошчилигида шўрвага ннадик. Зокиржон ака катта алюмин кастирулга 1 килодан картошка, пиёз, бир ярим кило помидор ташлади. Биз овқатнинг тахири чиқиб кетса керак, деб хавотирланувдик, шунақа ширин бўптики, қорин очлигиданми, анчадан бери анжанча қўлбола овқат емаганимиз учунми ёки тоғ иқлимининг таъсириданми, раҳбар-ошпазга раҳмату офаринлар айтиб қайта-қайта ичдик...

Ошхона эгалари — соч-соқоли тартибсиз ўсган кишилар бизга тундроқ ва ваҳимароқ кўринишувди, ҳолбуки, жуда самимий, одамохун эканлар. Уларнинг кийинишлари ҳам бизда нохуш таассурот қолдирганди. Одатда қора танлилар ранги андак бўлса-да, юзга уриб туриши учун, шунингдек, иссиқ иқлимли юртларда қуёш нурини қайтаради деб, оқ кийим кийишади, бу ерда, жазирама Ҳиндистонда, хусусан, хозир биз турган жойдаги одамларнинг аксарияти қора кўйлак ва қора шалварда эди.

«Мезбонларимиз» бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни, халқимиз мустақилликка эришганини эштитиб, хурсанд бўлишди. Бу хабарни худди суюнчилагандай бир-бирига етказишди. Ўз мулоҳазаларини баён этишди. Атрофимизни ўраб олиб, ҳар хил саволлар беришади...

Бу йўлда ҳам қароқчилар бор деб ваҳима қилишганди. Шунинг учун ўтган safарги аҳволга тушиб қолмайлик деб, довондан кундуз ўтишга қарор қилган эдик. Мезбонлар: «Бу жой сизларга тўғри келмайди, каравот етарли эмас, пашша кўп, яна 11 чақирим юрсангиз, довоннинг энг тепасида яхши жой бор», деб маслаҳат беришди. Қуюқ хайрлашиб жўнадик.

Довоннинг энг қийин, танг йўли бошланди. Сабзи жўягисимон айланалардан айланиб-айланиб кўтариляпмиз, кўтариляпмиз. Олдимизда, орқамизда баҳайбат юк машиналари... Ой гоҳ олдинга ўтиб йўл бошлайди, гоҳ орқада қолиб, бизга эргашади.

Гоҳо, рўпарадан машина келиб қолса, йўлга сиғишмай анча-анча туриб қоламиз. Орқага тисарилиш жуда хавфли измаиз келаётган машиналар ҳам бор. Рўпарадан келаётган ҳайдовчи ҳам баландга тисарила олмайди... Бунақа пайтда машиналарнинг ҳамма ғилдираклари остига тош қўйиб, кенгроқ жой, чора излаймиз. Орқада ҳам, олдинда ҳам машина қаторлашиб кетади, беқаноат ҳайдовчилар жон-жаҳдлари билан сигнал бера бошлайдилар. Бир зумда тўпланишиб, бир-бирларига йўл-йўриқ кўрсатишга тушадилар. Негаки, жиндай қалтис ҳаракат катта фожиага олиб бориши турган гап. Енимиздаги жарликнинг тубига кўз етмайди...

Бобур мана шу довондан бир неча бор от суриб, лашкар тортиб ўтган. Ҳозир-ку, ҳарқалай, тоғлар қирқилиб, текисланиб, йўл маълум бир шаклга солинган, асфалтланган. Бобур даврида — бундан тўрт юз етмиш йил илгари — қанчалик носоз ва ваҳимали бўлганини тасаввур қилиш ҳам қийин. Ҳойнаҳой, илонизи сўқмоқдан, катта-кичик тошлардан иборат, нотекис, машаққатли, қўркинчли йўл бўлгани аниқ. Лекин табиатига тақдирдан зорланиш, қийинчиликдан шикоят қилиш ёт бўлган жасур саркарда, матонатли инсон Бобур бу ҳайбатли довондан ўтиш заҳматлари ҳақида лом-мим демайди, неча марта тилга олган бўлса, ҳар гал жўнгина: «кўталдин (довондан-Қ. К.) иниб, Ҳайбар тангисидан (дарасидан-Қ. К.) ўтуб...» ёки «Ҳайбар кўталининг тубига тушулди», деб қайд этиб кўя қолади... Шуларни ўйлаб, Бобур шоҳнинг чинакам анжанча чапани, орият, иззатни юксак тутишдек феъл-атворга эга бўлганлигидан, шундай улуғ инсон таваллуд топган бисёр хосиятли замин менинг ҳам Ватаним эканидан фахр туйғулари яна бир бор қалбим қирғоқларидан тошди.

.. Хуллас, қийинчилик ва ҳадик билан майда қадамлаб, довоннинг назаримда энг тиккия, ваҳимали жойларидан ўтдик. Тағинам, кечаси бўлгани учун, дара-жарликнинг нечоғли чуқур ва кўркинчлилиги, тоғларнинг улуғворлиги, қояларнинг худди ҳализамон тушиб кетадигандай осилиб туриши бор салобати, бор ваҳимаси билан сезилмасди. Чунки қалин, ям-яшил дарахтлар, қиёқсимон ўтлар қоялару дараларни пардадек тўсиб турарди.

— Ўтган safар шу жойдан ўтаётганимизда кўпчилик ётиб олганди, — деди Фаррух қулоғимга шивирлаб.

Ниҳоят, кўзланган манзилга етдик. Чиндан жуда кенг майдон экан. Шу жойда, осмонга анча якин ерда тунашга қарор қилдик. Бамбук ёғочи ва зиғир поясидан ясалган тўқима каравотларга жой тўшаб ётдик. Мен катта айиқ юлдузларимни қидириб тополмадим. Ой юлдузларга соя солиб тургани учун сал узоқроқ ерлар яхши кўринмасди.

Майдон — очиқ карвон саройда биздан бошқа қўноқлар ҳам кўп эди. У ер-бу ерда ғўнғир-ғўнғир қилиб суҳбатлашиб ўтиришарди.

Бу тепалик биз босиб ўтган худудларнинг энг баланди эди. Ҳаво салқинроқ эдиким, чойшаб ёпиниб ётишга тўғри келди. Ҳатто машинадагилар ҳам ойналарни беркитиб олишди.

Бир маҳал уйқум қочди. Яна Бобур Мирзомизни, унинг бесаранжом ҳаётини ўйлаб кетдим. Шоҳлик унга шу қадар зарилмиди? Шунча минглаб чақирим йўлларни азобу уқубатлар билан босиб ўтиб, Ҳиндистонда давлат тузиб, ноқулай иқлимга мослашиб, бошқаларни — зада навкарларию ожиза-аёллари, қизларини ҳам қўндириб, шу узоқ, дини, эътиқоди бошқа, ёт ўлкаларда қолиб кетишининг асл сабаблари нима эди?.. Ҳарқалай, фақат тож-тахт иштиёқигина эмаслиги аниқ.

Тўғри, у шундай катта худудга Ислом дини ва ақидаларини тарқатди, қанчадан-қанча кишиларнинг қалбига иймон уруғларини сочди. Бу уруғлар униб-ўсди, Бобурдан кейин, унинг авлодлари даврида кўпдан-кўп мева берди... Хўш, ўзи-чи, ўзи нима орттирди? Ўзи... «Андижонлик Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деган улуғ ном орттирди. Биз учун фахр ва ифтихор орттирди...

Камчибек КЕНЖА

Андижон

ЭЛНИНГ ТАБИБИ

Боши учинчи бетда

Ҳаммаси яхши-ю, аммо туғ тушмагур, ҳа, оқ подшони ҳурмати дўконга биров юрак бетлаб яқинлашмайди. Одамлар отдан, эшагидан тушиб туғга орқа ўгирмай таъзим ила ўтади... Машҳур ҳожи тахмондаги хумчага қўл уриб, бозор оқсоқоли олдига, кейин полицияга бориб, туғни кўтариб тахмонга, подшони дархонлиги ила илиб қўяди. Одамлар дўконга кирадиган бўладилар.

Иброҳим элни назарига тушиб, танилиб қолади. «Мошта-биб» номи унга ёпишиб қолади.

Энди Машҳур ҳожи ҳафталаб улфатларини олиб, қутидаги китобларини хуржунга солиб Бурчмуллага китобхонлик билан қизимизхўрликка кетаверади...

***

Аллоҳ шоҳид, камина бобомнинг ҳаётини битаяпман, мақташга арзигулик ишлар қилинган, лекин «мусулмонга алдаш гуноҳ». У дунёда Аллоҳни ҳузурида жавоб берадиган банда бобосидан эмас, гуноҳдан қўрқсин...

***

Қариндошларнинг баъзилари энсаси қотиб, юзи довутча егандек буришса ҳам, илож қанча?

***

Иброҳим табибни табиати дилкаш, шўх, қувноқ. Ҳеч нарса кўрмагандек дўмбиллаб юрдида, чумоли қайғусини фил кўтаролмайди-ку, чеҳрангни оч эй, Иброҳим! Кулиб, енгил торт, тирикчиликнинг топиш оғирлиги сезилмайди.

Иброҳим ҳаётга ташна инсон эди. Бозорга бир шўнғиб чиқмаса, кўнгли жойига тушмасди. Илҳом самоварчини Балуни чойи бўлса ҳам ичади. Янги шаҳарга синематограф келибди, кўриб келмагунча кўнгли тинчимайди.

Нўғой қўрғонда татарлар «Сабан тўй» қилаяпти. Томошада, сайилга боради. Генерал-аншеф Музаффар бек Полвон ота ариғини қаздириб, масжид солдирибди. Сувда бир покланиб, масжидда намоз ўқиб келади. Отни эгарла.

Машҳур ҳожи гоҳида хафа. Далонда навбат кутиб турган беморлар тирбанд. Охири майдонга чиқиб кетган. Иброҳим тушмагур Қатортеракка шоир Фурқатнинг андозаси ила тикилган «ит ёқа тўн»ни кўргани кетибди.

Иброҳим табиб одамлар наздида енгилроқ кўринса ҳам, асли оғир салобатли тоши бор.

Беморни ҳаётга муҳаббат тузатади. Кулфатни юрагингга жойласанг, касал бўласан. Табиблар сулоласида ар-Розийни сувдай ичган шу Иброҳим табиб эди. «Ўт, тиғ ва тил» дерди у. Табибнинг қуроллари шулар. Унинг беморларни қандай даволагани ҳақида ривоятлар юради халқ орасида.

***

Елкаси тушиб кетган бемор ҳузурига кириб келганда, табиб сакраб ўрнидан туриб унга пешвоз юрибди.

— Қадрдон, қаерларда юрибсиз, одамни соғинтириб қўйдингиз-ку, — деб қучоқ очиб бориб кўришибди-да, қирс этиб елкасини жойига тушириб қўйибди. Нима бўлганига ақли етмаган бемор «оҳ» дебди-ю, елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил тортибди.

— Хафа бўлмайсиз, елка жойига тушди.

Бемор ҳам хурсанд, табиб ҳам...

***

Эркатой бола йиғлаб турибди. Табиб важоҳат қилади:

— Муҳаммад, қани, болтани олиб чиқ.

Бола катта болтани зўрға кўтариб чиқади.

— Қани, қўлингни тўнкага қўй-чи! — дейди табиб таҳдид билан. Бола қўркиб қўлини узатганида чиққан суякни табиб ўрнига солиб қўяди. Бола вой-войлашга ҳам улгурмайди.

***

Табиб Чорси ва бозордаги булоқлар сувини кўп беморларда синайди. Ҳаммомга пайшанба куни эмас, чоршанба боради. Табиб ҳар йили гилватага от арава жўнатади. Арава келганда ҳамма ёқни бола-бақра босади. Ҳомиладор хотинлар қимтиниб туришади. Гилвата емаса сира бўлмайди. Айниқса баҳор, илик узилди маҳал гилватага халта тутиб келишади. Ҳеч кимга олма демайди, олсин, савоб!

Ҳаёт гоҳ ундоқ, гоҳ мундоқ. Гоҳ қўй сўйилиб, гоҳ от — икки йигит кўтарадиган мис қатилда норин қорилади, ҳафталаб меҳмонхонада салла-паллалар қўр тўкиб ётади. (Сатил ҳозир ҳам бор, ишонмаганлар келиб кўрсин!).

Иброҳим табиб сиёсатга аралашмайди. Отамерос ғазалхонлик қилади. Хислат эшон борган ердан қолмайди. Пойтақда қолса ҳам бориб ўтиради. Муқимий Тошкентга келган чоғлар Кўқалдош мадрасасидаги ҳужрада зиёфатларда қатнашади. Муқимийга алоҳида ихлос қилади.

***

Киши билмас нечанчи марта қатағон борарди. Туркистон сарҳадида беклар тўзғиди. Кимдир Авғонга кетди. Бошқаси Музаффарбекдек ўлдирилди... Табиб сиёсатни сезиб қуроллароқни тахмон орқасига беркитади.

Бекорга оқ офицерлар дўст тутиниб, извошларда юришиб, тўппончалар ҳадя қилмаган экан-да. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур».

***

Уруш бошланди. Ғулом Ҳасан Орифжоновнинг «мастеровойи» — урушга кетди-да ўрнига Акбар махсус «мастеровой» бўлиб қолди.

Инқилоб. Оқ подшо қулади. Одамзот, оломон тўс-тўс бўлди.

Низомиддин Хўжаевлар чиқди. Жанжал устига жанжал. Тарафкашлик устига тарафкашлик. Болшовой ҳукмдор бўлди. Энди алдовларни кўринг! Машҳур ҳожи ҳам оламдан кўз юмди. Худо раҳмат қилсин.

Бирдан болшовойлар табибни сўроқлаб қолишди. Иброҳим табибни қўлтиқлаб депога олиб кетишди.

Бухородан қайтаётган солдатларнинг ҳаммасини депога қамаб, ечинтириб нариги эшикдан яп-янги бошқа кийимлар кийдириб чиқаришган. Олимхон саройидан таланган тилла танга, тилла-кумуш қимматбаҳо асбоблар, зеб-зийнатлар уюм-уюм бўлади. Бухорони талаган солдатлардан болшовойлар тилла-кумушни шундай йиғиб олди.

Ғулом Ҳасан Орифжоновга жабр бўлди. Корхонасидан ажралди. Устига ишчилари қоғоз пул олмай олтин талаб қилишди. Бечора ўн битта фарзанд кўриб, ягона қизга эга. Бекач ойи ҳозирги Кўкча дарвозасида истиқомат қиларди. Отасининг «қиёмат қарзини» қирқ йил ўтгач, 1968 йилда қарз эгасига тўлаб рози қилди.

Файзулла Хўжаев отасидан қолган бир арава тиллани Масковга жўнатди. Бухоро амирининг хазинаси ҳам ўша ёқларда гумдон бўлди. Хазиналар кетгани устига қатағон. Катта бой ва амалдорлар қирилди. Қора қозонда озгина мойи борини ҳам қувғинга солди. Империя дегани ўсган тирноқни қирқиб тураркан. Яна тирнамасин. Қишда Тошкент қозоқ бирodарларга тўлиб кетди. Бечораларнинг кўп пода-йилқиларини олиб қўйган, уч-тўрт қўй билан қишлашди. Кейин ют келди... «Чўпон ота»даги ўрикзор мозорга айланди.

***

Иброҳим табиб маҳалладаги Шомбор ака илк бор «Беклар беги» (Эски жўвада) мадрасасига чўкич уриб бузишни бошлаганлигини кўрди. Кейин Ҳовузбоғдаги масжидни бузди. Шомбор Қизил подшонинг тилчиси экан. Иброҳим табиб топганини Шомборга ташиб, унинг кўнглини юмшатмоқчи бўлди, «бек» деб улуғлади. Шомбор юборган беморни текин тузатди. Барибир мусодарага тушди: дўконлар мусодара, боғ ҳам, тоғдаги моллар. Туркистондаги мулклар ҳам мусодара. Тирикчилик бир табибчиликка мўлтайиб қолди. Боғ, озгина ер, мол-ҳол, аммо аввалгидек эмас. Қора қозон қайнаяпти-ку. Тарихни ким қандай англаса, шундай битаверади. Иброҳим эса тарихини битарди.

Шўро давлати янги сиёсатини ишга туширди. Давлат нозик ерда халқнинг қозони устига туриб олди-да. Ҳамма ёқда назоратчи. Мансабдорлар овқат сузганда, меҳнаткаш шилдир сувга қолади.

Иброҳим табиб ғам босиб юришни истамайди. Бир марта яшайсан. Ким сенга бугунги кунни қайтаради. Ҳаёт доим гаштли, лаззатини сурсанг-чи!

Замон оғир, тирикчилик юки қачон енгил бўлган? Ким ғамингни эшитгиси келади, ўзиникини қачон қаерга ташлашини билмайди-ку?

Ана, Кўқалдош мадрасаси ёнида бечора Ғулом Ҳасан Орифжонов сирач сотиб тирикчилик қилади.

Миллатнинг сарасини қириб гумдон қилишди. Осонгина, ҳасадгўй ва ғаразгўйга йўл очилди, доноларнинг боши ёрилди...

Кейин Гитлер деган бало чиқди. Ҳадрадан не-не паҳлавон йигитларни тантана билан кузатишди. Гармон чалиб, қўлтиқлашиб кетишди, кейин биттасиям қайтмади...

... Буёғи қийин бўлди. Армияга кетганларнинг болалари табибга қолди. Иброҳим табиб гоҳида бир пиёла зиғир ёғни уч оилага бўларди.

Тоштрамда тошбақа қайнатилади. Табиб боғда куён боқарди. Ҳарна эт, тез кўпаяди...

1943 йилда намоз ўқишга «рухсати олий» бўлди.

Ё, аллоҳ, Тошкентга ғаним келмади, аммо қай хонадонга кирсанг, жаноза. Урушда ўлган. Табиб Новза мавзеида айланиб ҳисоблайди. Йигирмага яқин ҳовуз бор, ёнида эса тупроқ уюмлари, қирилган оилалар.

Уруш ҳам тамом бўлди. Ярасини неча йиллар даволаш керак.

Қозиобод маҳалласидаги боғлар урушдан қайтган майиб ва мажруҳларга бўлиб берилди.

Иброҳим табиб намозни эшикни тамбалаб ўқийди, табибчиликка йўл йўқ.

Иброҳим табибни ўқитишга қарор қилишди.

Медицина институтида салла ўраган, русчани билмайдиган одам деканатда пайдо бўлганида ҳаммо оғзини очиб қолди.

Иброҳим табибни талабалар йиғилган хонага олиб киришди. Ҳам ўзи ўқиб, ҳам қизлар ва йигитларни табибликка ўқитар эмиш.

Ҳаммасини ўз усули билан текшириб, кейин учтасини олиб қолди. Лекин бу ишдан ҳеч нарса чиқмади.

Табибчилик аста-секин сўниб борарди. Жарроҳлик асбоблари аллақачон йўқолган, қолганларини ўз беркитиб ташлаган. Дорилар тайёрланмайди, тақиқ... Китоблар эса ерга кўмилган. Давлат хуружи тўхтаган эмас.

Шокиров Одил дегани келиб мўмиёни сўраб-суриштиради. Илмий рисола ёзармиш...

Сталин ўлди. Эски шаҳарда дув-дув гап. Сталинга жаноза ўқилармиш. Ҳайкал олдида йиғловчи аёллар. Ҳаммасининг эгнида қора шойи кўйлак, рўмол. Уввос тортишади.

Саратон ўрталарида табиб бирдан ҳовли юзидан зах ўтаётганини сезади. Ҳамма бокка кўчган. Кетмонни олиб ерни очади. Ахир бу ерга қалъа сандиқларга ҳамма китобларни солиб кўмган-ку.

Ер ковлаб сандиқлар очилгач, ҳаммаси сувга тўлганини кўриб ичидан бир нима узилгандай бўлади...

Тезроқ тахорат олиб, тоза лозим-кўйлакларини алмаштириб кўрпага чўзилади. Калима келтириб жон беради. Жанозага келганлар сандиқлардаги китобларни олиб болохонага варақларини очиб қатор қилиб териб қўядилар.

Тобут кўтарилганда орқадан ҳар галгидек кўк тулпорнинг кишнаши эшитилмасди...

Томларда эса кўк, қизил, лола ранг сиёҳлари чапланиб йиғлаётган китоблар мунғайиб эгаси билан видолашарди...

Акбар ЮНУСОВ

Келажаккка бўйлайди мозий...

МОТУРИДИЙ ВА ЭЪТИҚОД

Ҳар қандай жамиятда ҳам аввало ғоя ва мафкура асослари қарор топмай туриб бошқа ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларнинг шаклланиши қийин кечади.

Ҳанафий мазҳабининг асосчиси имом аъзам Абу Ҳанифа ал-Нуъмоннинг хизматлари шундаки, ул зот исломий фиқҳ (ҳуқуқшунослик) асосларини ишлаб чиқишдан аввал эътиқод (ғоя) масаласига оид «Ал-фиқҳ ал-акбар» («Катта фиқҳ») деган кичик бир рисола яратдилар. Унда Қуръон ва ҳадисдан келиб чиқиб, Аллоҳнинг ягоналиги, пайғамбарнинг барҳақлиги ҳамда охиратнинг мавжудлиги ҳақида эътиқод ва иймон асосларини олға сурдилар. Имом аъзамнинг бу борадаги муҳим ғояларидан бири — гуноҳи кабира (катта гуноҳ) қилганларнинг тақдири ва оқибати, аниқроғи, жазоси Аллоҳ таоло ҳукмига ҳавола этилиши, яъни охиратга қолиши ҳақидаги хулосадир. Шунинг учун бу оқим табақаларини муржиа деб атадилар.

Имом аъзам мазҳаби ўз вақтида ёзилган мана шу рисолага таянган ҳолда тарқала бошлади. Кўплаб фиқҳий асарлар ёзилди. Бу мазҳабни Мовароуннаҳр диёрларида кенг тарғиб қилганлардан бири имом аъзам ишининг давомчиси имом Муҳаммад Ҳасан Шайбонийнинг шогирди Хафс Кабир ал-Бухорий эдилар (IX асрнинг биринчи ярми). Лекин ислом динининг биринчи юз йиллик даврида араб оламида бу эътиқод ва ғоя масаласида хилма-хил оқимлар пайдо бўлди. Уларни қадарийлар, жаҳмийлар, муътазилийлар деб атадилар. Ўнлаб эътиқодий ва ғоявий мазҳаблар ҳамда оқимлар ўртасидаги тортишувлар гоҳо қонли можароларга бориб тақаларди.

Аббосийлар халифалиги даври (750-1251)нинг дастлабки 200 йиллигида ҳукмрон ҳокимият учун айниқса, муътазилий эътиқодий мазҳабининг аҳамияти катта бўлди. Чунки бу даврда эски зардуштий, масиҳий ва яҳудий эътиқодларидаги кишиларнинг исломга кириш ҳаракати кучайган, ислом динини қабул қилувчилар сони асосан шу динлар табаалари ҳисобига кўпаяётган эди. Улар ислом динига ҳам ўз эътиқодларини олиб кира бошладилар. Ораларида олимлар ва эски динлар мутафаккирлари ҳам бор эди. Аббосий халифалари эски динлар мафкураларини қайта тиклаш ҳаракатига қарши қурашда ғоят қаттиққўл муътазилий эътиқодий мазҳабидан кенг фойдаландилар. Муътазилийлар эътиқодий масалаларда Аллоҳ таолонинг яккаягоналигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, ҳамда зардуштийларнинг икки ҳудолик таълимотларига қаттиқ шикаст етказдилар. Эски зардушт дини ва мазҳабини тиклаш учун курашга отланган Бобек ва Муқанна қўзғолонлари ҳам улар орқали ғоявий жиҳатдан тор-мор қилинди. Муътазилийларнинг «Гуноҳи кабира қилувчилар исломдан чиқадилар, уларни мусулмон ҳам, кофир ҳам деб бўлмайди, охиратда уларнинг жойи «алманзилату байнал манзилатайн», яъни жаннат билан дўзах ўртасидадур», деган ғоялари ислом ниқоби остида зардуштийлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаган аскарий шахслар ва қўмондонларни жазолашда аббосий халифаларга жуда қўл келди. Халифа Муътасим (мелодий 832-842 йиллар) худди шу ғояга таяниб Бобек ҳаракатини бостирди. Самарқандлик ихшид Афшинни жазога тортишда ҳам муътазилийлар ғоясидан фойдаланилди.

Халифа Маъмун (мелодий 816-832 йиллар) ва халифа Муътасим даврида муътазилийлар ҳукмрон диний табақага айландилар. Улар ўз зулм-истибдодларини энди сунний уламоларга айниқса, аҳли ҳадисга қарши қаратдилар. Лекин ҳар қандай ғоя ҳам кези келиб замон талабидан орқада қолади. IX аср охирларида ўша давр ислом оламининг маданий марказларидан бири бўлмиш Басрада Абул Ҳасан ал-Ашъарий тарафдорлари муътазилийларнинг ғоявий пешвоси ал-Жуббойийга узил-кесил зарба етказдилар ва муътазилийларни диний илмлар соҳасидан сиқиб чиқара бошладилар. Ана шу муҳим бурилиш даврида самарқандлик Абу Мансур Мотуридий Самарқанд ва Бухорода диний эътиқод масалаларида мусулмонларни хилма-хилликка ва тарқоқликка олиб келаётган муътазилий оқимларига қарши курашда муҳим вазифани бажарди. Шу сабабли у ислом оламида «Мусаҳҳиҳу ақидатул муслимий», яъни мусулмонлар эътиқодини тузатувчи деган унвон билан шуҳрат қозонди.

Имом Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур ал-Мотуридий Самарқандниг Мотурид маҳалласида туғилган ва ҳижрий 333 (мелодий 945) йилда шу шаҳарда вафот этган. У учинчи ҳижрий аср охирида илм таҳсил қилди, ўша вақтдаги хилма-хил оқимлар, мафкуралар, жўшқин низолар орасида яшади. Уларни ақл-идрок билан яқиндан кузатиб борди, дунёқараши ва ақидавий фикр-мулоҳазаларини шакллантирди. Бу пайт муътазилий эътиқодий мазҳабининг умри тугаган эди.

Абу Мансур Мотуридийнинг туғилган йили аниқ эмас, лекин ҳижрий III асрнинг ўрталарида таваллуд топган деган тахминлар бор. Аниқ маълумотларга қараганда, у имом аъзам мазҳабидаги буюк олим Наср ибн Яҳё ал-Балхий (вафоти ҳижрий 268 йил) ҳузурида таҳсил олган.

Мотуридий умри давомида фақиҳлар ва муҳаддислар билан мулоқот қилган ва мунозара олиб борган. Бу борада Басрада яшаган Ашъарийдан ўзининг алоҳида йўли ва одоби билан ажралиб турган. Агар Ашъарий ўз фикрини бошқаларга ўтказишда бироз шиддат ва дағаллик йўлини танлаган бўлса, Мотуридий юмшоқлик ва илмий-одобий йўлни ихтиёр қилган.

Эътиқод ва фиқҳда Ҳанафий (имом аъзам) мазҳабида эди ва қайси шароитда яшамасин, шу фиқҳий мазҳаб тарафдори бўлиб қолди. Лекин асосий йўли ақида масаласида бўлгани учун энг аввало мусулмонларнинг эътиқодий покликлари учун жиҳод қилди. Шу мақсадда бир неча бор Басра шаҳрига борди. Чунки у вақтда қадимги динлардаги ақидалар гоҳ-гоҳо қайта зоҳир бўлар ва мусулмонлар ичида ғулғула ҳамда нотинчликлар келтириб чиқарарди.

Шундай қилиб, Аллоҳ таолонинг марҳамати билан эски динлар эътиқодий қолдиқларини ғоявий жиҳатдан узил-кесил тугатиш ва мусулмонларнинг мафкураларини тузатиш ишига Басрада Абул Ҳасан ал-Ашъарий, Самарқандда Абул Ҳасан Мотуридий бел боғлади. Бу икки буюк назариётчи ва ислоҳотчи бутун ислом оламида шундай мафкуравий тўнтариш ўтказдиларки, уларнинг фаолияти ва ғайрати туфайли мусулмонлар қадимий мажусий эътиқодлар ва дунёқарашидан узил-кесил нажот топа бошладилар.

Имом ал-Кавсарийнинг «Ишорат ул-маром» номли китобида айтилишича, IX-X асрларда Мовароуннаҳр шаҳарлари бидъат ва хурофотдан бир мунча саломат қолди. Чунки бундан сал илгари ҳадис илми кишилар онгига чуқур ўрнашиб улгурган эди. Абу Мансур Мотуридий шу муҳитда ўз назариясини далил-ҳужжатлар билан мустаҳкамлади, шариат аҳкомларини ҳам инсоннинг ақлий ютуқлари ва удумларига мослади. Бу билан ўзини буюк муслиҳ (ислоҳотчи) даражасида намоён қилди. Гарчи эътиқодда имом аъзам асарларига суянган бўлса-да, замон талабидан келиб чиқиб, уни тараққий эттирди ва исломнинг эътиқодий фалсафасини ишлаб чиқди.

Басрада яшаган ал-Ашъарий умуммусулмон эътиқодий масалаларини ишлаб чиқишда асосан Қуръони каримга суянган бўлса, имом Мотуридий Мовароуннаҳр халқларининг маданий ҳаётлари ва удумларини ҳам ҳисобга олди, мусулмон эътиқодини халқ дунёқараши билан уйғунлаштирди. Лекин хасмлар бу борада уни диндан чиқди деб ҳисоблаб, қаттиқ танқид қилганлар. Мотуридий уларга зарба берар экан, ўзининг «Китоб ут-тавҳид» асарида шундай дейди: «Бу танқидий гаплар шайтоннинг васвасасидандир. Улар бу ишга тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, тушунар эдиларки, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқотга, уларни ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюради. Бу ибрат ва тафаккур илмининг манбаларидан биридир.» Мотуридий бу масалада Қуръон ва ҳадиснинг асос эканини таъкидлайди (Абу Заҳра, «Ислом мазҳаблари тарихи», 200-бет). Демак, у Қуръон ва ҳадисларга зид бўлмаган ҳоллардаги инсон тафаккури ва ақлий маҳсулини қўллайди. Шунга кўра, Қуръон оятини бошқа бир оят билан шарҳлайди. Чунки Қуръон оятлари бир-бирини инкор этмайди.

Қисқаси, Мотуридий муътазилийларнинг исломда ижтиҳод (рационализаторлик) тафаккурларидан ўзини четга олмади, балки исломдаги ҳуқуқ ва муомала масалаларига янгича ёндошиб, уни қотиб қолишдан қутқазишга интилди ва ислом эътиқоди, қонуншунослигини ҳаракатчан қилишга уринди.

Ал-Ашъарий фикрича, банданинг амалини Аллоҳнинг ўзи белгилайди. Абу Мансур Мотуридий эса, банда ўз амалини ўз ихтиёри билан қилади, унинг амалига яраша ё савоб, ё иқоб олади, деб исботлайди. Айни вақтда айтадики, ҳар бир амал Аллоҳнинг бандага берган куч ва қуввати билан амалга ошади. Бу назария билан Мотуридий бандани жабрия (фатализмга) берилиб беамол ва бетавфиқ бўлиб қолишдан сақлаб қолади. Баъзи сўфийларнинг тарки дунёчилик ақидаларига мафкуравий зарба етказади.

Ал-Ашъарий мафкурасича, амал (феъл) қилишда бандада ихтиёр йўқ, лекин унда беихтиёрлик равишда касб (амал) вужудга келади. Мотуридий эса ҳар қандай касб бандани ўз кучи ва таъмири билан амалга ошади дейди, бу исломдаги демократик оқим эди.

Имом Абу Мансур Мотуридий ўзидан бир неча қиммат-ли асарлар қолдирди. Улардан «Китобул усул», «Таъвилоту аҳлис сунна», «Китоб таъвилотил Қуръон», «Китобут тавҳид» (Имом Аъзамнинг «ал-фиқҳул акбар» рисоласига шарҳ), «Китобул мақомат», «Ақида» каби безавол асарлари алломага катта шуҳрат келтирган.

Бутун ислом оламида фақат иккита ислом сунний ақидаси вужудга келган бўлса, шулардан бирининг асосчиси имом Мотуридийдир. У фақат Самарқандниг эмас, балки бутун мусулмон оламининг фахри. Шундай экан, бу зотнинг мақбарасини тиклаш вақти аллақачон етди.

Қози Абдуғани АБДУЛЛО

ҚОНИМИЗДА БИР НИДО БОР...

Ровийлар ривоят қилурларки, Жон олами малакутдин чиқиб, Одамни, яъни ўзининг жасадини кўрдики, бир қаро балчиқлардан қилинган сурат экан. Бас, жасадни бу ҳолда кўриб, жон айтдики, ман олами малакутдин келган латофатлик арус бўлсам ва бу жасад қаро балчиқлардин тўлғон бир хароб сурат бўлса. Бу жасадга кириб макон қилсам, муни қаролиғи ва зулматидин мани ҳам латофатим кетиб хира бўлса керак ва ман ҳаргиз бул жасадга кирмасман деб эрди. Оллоҳ таоло тарафидин нидо келдики: — Эй руҳ! Жасадга кирғил, токи, сани бирла жасаднинг қаролиғи ва зулматини зойил қилиб, равшану мунаввар қилурман. Бу нидо шундай майин, мусиқавор эдики, руҳ каломи шодликдан маст бўлуб, шитоблиғ бирла жасадга кирди. Бугун саньатга айланган мусиқанинг ибтидоси, аслида, ўша илоҳий нидо эди.

«Ўзбекнинг ҳар бир боласи томирида мусиқа оқади. Бизнинг вазифамиз — уни туғёнга айлантириш». Энди бу гап қадим ровийларимизга эмас, Акмал Икромов туманидаги 9-болалар мусиқа мактабининг муаллимаси Ҳалима Мирзаевага тегишли.

Ҳалима опа асли тошкентлик. Чилонзордаги 162-ўрта мактабни тугатган. Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти мусиқа факультетларида ўқиган. Қарийб йигирма йилдан бери шу мусиқа мактабида «Салфеджио», «Мусиқа адабиёти», «Фортепяно»дан дарс бериб келади.

— ***Том маънодаги мусиқа муаллими — ноёб касб. Айниқса, бизнинг ўзбекларимиз орасида. Сизнинг бу касбни эгаллашингизга нима туртки бўлган?***

— Мактабдаги оддий мусиқа тўгараги. Биз ўқиган даврларда тўгаракларга жуда жиддий қараларди. Иштиёқ билан қатнашардик машғулотларга. Шу ерда қўшиқ айтиб, рубоб чалиб, мусиқанинг шайдосига айланганимни ҳам билмай қолибман. Буёғи яна қизиқ. Биз мусиқа билим юртига тўгарак тавсияси билан қабул қилинганмиз. Бу — тўгаракларнинг мавқеи нечоғли эътиборли бўлиши мумкинлигига далолат.

— ***Боя «салфеджио» дедингиз...***

— Салфеджио — мусиқанинг асоси, ноталари, мезону ўлчовлари. Буни ўзлаштирмай туриб, ўзини том маънодаги мусиқачи санаш, қаерга боришини билмай, аланглаб турган йўловчига ўхшайди. Буни ўқувчилар яхши англаб етишган. Шу боис, «салфеджио»ни жуда тиришқоқлик билан ўрганишади.

— ***Дарслик ва қўлланмалар етарлими?***

— Бор. Аксарияти анча эскирди. Албатта, янги дарслик ва қўлланмалар яратилса, бу китоблардан миллийлик уфуриб турса, яхши-да. Ўзбек боласининг руҳиятига ўзбекона мусиқа тез сингишади.

— ***Албатта, ўзбекнинг ўз дунёси бор, ахир.***

— Мен «Мусиқа тарихи»дан ҳам дарс бераман. Бу «тарих» асосан рус ва чет эл бастакорлари ижоди орқали ёритилган. Бугун ёшларнинг у ёғи Борбаду Мавродий, бу ёғи «Шашмақом»у «Чўли Ироқ»ларни англаб етиш даври етиб келди. Лекин масаланинг яна бир томони бор. Ғарб мусиқасининг мумтоз намуналаридан ҳам бебаҳра қолмаслик керак. Чунки мусиқа олами — ягона. Ана шу икки жиҳатнинг уйғунлашувидан бугунги куннинг мукаммал мусиқа қўлланмаси яратилади. Тўғри, ҳозир билим масканимиз ўқувчилари орасида ўзбек ёшлари нисбатан кам. Лекин йигирма йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, сизга бир нарсани айтай. Ўзбекларда мусиқий қобилият туғма бўлади. Бу уларнинг қонида бор.

— ***Шогирдларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.***

— Албатта, устозлик шарафи шогирдлар салмоғи билан ўлчанади. Айниқса, шогирдлар сиз танлаган йўлдан кетса, кўнглингиз яна ҳам тоғдек кўтариларкан. Биласиз, мусиқада истеъдод биринчи ўринда туради. Иқтидорлилар эса, турган гапки, ўнтадан битта бўлади. Ўқувчиларимда салоҳият чўғини сезсам бор имкониятимни қолиб бўлса ҳам, уни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиламан. Ҳатто танбеҳ бериб бўлса ҳам. Чунки, бизнинг ишимизда иқтидорли болани ўз қобилиятига ишонтира билиш муҳим ҳисобланади. Акмал Мамедов, Зоир Иброҳимов, Кабир Турсунов, Феруза Арслонова каби шогирдларимнинг камолини кўриб, тақдирим неъматидан минг марта рози бўламан.

— ***Фарзандларингиз ҳам сизнинг йўлингиздан кетаётган бўлишса керак?***

— Мен мусиқачилар оиласига келин бўлиб тушганман. Турмуш ўртоғим Дилшод Йўлдошев контрабас чаладилар. Ҳозир «Туркистон» саройида ишлаяптилар. Уларнинг ака-укалари Шуҳрат ва Шавкат Йўлдошев ҳам таниқли созанда. Ҳа, фарзандларимнинг энгаги ҳам куй билан кўтарилган-да (кулади). Тўқиз яшар Шокиржон билан саккиз яшар Зокиржон ўқувчилар ижодий марказидаги дутор тўгарагига қатнашади. Келажакда балки бошқа касб эгаси бўлишар. Лекин бир нарсага аминманки, саньатга дўст тутинган одам ҳеч қачон ёмонлик йўлига кирмайди.

* * *

Куйда, мусиқада илоҳий бир нидо бор. Илоҳият бор жойда эзгулик бор. Эзгулик сари кўприк солаверинг, Ҳалима опа!

Асқар ШОКИР

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0180.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6

Миллий Тиклани ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил, 1 апрел | 13 (94)- сон

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ: КЕЛАЖАК УЧУН ЎЗИМИЗНИ АЯМАЙЛИК

ХАЁЛИЙ ИЛИНЖЛАРГА ЎРИН БОРМИ?

Бизнинг хаёлимиз ва тасаввуримизда ўша тобе қиладиган, қарамликка соладиган, миллий манфаатлар ҳамда мақсадларни бўғадиган, фақат ўзига қулай, яқин, тотли манфаатларни кўзлайдиган иттифоқ қолган. Бу иттифоқ ўта кетган зўрлик, қурол, куч, ашаддий сохта тарғиботлар билан ушлаб турилган, сақланган, тожланган, зўрлик билан ер юзида «шукуҳ» таратган эди. Унинг «зўрлиги» ўз бошига бало бўлди. У тарих ва замон зарбаларига дош беролмай тарқаб кетди. Барҳам топди. Унинг барҳам топгани тарихий ва ижтимоий адолат. Шу адолатни тан олмаслик эса адолатсизлик. Қанча миллатлар, мамлакатлар озодликка чиқдилар, ўз тараққиётларининг миллий йўлини танладилар. Бугун шу миллий йўллардан турли қийинчиликларни енгиб ўтиб ишонч билан дадил бормоқдалар. Қарамликни кўмсайдиган жаноблар шуни кўролмайдилар. Улар зўравон иттифоқни бўлмаганда ҳам шунга яқин бир нарсани ўйлаб топиш, янги мустақил мамлакатларга тиқиштириш пайида бўлиб юрадилар. Нега денг?

Чунки иттифоқ уларни қудратли ва буюк қилади. Улар ўшанда ўзларини ҳар нарсага қодир ва ўта ақлли сезадилар. Иттифоқ бу — улар учун ақл ўргатиш майдонларидир. Ўзлари ўз ҳолларига қудратли ва буюк бўлолмайдиларми дерсиз. Бўлолмадилар. Лекин бунинг учун ҳаддан ортиқ қаттиқ тер тўкиш керак. Ўз халқларини шунга чоғлашлари, шу йўлда жидду жаҳд кўрсатиб узоқ тарбиялашлари керак. Бунга эса уларнинг фурсатлари ҳам, тоқатлари ҳам йўқ. Дунё тинимсиз олға интилиб, илгарилаб бормоқда. Улар эса ўз «иттифоқ» орзу-хаёллари билан тобора орқада қолмоқдалар. Улар дунёдан, вақтдан кечикиб қолдилар.

Президент Каримов ТВ мухбирига берган суҳбатида бу борада қойилмақом фикрлар айтди:

— Бундай иттифоқлар ғояси кимлардан чиқаётган бўлмасин, у тарих оқимига тўғри келмайди. Биз янги қолипдаги бундай иттифоқларга қўшилмаймиз! — деди Президент.

Президент эндиги олам тенг манфаатлар замонига кирганлигини айтади.

Балки ростдан ҳам, худди шу нарса — тенг манфаатли муносабатлар дунё кўҳна азоб-ғоҳининг давоси ҳамда шифосидир. Балки ростдан ҳам, дунёни тузатиш учун шундан ўзга даво йўқдир.

Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг Москвадаги учрашувида ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ҳақида сўз борди. Агар мустақил мамлакатлар худди мана шу Каримов айтмоқчи тенг манфаатли муносабатларни кўзда тутиб уни изчил тарзда йўлга қўйсалар, ана шундан ортиқ чуқурлик йўқ. Ана шундан ортиқ мазмундор жараён йўқ. Интеграцияларни чуқурлаштириш учун албатта янги аллақандай иттифоқларни ўйлаб топиш, халқлар елкасига бўйинтуруқ қилиб осишнинг сира ҳожати йўқ.

Жаноб ЕЛЦИН:

— Биргаликда қандай яшашимиз керак? —деган саволни қўйди. Бу ҳақиқатда одамни ўйлатади. Биргаликда яшаш жуда мураккаб. Биз буни ўтган собиқ иттифоқ замонида хўб кўрдик. Хўб тотдик. Лекин биргаликда яшамасликнинг ҳам ҳеч бир иложи қолмаган бу чигал ва мушкул оламда.

Аммо биргаликда яшаш ҳақида орзу қилганда, бунинг ўз шартлари ва халқаро қонун-қоидалари бор. Яъни биргаликда яшаш истагини билдирганлар бир-бирларининг эрксларини бўғмасликлари, йўлига тўсиқ бўлмасликлари, барча миллий манфаатлари ва мақсадларини тан олишликлари, ҳурмат қилишликлари, бирон-бир жиҳатдан бўлсин оёққа кишан солишга уринмасликлари керак. Акс ҳолда биргаликда яшаш фақат саробдир.

Ҳамдўстлик доирасидаги интеграция умумжаҳон миқёсидаги интеграциянинг бир узвидир. Айтайлик, Ўзбекистон учун умумжаҳон интеграцияси бўлмаса ёки бу интеграция йўли фаол ва интенсив ишламаса, унда ҳамдўстлик доирасидаги интеграциянинг ўзи бизга етарлича тараққиёт шароитини таъминлаши амри маҳол. Умумжаҳон миқёсидаги алоқаларимиз ва йўлларимиз кучли ва қудратли бўлгандагина ҳамдўстлик доирасидаги интеграция маълум бир яқин ҳамда узоқ манфаатларимизга тўғри жавоб бериши мумкин.

Президент Ислом Каримов топиб айтди:

— Ҳамдўстлик ортиқча иллюзияларни кўтармайди. МДҲ ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаряпти. Ва ундан бундан ортиқ ваколатларни талаб қилиш ўринсиз.

МДҲ янги мустақил миллий давлатларни дунё миқёсида ҳам, ўзаро ҳам янги алоқалар, янги муносабатлар давраси ҳамда шарт-шароитига олиб кирди. Бу унинг жуда улкан тарихий миссиясидир. У ер юзидаги жуда катта маконларда тинчликни сақлашга хизмат қилди. Бундан кейин ҳам иншоаллоҳ хизмат қилажак. Ҳамдўстликдан бундан ортиқ яна нимани кутиш ва талаб қилиш мумкин? Ҳамдўстлик мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорликларнинг кенг уфқларини очди.

Мана шундай изчил ҳамкорлик биргаликда яшашнинг бош шартидир.

Иброҳим ГАФУРОВ

Қабрдан товуш

Яқинда Минск шаҳрида собиқ СССР коммунистларининг навбатдаги қурултойи бўлди. Унда собиқ иттифоқдош республикалардан делегатлар қатнашди. Лекин, асосий раҳбарларнинг барчаси Россиядан: Зюганов, Егор Лигачёв, Анпилов, Нина Андреева, генерал Макашов... Кизиғи шундаки, коммунистлар анжуманида Белорус республикасининг президенти А. Лукашенко ҳам нутқ сўзлади.

Нина Андреева Г. Зюганов бошчилигидаги коммунистларни «сотқинлик»да айблади. Анпилов эса болшевикча хатти-ҳаракатга чорлади. Яъни, ҳокимиятни куч билан олишга ишчи-деҳқонларни даъват этди...

Анжуман сўнггида собиқ СССРни тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Айнан СССРни тиклаш масаласида собиқ КПССнинг барча гуруҳлари яқдил эканини намоён қилдилар.

27 март куни эса бутун Россияда меҳнатқашларнинг норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Ҳолис кузатувчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бу намойишларда ўн миллион нафарга яқин аҳоли иштирок этди. Аҳоли фақат иқтисодий талабларни эмас, балки ижтимоий-сиёсий талабларни ҳам илгари сурди. Бироқ, Россиянинг бирорта шаҳарида ҳам намойишчилар СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги талабни илгари сургани йўқ. Демак, Россия халқи ҳам ҳозирги муаммоларни собиқ иттифоқни қайта тиклаш йўли билан ҳал этиб бўлмаслигини аллақачон англаб етган. Шундоқ бўлгач, Минск шаҳрида анжуманга тўпланган коммунистлар қайси «меҳнатқашлар»нинг ҳоҳиш-иродасини ифодалаяпти? Маълумки, СССРда 70 йил мобайнида халқнинг номидан иш кўрилди. Аслида, ҳокимиятни коммунист амалдорлар бошқарди. Барча имтиёзлардан фақат ўшалар баҳраманд бўлдилар. Ҳокимиятни улар ем ейдиган охурга айлантириб олгандилар.

«Емга ўрганган от тўрвани йиртади», дейдилар. Ҳозирги коммунистлар айнан емсиз қолган отга ўхшайдилар. Охур ўзларинки, тўрва ўзлариники. Ҳозирча фақат Белорус президенти ўша тўрвакашларга шерик бўлишни лозим топган бўлса, биз нима ҳам дердик: билганингизни қилинг, фақат бизнинг мустақил бошимизни қотирманг, деймиз, холос.

Набижон БОКИЙ

МИЛЛИЙ ЭСТРАДА — РАЗВЕДКАДА

Биласизми, ҳар соҳанинг ўз разведкаси бўлади. Разведкасиз соҳа тараққиётдан қолади. Кўшинни разведкасиз тасаввур қила оласизми? У кам деганда, «тил» тутиб келади. Илгари адабиётда «очерк» деган жанр бўларди. «Очерк»ни совет адабиётининг разведкачиси дейишарди. Совет адабиёти ва унинг назарияси тарихнинг қайтиб келмас нариги бетига ўтиб кетгач, «очерк» жанри ҳам негадир майдондан чиқиб кетди. Бир ёзувчи бўларди. «Очерка» дерди. Ва оғзидан бол томарди. «Очерка» маддоҳлик учун ажиб тотли, ширин имкониятлар берарди. Совет санъати ва адабиёти тарих саҳнасидан тушиши билан разведка деган тушунчалар ҳам МДҲ майдонларида қўлланмай қўйди. Аммо разведка ёмон сўзми?

Эстрада санъаткорларининг яқинда бўлиб ўтган учрашувида ўтириб шу тушунча хаёлимда қайта туғилди. Ростдан ҳам, миллий эстрада санъатини кўшиқчилик ва унинг мусиқаси соҳаларида разведкачи дейиш мумкин эмасми?

Ахир миллий эстрада бу том маънодаги разведкачи-ку. Разведкачи деганда, биз бу ўринда изловчилик, ахтарувчилик, янгиликлар ихтиро қилувчилик фазилатларини назарда тутамиз.

Бу санъаткорлар анжуманини — давра столи атрофидаги катта учрашувини бошқарган профессор Алишер Азизхўжаев одамнинг эсида қоладиган бир фикрни айтди:

— Маънавияти бой одам хашаки кўшиқ айтмайди. Топталган миллий қадриятларни тиклаш фақат маънавияти юксак кишиларнинггина қўлидан келади. Фақат уларгина миллий маданиятни кўтаришга қодир.

Анжуманда одамларнинг энг севимли санъат турларидан бири эстрада кўшиқчилиги ва мусиқасини миллий заминда янги уфқларга олиб чиқиш билан боғлиқ кўп фикрлар ўртага ташланди.

Эстрада ҳаваскорларнинг шаталоқ отадиган жавлонгоҳи эмас. У жуда юксак меҳр-муҳаббат ва маҳорат эгаси бўлган санъаткорларнинг майдони.

Майдон янги рух, янги нафасни кутяпти.

— Юлдузларга шароит керак, — деди Насиба Абдуллаева. Фақат шароитни бир одам яратмайди. Шароит бутун халқ билан биргаликда яратилади.

Ўзбекистонда ноёб овозли истеъдодлар етишиб чиқмоқда. Дунё уларга мунтазир.

Эстрада санъаткорлари анжуманида ҳамма шуни ҳис қилди. Ҳамма шунинг устида ўйлади. Демак, йўл ҳам топилади.

Излаш ҳам — ижод.

Излаган топади.

ИЖОДКОР ЁШЛАР КЛУБИ

Яқинда Қаршида «Камолот» жамғармаси Вилоят бўлими ва Вилоят ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида «Камолот» жамғармаси қошида «Ижодкор ёшлар клуби» ташкил этилди. Таъсис анжуманида Қарши шаҳридаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, хунар техника билим юртлари, лицейлар, ўрта умумтаълим мактабларининг ижод билан шуғулланадиган ёшлари, шоиру ёзувчилар, ҳайкалтарошу рассомлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашишди.

«Камолот» жамғармаси Қашқадарё Вилоят бўлимининг раиси Б. Юсупов, Вилоят ёзувчилар уюшмаси раиси Шарофат Ашурова, халқаро Амир Темур фонди Қашқадарё Вилоят бўлимининг бошлиғи Исмоил Тўхтамишевлар истиқлол туфайли ўзлигимизни англаганимиз, ҳозирги ёшларнинг ижод қилишлари учун барча шароитлар мавжудлиги, янги клуб эса ижодкор ёшларни янада бир-бирлари билан жипслаштириши, уларнинг асарларини нашр этишга ёрдам бериши тўғрисида тўхталдилар.

Ижодкор ёшлар клубининг низоми тасдиқланди. Клубнинг 21 кишидан иборат маслаҳат кенгаши сайланди.

Клуб раиси этиб ёзувчи Шарофат Ашурова сайланди. Йиғилиш сўнггида мушоира бўлиб, унда Амир Худойбердиев, Бахтиёр Жуман, Сувон Соқиев, Лутфулла Нарзуллаев, Турди Ғайзиев, талабалар Моҳира Бўрибой қизи, Нилуфар Турсунова, Зебунисо Турсунова, Ориф Боймирзаев, Музайям Саиднабиева, 10 синф ўқувчиси Дилдора Самадовалар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

КЛУБ ТУЗИЛГАНДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

«Ижодкор ёшлар клуби»нинг таъсис этилиши хўб иш бўлди. Энди бу клуб ёрдамида вилоятимизда яна қанчаданқанча булоқлар кўз очади... Янги номлар кашф этилади. Бу эса вилоятимиз салоҳиятининг кўтарилишига олиб келади. Ана шундай ўйлардан руҳланган ҳолда баъзи фикрларни ҳам айтмоқчиман. «Ижодкор ёшлар клуби» низомида техник ижод билан шуғулланувчи ёшлар тўғрисида тўхталмаган ҳамда маслаҳат кенгаши аъзолари таркибида ҳам техника соҳасидаги мутахассислардан йўқ. Бизнингча, ё «Камолот» жамғармаси қошида алоҳида «Техник ижодкор ёшлар клуби»ни таъсис этмоқ ва маслаҳат кенгашига вилоятимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг техника соҳасидаги олимларидан, вилоятда фаолият кўрсатадиган ихтирочи-рационализаторлардан киритиш мақсадга мувофиқ, ёки алоҳида техник ижод билан шуғулланувчи ёшлар шўъбасини тузмоқ керак. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигининг жадал суръатлар билан ривожланишида янги техника ва технологияларнинг роли ортиб бораверади. Шу сабабли балки вилоятимиз саноат корхоналарида ишлатилаётган янги техника ва технологияларни клуб аъзолари яхшироқ ўрганишар, уларни такомиллаштириш таклифларини киритишар... Японияда умуман кераксиз ихтироларга ҳам мукофот пули тўланаркан. Сабаби, шу ихтирони яратибдими, демак, келгусида у халқ хўжалиги учун зарур бўлган ихтироларни ҳам яратиши мумкин. Шундай экан, вилоят «Камолот» жамғармаси қошида техник ижодкор ёшлар клубими, шўъбасими ташкил этилса ва уларга вилоятимизнинг йирик корхона ва фабрикалари ҳомийлик қилсалар ҳамда ўзларига зарур бўлган, такомиллаштиришни талаб қиладиган ишларни таклиф этсалар... Кейинчалик бу ёшлар ҳам янги техника ва технологияларни ҳам лойиҳалашлари, рационализаторлик таклифларини киритишлари мумкин. Ана унда эса ўзимизнинг янги техника ва технологияларимиз бўлади. Бу кунлар унча узоқ эмас. Фақат келажакнинг мустаҳкам пойдеворини бугун ўз вақтида қўймоқ керак.

Даврон РАЗЗОҚОВ,
Қарши Давлат университетининг доценти, университет талабалар илмий-тадқиқот ишлари кенгашининг раиси

ЁШ ЮРАКЛАР НЕ ДЕЙДИ

Қайси мамлакатнинг билагида кучи кўпириб, юраги жўшиб турган, ақли тўлишиб бораётган ёшлари кўп бўлса, ўша юртда юксалиш, тараққиёт шитоб кечади, ўша Ватан обод ва маъмур бўлади. Ёшларга ҳар лаҳза диққат назари тушиб турса, уларни қўллаб-қувватловчи қонун ва қарорлар ишлаб турса, жамғармалар ёшларнинг бошини қовуштириб, эзгу ишларга рағбатлантириб турса — бу миллатнинг келажаги таъминланганидир.

Яқинда Республика ўқувчилар саройида Иқтидорли болаларнинг катта анжумани бўлиб ўтди. Ўнлаб тўгаракларда ҳаёт ва ижод қайнаб турган бу саройнинг хоналари ҳар галгидан муҳташам ва гавжум бўлди. Болалар ижод этган расмлар, тиккан каштачилик намуналари, ўз қўллари билан ясаган ўтовлар, матоларга нақш этилган гербимиз, ҳазрат Амир Темурнинг улуғвор сиймоси, зардўз қизларнинг кўз қамаштиргувчи либослари, келин хоналари — бир кечада пайдо бўлган эртаклар қасрининг ўзгинаси эди. Ўн олти ёшида илк китобчасини чоп этган Гўзал Норчаева ҳаяжон билан шеър ўқийди. Жиззахлик Латофат Жўрабоева илк китобчасини тайёрлаб келганини айтади. Ёш техниклар, авиамоделчилар... эрта-индин улар само илмининг билгичлари бўладиларми...

Усмон Юсупов туманидаги «Истиқлол» болалар ижодкорлик марказининг кўргазмасини кўриб лол қоласиз. Болаликнинг ўз сўзи, дунёқараши, нуқтаи назари борлигидан қувонасиз...

Бир ёқда яшараётган, камида 2500 йилдан бери оламга турфа ривоятлар сўйлаётган Бухоронинг миноораларидан тилла лайлаклар учиб чиқадигандай...

Республикамизнинг 50 фойиз аҳолисини 30 ёшгача бўлган навқирон авлод ташкил этишини ўйлаб, юракка ёшлик шуури қуйилади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган ҳикматли даъватини мана шу иқтидорли болаларимиз рўёбга чиқаришларига ишонасан киши.

Ойдин ҲОЖИЕВА

Ёзувчилар боғига ҳам Наврўз келди. У ижодкорларни янги парвозларга ундаган бўлса ажаб эмас. Наврўз қиёфамиздагина эмас, қалбимизда ҳам зуҳур этади. Илҳом бўлиб, хаёлларга тўлқин беради. Наврўз — юртимиз, миллатимиз тикланишининг рамзи. Халқ адиблари Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Ориповнинг дилдан тошиб келаётган суҳбатлари шу ҳақда бўлса не ажаб...

ЎЗ УЙИНГ...

Замон билан бир қаторда тушунчаларимиз ҳам ўзгариб бормоқда. Авваллари кўпроқ «Бир қарич бўлса ҳам еринг бўлсин», деган нақлни такрорлардик, бугун, бозор иқтисоди шароитида, айниқса, шаҳарда истиқомат қилувчилар, гапни «таҳрир»дан чиқаришиб, «Бир хонали бўлса ҳам уйинг бўлсин», дейишмоқда. Дарҳақиқат, уй-жой муаммоси аҳолининг бир қисмининг бошини қотириб келган ташвиш бўлиб қолган ва шундай бўлиб қолмоқдаям шекилли.

Бу соҳада шиорбозлигу «ура-ура»чилик ҳеч қачон ўзининг ҳақиқий самарасини бермаган. Бунга Хрушчёв даврининг каталакдай хужраларини нақадар тез суръатларда қурилганинию, аслида одам сингари яшаш учун шарт-шароит ҳаминқадар бўлганлигини ёхуд СССРнинг биринчи ва сўнгги Президенти Михаил Горбачёвнинг «2000 йилгача — ҳаммага уй» сингари ялтироқ, бироқ моддий асосланмаган шиорини эслаб ўтиш кифоя...

Хўш, уй-жой қурилиши бўйича халқи жуда болажон бўлган юртимизда не ишлар қилинмоқда? Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг январ ойи охирларида «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинган, махсус «Тошкентуйжойжамғармабанк» ташкил этилганди. Ўтган бир йилдан ортиқроқ вақт ушбу ташаббуснинг хайрли эканини тасдиқлади: ўн бешта турар-жой биноси барпо этилиб, икки юздан ошиқ оила янги уйли бўлди.

Ҳаёт синовидан ўтган Тошкент тажрибаси энди янада кенг ёйиладиган бўлди. Ўтган ҳафта мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой қурилишида ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Уй ҳаммага ва ҳар жойда керак. Бундай эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида номи ёзилган облигациялар сотиб олиш йўлга қўйилди. Қиймати қадрсизланмайдиган ушбу облигацияларнинг харидори кўпайишига шубҳа йўқ. Шунингдек, фаолияти бутун республикага ёйилишини тезлаштириш мақсадида, «Тошкентуйжойжамғармабанк» Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки «Ўзуйжойжамғармабанк»ка айлантирилди.

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ОРОЛ ДАРДИ

Танадаги оғриқли узв мудом ўзини эслатиб туради. Орол муаммоси — Марказий Осиё давлатлари учун ана шундай оғриқли нуқталардан биридир.

Ўтган беш йил мобайнида Оролни қутқариш бўйича бир қанча кўзга кўринарли ишлар қилинди, албатта. Айниқса, бу муаммога БМТнинг, жаҳон жамоатчилигининг эътибори қаратилгани мақсадга мувофиқ бўлди. Зеро, экологик ҳалокат миллат ёхуд сарҳад танлаб ўтирмайди. Бугун Орол тузи Аляскадан топилаётгани ҳам ушбу фикрни тасдиқлаб турибди, ахир.

Бу йил айни кўклам арафасида Алматида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари Президентлари кенгашида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти кўриб чиқилган ва уни бошқариш навбати республикамиз Президентига топширилганди.

Ўтган бир ой ичида Орол муаммоси бўйича Президентимиз бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси бошқаруви ва унинг тафтиш ҳайъати тузилди. Тошкентда фаолият кўрсатаётган жамғарманинг ижроия қўмитасининг бўлимлари қолган барча давлатларда ҳам ташкил этилиши мўлжалланмоқда.

Хуллас, ҳаракатда баракат деганларидек, ушбу сёзиларли ўзгаришлар юз бераётган минтақадаги ягона денгизимизни қутқариб қолиш борасидаги фаолият самарали бўлишини тилаб қоламиз.

ГУЛЧЕҲРА

Тулпоримиз қоқилмасин

Аждодларимиздан қолган қуйидаги ўгитни бугун ким билмайди дейсиз: «Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайди». Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг навбатдаги Бишкек йиғилишида 13-14 март кунлари қатнашарканман, каминада мазкур нақлнинг нақадар тўғрилиги борасида яна бир бор ишонч ҳосил бўлди. Шу билан бирга, ушбу тадбир кунлари ўзим учун яна бир ҳақиқатни кашф этгандай бўлдим. У ҳам бўлса, инсон мусулмон бўлиши учун у аввало эркин бўлмоғи лозим экан. Ким билсин, мусулмончилик, мусофирчилик хусусида ўтмиш мутафаккирлар билдирган фикрлар мағзида ҳам аслида худди шу эркинлик тушунчаси ётгандир. Фақат улар ўз замонларига мос равишда шакл бергандирлар. Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, Бишкек учрашувидан қолган таассурот, қилинган хулосаю тажриба эркинлик, салоҳиятли эркинлик билан боғлиқ бўлди.

Катта йиғилиш 13 март куни «Қирғизистон мамлакати тарихи» музейининг катта залида очилди. Мени ажаблантиргани шу бўлдики, шаҳар марказида жойлашган мазкур музей биноси қаршисида, унга орқа ўгириб Ленининг улуғвор ҳайкали шимол томонга йўл кўрсатиб турибди. Адолат юзасидан айтганда, бизнинг ажабланганимизни кўриб қирғиз дўстларимиз, ҳозирда мазкур «сиймо» ўрнига бошқа бир ёдгорлик ўрнатиш тадорики кетаётганини алоҳида таъкидладилар. Хуллас, ҳали бу борада Қозоғистон, Қирғизистонда қилинадиган ишлар кўпга ўхшайди. Зеро, Тошкентдан Бишкекка машинада бора-боргунча йўл ёқаларида коммунистик «доҳий» ҳайкалчаларини кўп учратдик. Улар эндиликда мустақил миллий давлатда нимага ҳам хизмат қиларди, дейсиз.

Йиғилишни ассамблеянинг Қирғизистон бўйича вице-президенти Қ. Аҳматов очиб, президент А. Акаев табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг таомил бўйича Қирғизистон бош вазири ўринбосари М. Жангарачева сўзга чиқдилар ва жумладан, «Маънавиятдан йироқ ҳукумат ҳавфлидир, маданиятини йўқотган халқ бемаънидир» қабилидаги фикрларни айтди.

Чингиз Айтматов чиқишлари ҳар доимгидек залворли бўлди. Чуқур фалсафий ва дунёвий фикрларни ўртага ташладилар. Замона ва тараққиётнинг энг асосий икки нафасини илғаб олганликлари яққол кўринди. Таъбир жоиз бўлса, давримизнинг «иссиқ» нафаси ўрнида у кишининг қуйидаги сўзларини келтирган бўлардик: «Туркистон — бизнинг умумий уйимиз. У ҳеч бир халқни мустасно қилмаган ҳолда, жумладан, руслар учун ҳам, барча учун умумий макондир». Шу билан бирга, Чингиз оға умумий уйимиз, маконимизда эсаётган «совуқ» шабада ва нафаслар хусусида ҳам тўхталиб, миллий маданият ночор аҳволда қолаётгани, бозор иқтисодиёти оломонча маданиятни «боқаётгани» ўта хавфли эканига алоҳида эътибор қаратдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон вакиллари минтақамиздаги маънавий ва маданий аҳвол тўғрисида ўз фикрларини баён этдилар. Манқуртчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик сарқитларидан батамом халос бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Тўлепберган ака Қаипберганов масала илдизини кўрсатиб, боболаримиз буюк маданият пойдеворини қўйганлар. Туркистон довруғини оламга ёйган шу маданиятни асраб-авайлашимиз даркор. Бунинг учун ўзимизни бир оила фарзандлари деб билмоғимиз керак. Ота-она талашилмайди. Улар ягона. Ҳаммамиз учун ягонадир, деди. Унинг фикрларини тасдиқлаб Пиримқул Қодиров Марказий Осиё минг йиллардан буён бор, 2500-3000 йил олдин яратилган «Авесто», минг йил бурун ёзилган «Манас», Форобий, Беруний, Рудакий, Жомий, Амир Темур, Навоий, Абай, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа даҳолар ватани бу. Бизнинг кемамиз ана шундай бой маънавий ва маданий мерос билан дунё океанига чиқмоқда, деб пафос билан сўзладилар. Тожикистонлик Аслиддин Низомов, қозоғистонлик Н. Ўрозалиев, Римғали Рималиев, шоира Л. Севастанова ва бошқалар чиқишларида ҳам маънавият ва юксак маданиятнинг бугунги кундаги муҳим ўрни ҳақида фикр кетди.

Йиғилишнинг иккинчи ярмини моҳирона олиб борган, ассамблеянинг биринчи вице-президенти Одил Ёқубов сўзни каминага ҳам бердилар. Юксак мақсадларга хизмат қилаётган шундай йиғилишда иштирок этиш бахтига муяссар бўлганимдан хурсандлигимни яна бир бор изҳор этиб, қуйида ўша куни билдирган шахсий фикрларимни кенгроқ тарзда ифода этмоқчиман.

Биринчи фикр. Келажакка тўғри қараш учун албатта тарихни билишлик тақозо этилади. Зеро, тарихий тараққиёт қонунлари моҳиятан ўзгармас. Фақат ҳар бир даврнинг ўзига хослик томонлари бўлади. Агар асосий қонуниятлар тўғри англаниб олинса, замона зайлига қараб улардан унумли фойдаланиш мумкин. Бунинг учун эса, аввало, шу тарихни яхшилаб ўрганиш лозим. Очиғини айтиш лозим, биз ўтмишимиз билан кўп фахрланамизу, бироқ уларни дунёга кўрсатиш ва танитишда ҳануз оқсаяпмиз. Масалан, Беруний Колумбдан беш юз йил бурун шу ерда туриб Атлантика ортида қуруқлик борлигини кашф этган. Аммо бугунги авлод буни биладими? Ёшларимизни Улуғбекнинг дунё фани тараққиётидаги ўрни нима билан белгиланишидан тўла хабардор этдикми? Ваҳоланки, ўз даври учун (XV аср) Улуғбек илмий фаолияти Галилейникидан (XVII аср) ортиқ бўлса ортиқки, каммас. Ё бўлмаса бошқа бир гап. Биз бугун ҳуқуқий жамиятда яшашни ўрганишимиз керак. Мен бу фикрга қандай келдим. Яна юртимизга мурожаат қилайлик. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, VI асрдаёқ туркий тузуклар бўлган экан. Бирон жиноят содир бўлса, унга жазо шу тузуклар бўйича белгиланаркан. Демак, ҳуқуқий жамият тушунчаси бизга ғарбдан кириб келмаган. Ота-боболаримиз асрлар давомида шаклланган ҳуқуқий муҳитда яшаб келганлар.

VI асрга оид туркий тузуклар ҳақида эшитиб, Чингиз оға каминага қарата: «Биз буларни билмасак, сиз тарихчилар айтинглар-да», деб қолдилар. Шунда фурсатдан фойдаланиб «Туркистон улуғлари» номи остида қомусий асар яратиб, унда Туркистондан чиққан сиёсат, маданият, санъат, фаннинг буюк намояндалари, уларнинг минтақамиз ва умуман кишилик тарихида тутган хизматларини жо қилайлик, акс эттирайлик, деб таклиф киритдим. Бунга ассамблея бош-қош бўлса айни муддао.

Иккинчи фикр. Ассамблеяда маънавият масалаларига давлат бошлиқларининг эътибори қаратилди. Бошқа ерларда билмадим-ку, аммо Ўзбекистонда маънавият бошданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Лоақал Ислом Каримовнинг «Истиқлол ва маънавият» номли китобини эслаш кифоя. Ўзбекистонда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази очилганига беш йил бўлди. Ҳар бир вилоятда унинг бўлимлари бор. Бундан ташқари, туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг ушбу масалалар билан шуғулланадиган алоҳида ўринбосарлари бор. Жойларда иш кетяпти. Тарихий ва маданий меросимиз намуналарини ўрганиш ва чоп этишда Ўзбекистонда кўп ишлар қилинди. Масалан, Қурьоннинг ўзбекча нашри, «Шажарайи турк», «Темур тузуклари», «Зайнал-ахбор», Яздий «Зафарнома»си, Шомий «Зафарнома»си, «Тарихи Рашидий», «Тўрт улус тарихи», «Зиж», «Ансоб ау-салотин», «Хоразмшоҳлар тарихи», «Фарғона тарихи»,»Бухоро тарихи», «Самария», «Музаккири аҳбоб» асарлари шулар жумласидандир. Чет эл кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарлар нусхаларини олиб келишга ҳам бош-қош Ўзбекистон ҳукуматидир. 1994 йили Англия, Туркия, Эрон, Ҳиндистонга шу мақсадда сафарлар уюштирилди. Бу йил Хева ва Бухоронинг 2500 йиллиги нишонланади. Катта маданий тайёргарлик бормоқда. Ўзбекистонда бораётган мана шундай қўламдор тикланиш ишларидан ассамблея қатнашчиларига сўйлаб беришни бурчим деб билдим.

Ўзбекистонда олиб борилаётган муҳим тадбир ва йўналишлар дўстларимиз учун янгилик бўлди ва уларни қувонтирди. Бу ҳол яна бир карра Марказий Осиё миқёсидаги умумий газета, телеканал ташкил этиш муҳим масала эканлигини кўрсатди. Телевидениенинг бир неча каналида ҳам Россия мафкураси, яна Чингиз оға иборасини ишлатсак, «оломонча маданият» намуналари ҳукмрон. Қирғизистонда, ўйлаймизки, Қозоғистон ва Тожикистонда ҳам аҳвол шундай, Ўзбекистон ҳақидаги тасаввур Россия ОАВ орқали шаклланмоқда. Сиёсий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотлар йўлимиз, маданий ва маънавий қадриятларга муносабатимиз хусусида ўзимиз кенг, аниқ ва ҳаққоний хабар тарқатишимиз бугун кечиктириб бўлмайдиган вазифа эмасми? Қўшниларимиз тўғрисида ахборотни ҳам уларнинг ўзларидан олайлик. Бунинг учун тилга олинган умумий телеканал ва газета хизмат қилсин.

Учинчи фикр. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш жараёнида ўзим учун бир хулоса чиқардим. Бизда сиёсий тафаккур анъанаси қадимдан шаклланган экан. Гап бу ерда жамият ва давлатни сиёсий бошқариш хусусида ўтмиш аждодларимиз билдирган фикрлар, улар ёзиб қолдирган асарлар ҳақида кетяпти. Форобий (X аср) сиёсий қарашларидан Аҳмад Дониш (XIX аср) сиёсий қарашларигача бўлган давр сиёсий тафаккури анъаналари таҳлили шуни кўрсатдики, аждодларимиз алоҳида-алоҳида сиёсий макон миқёсида фикр юритишни эплаганлару, аммо минтақавий сиёсий тафаккур маданиятини шакллантира олмаганлар. Яъни бизда ўтмишда минтақанинг, Туркистоннинг сиёсий манзараси, яхлитлиги тўғрисида ўйлаш, қайғуриш анъанаси шаклланмаган. (Шу ерга келганда Чингиз оға: «Бир-бири билан жиққиллашиб ётганда», — дея юрак тубларидаги бир ғамни чиқаргандай бўлдилар, назаримда). Келинглар, шу маданиятни биз бошлаб берайлик. Ахир сиёсатчиларни тарбиялайдиган бу маданий муҳит-ку. Сиёсат бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар, мамлакатлар, минтақалар ўртасидаги муносабатлар бошқаруви эканлиги маълум. Тасаввур қилинг: биз бу ерда маданий ва маънавий бирлигимиз ҳақида гапирсак-да, энг муҳим масала, минтақа сиёсий яхлитлиги тўғрисида жим турсак.

Ҳақиқатан ҳам, «Туркистон — умумий уйимиз» улуғ ғоядир. Иқтисодий-маданий тараққиётга хизмат қиладиган ғоя. 2500-3000 йил давомида шаклланолмай келган минтақавий сиёсий тафаккур этиш маданиятига йўл очиб берадиган ғоя. У келажакка хизмат қилади, ҳар бир давлат суверенитетини таъминлашга қодир бирдан-бир тўғри ғоя. У этник ва сиёсий тушунча эмас. У маданий тараққиёт тушунчаси. Худди Европа Иттифоқи ғояси каби. Ахир Туркия ҳар жиҳатдан соф осиёвий жамият бўла туриб, Европа Иттифоқига интиляпти-ку. Европа сўзи ёнига Осиё ё турк тушунчасини қўшинглар демаяпти-ку. Индинга Европа Иттифоқига Исроил, Миср, Грузия, Озарбойжон, Арманистон кабилар киришни хоҳлаб қолсалар, биз осиёликлармиз демасликлари аниқ. Зеро, Европа Иттифоқи ғояси остида тараққиёт омили ётибди. Худди шу каби «Туркистон — умумий уйимиз» Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон халқларининг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий имконларини бирлаштириб, ҳар бир мустақил давлат ва умуман минтақа фаровонлигини таъминлашга хизмат этувчи муносиб ғоядир. У мисоли учқур ва фаросатли тулпор отдир. Унга мингашиб олинса бўлди. Уни тортқиламаслик керак. Шунда у ҳам, ҳаммамиз ҳам қоқилмаймиз. XIX аср сўнгида бўлганидек қоқилмаймиз. Омин.

Азамат ЗИЁ

Бишкек — Тошкент

Олтин мерос

МИЛЛИЙ БАНК — БУНЁДКОРЛИК ҲОМИЙСИ

Бугун мамлакатимиз пойтахти тобора чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Бамисоли эртаклардагидек: Тошкентнинг бирор жойига 2-3 ой боролмай, сўнг тасодифан йўлингиз тушиб қолса, таниёлмай қоласиз. Ҳатто баъзи мутахассислар ҳам МДҲ давлатларининг бирортасида бу қадар кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмаётганини эътироф этишмоқда.

Биржа Маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, Марказий банкнинг янги биноси, «Ардус» супермаркети... Булар шундоқ ёнимизда, кўз олдимизда бунёд бўлган бири-биридан гўзал иншоотларнинг бир қисми, холос. Ҳолбуки, ушбу иншоотлар яхлитликда ажиб бир уйғунлик касб этишган ва аллақачонлароқ айнан шу жойга қурилиши лозимдек таассурот уйғотади бугун...

Булар-ку, биз кўриббилиб юрганларимиз. Шаҳарнинг бошқа ҳудудларида-чи, уларда не ўзгаришлар юз бермоқда?

Албатта, бозор иқтисоди ўз номи билан бозор иқтисоди. Бугун ҳатто бир кичкинагина хонани таъмирлашга киришишдан олдин камида етти маротаба ҳисоб-китоб қилиб, имкониятларни аниқ чамалаб кўришга тўғри келади. Демак, миқёсни каттароқ олсак, маҳобатли бинолар қурилиши-ю таъмири ўзўзидан кечмайди, албатта.

Шукрки, инсон табиатида саховатга, эзгуликка интилиш майллари мавжуд. Ва шу интилишлар жамият ҳаётида ҳам акс этса не тонг...

Ўзбеклар азалдан андишали халқ. Шу андиша боис ҳаттоки савоб ишларни ҳам пинҳона қилишга уринишади.

Аммо замонлар ўзгарди. Тилимизга «ҳомийлик» деган сўз кириб келди. Энди бу тушунча бева-бечора қўшнининг ҳовлисига ярим кечаси гилам ташлаб кетиш савобидан кенгайиб, ижтимоий аҳамият касб этди. Эҳтимол, шундай вақт ҳам келар, ҳомийлар мижоз қидириб, зир чопиб қолишар. Ҳозирча эса, ҳомий мададига кўз тикканлар кўпроқ.

Балки шу сабаблидир, баъзи нуфузли муассасаларнинг мақсадли, жамиятга, маънавиятимизга хизмат қиладиган ҳомийлик мададлари ҳақида хабар топганимизда беихтиёр қувониб кўямиз. Ахир, тома-тома кўл бўлур...

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки — ана шундай саховатпеша ҳомийлардандир. У мамлакат Президенти илгари сураётган катта миқёсдаги вазифаларни адо этиб, ғайрат ва фидокорлик намуналарини кўрсатмоқда.

Юртимизда ўтган йилдан бошлаб «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси фаолият кўрсатаётганидан хабарингиз бор. Жамғарма ўз Низомига тўла амал қилган ҳолда, давлат ажратган маблағни қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимизни юксак даражада шакллантириш йўлида сарф қилмоқда.

Жамғарманинг қаровсизликдан тўкилай деб турган 3 қаватли биноси бор эди. Табиийки, бор маблағни Низомда белгиланган фаолиятни амалга оширишга сарфлаётган жамғарма учун фойдали лон пул турадиган бино таъмири мушкуллик қилди. Бироқ... ҳомий топилди. Бу — биз тилга олиб ўтган Миллий банк.

Хуллас, айни кунларда «Олтин мерос» ХХЖ биносида катта миқёсда таъмирлаш ишлари қизғин кетяпти. Биз ушбу қурилишда бўлиб, бир неча даҳлдор кишилар билан гурунглашдик.

Қобилжон КАРИМОВ: Миллий Банкнинг таъмирлаш Бошқармаси бошлиғи:

— Назаримда, театр гардеробдан бошланса, эл ҳурматига сазовор, ўз қадрига етадиган ташкилот ҳам фаолият кўрсатиб турган биносидан бошланади. Балки шунинг учундир, биз «Олтин мерос» ХХЖ биносини таъмирлашга жон-дилдан киришдик. Айниқса, бу борада Миллий Банкимиз Бошқаруви раиси Рустам Азимовнинг хизмати катта бўлди. Шахсан у кишининг ташаббуси билан биз ўзлаштирилиши лозим бўлган маблағни ажратдик. Зеро, бугун миллат ривожига, маънавиятига сарфланган пул эртага миллионлаб иқтисодий манфаат билан бир қаторда, маънавий ютуқлар ҳам келтириши шубҳасиз.

Биз ушбу уч қаватли бинони миллий асосда тўла таъмирлашни режалаштирганмиз. Тез кунлар ичида иш поёнига етиб, «Олтин мерос» жамғармаси кўзни қувонтирадиган замонавий кўркам идорасида ишни давом эттиради.

Биз бевосита таъмирлаш жараёни билан яқиндан танишиб, баъзи ходимларнинг дил сўзларини ҳам қоғозга туширдик.

Пудратчи — ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бўлган «Стрела» қурилиш-таъмирлаш ташкилоти. Ташкилотга бошқарув президенти А. Кретов раҳбарлик қилмоқда.

Айни кунларда ташкилот қурувчилари, тунука қопловчилари, шувоқчилари, бўёқчилари, мармар қопловчилари ҳамда шарқона услубда таъмирловчилари кунлик режаларни ошириб адо этмоқдалар. Бош буюртмачи — ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки маблағни ўз вақтида бериб тургани сабабли қурилиш материаллари кечиктирилмай узлуксиз етказилиб турилибди. Натижада, қисқа вақт ичида уч қаватнинг барча эшик-деразалари ўзгартирилди, янги пол тўшалди, зиналар эса мармар ва гранит қопламаларига эга бўлмоқда.

— Биз 6 йилдан буён ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдамиз, — **дейди пудратчи ташкилотнинг қурилиш бўйича вице-президенти Абдурашид Саилхонов.** — Шунинг эвазига бу борада анча тажриба тўплаб улгурдик. Айни кунларда ҳам биз «Олтин мерос» жамғармасидан ташқари Корея элчихонасининг янги биносини, Бектемир туманидаги Миллий Банк биносини, Бекобод шаҳридаги металлургия комбинатини, Оҳангарондаги ун заводини, 1-Тошкент тиббиёт институти биноларини таъмирладик ва таъмирдан чиқармоқдамиз.

Юқоридаги гаплар албатта ҳар бир холис одамни қувонтиради. Лекин ҳар бир йирик ишнинг машаққатлари ҳам бўлади.

— Рост айтасиз, — **дея саволимизга жавоб берди қурилиш бўлинмаси бошлиғи Юрий Филиппов.** — Аввалги таъмирлаш ишларимизда бир талай муаммолар бартараф этилиб, ишлар жадал олиб борилмоқда.

Айни кунларда объектда қиркдан ошиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Мен айниқса, таъмирчилар сафидан Бахтиёр Саилхонов, Роберт Колобов, Валентина Кононова, Ҳошим Азизов, Фанил Галиев, Исмоил Абдуқодиров, Николай Качановларнинг фидокорона меҳнатини алоҳида қайд қилиб ўтган бўлардим.

— Тўғри, ҳозир республикамиздаги баъзи иншоотларда хорижлик усталар келиб ишлаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз, — **дея суҳбатни давом эттирди прораб Абдурасул Абдураззоков.** — Бу яхши албатта. Бироқ ўзимизда ҳам ҳар қандай хорижликлардан қолишмайдиган, ўз касбининг ҳақиқий устаси, истеъдодли мутахассисларимиз борлигини унутмайлик. Бундай моҳир касб эгалари худо хоҳласа, тобора кўпайиб боради.

Кейинги йилларда ишчиларимиз малакасининг кескин ошиши сифатли қурилиш-таъмирлаш ишлари борасида чет давлатлар билан бемалол рақобатлаша олиш имконини яратди. Бунинг устига юртимизда қурилиш материаллари, таъмирлаш маҳсулотлари ҳам жаҳон стандарти талаблари асосида ишлаб чиқила бошланмоқда. Бу биз учун қувонарли ҳолдир.

* * *

Хуллас, тез кунлар ичида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ўзининг ажойиб таъмирдан чиққан, таъбир жоиз бўлса, ярақлаб турган биносига кўчиб ўтади. Биз мақола сўнггида қурувчи-таъмирчиларга фидокорона меҳнатлари учун миннатдорчилик билдириб, жамғармага ҳам янги бинода янги ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Г. МУРОДАЛИЕВА,
М. ЭРОНОВ

Суратларда: қурувчилар ҳаётидан лавҳалар

Боқий булоқлар

ДОНОЛИК БУ — СИЁСАТ

Буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур тузукларида ҳар қандай подшоҳ, халқ орзу қилгулик ақл-заковат, валинеъмат соҳиблари бўлмиш вазирлар тўғрисида сўз юритганида «Сиёсатнома» муаллифи Низомулмулк алоҳида меҳр-муҳаббат билан ҳар жиҳатдан намуна қилиб кўрсатилади. Бундай «қилич ва қалам соҳиби» бўлмиш вазирларни эъзозлашга, қадрлашга даъват этилади. Демакки, Низомулмулкнинг зўр давлат арбоби сифатидаги кўп йиллик намунали амалий фаолиятигагина эмас, балки унинг авлодларга мерос қолдирган дастуриламал асарига ҳам ҳурмат бажо келтирилмоқда.

Адолат, тенглик, баробарлик ва бошқа инсоннинг эзгуликлар манбаи, шубҳасиз, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф бўлса, «Сиёсатнома» сингари асарлар ва муқаддас китобларда баён этилган фикрлар ва уларни рўёбга чиқариш бобида олиб борилган ишларни шарҳлаб ва изоҳлаб беради. Давлат масаласи «Сиёсатнома»нинг ўзак томирини ташкил қилади. Бу жиҳатдан унинг асосий ғоялари эзгу мақсадларни кўзлаган ҳар қандай тузум, давр жумладан, бизнинг давлатимиз сиёсати билан ҳамоҳангдир.

Низомулмулк туркий сулолалардан бўлмиш салжуқий подшоҳлар Алпарслон ва Маликшоҳ саройларида вазир бўлиб хизмат қилган донишманд давлат арбоби (1018—1092). Унинг «Сиёсатнома» асари бутун Шарқ оламида довруғ қозонган.

Низомулмулк ўз китобида қуруқ панд-насиҳатни, кўрсатма беришни мақсад қилиб қўймайди. У турли давлатларнинг ҳукмдорлари, авлодлар тажрибасидан, жумладан, ўз шахсий тажрибасидан бизга мароқли ҳикоя қилади. У мураккаб ва масъулиятли фаолият жабҳаси бўлмиш сиёсатдан сўзласа-да, ғоят қизиқарли бадиий асар сифатида мароқ билан ўқилади. Бошқача айтганда, муаллиф сиёсий муаммоларга бадиий банд босиб, асарнинг жозибасини кучайтиради.

«Сиёсатнома» асарини биринчи маротаба ўзбек тилига ўтирган таржимонлар ёш, лекин истеъдодли олимларимиз Шодмон Воҳид ва Афтондил Эркинов бўладилар. Аҳли илм ва билим нурига ташна бўлган кенг жамоатчилик учун уларнинг туҳфалари иншоаллоҳ мақбул бўлади деб умид қиламиз.

Асомиддин ЎРИНБОЕВ,
тарих фанлари доктори

Сиёсатнома

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

АМАЛДОР, ВАЗИР ВА МУНШИЙЛАР АҲВОЛИНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

Уммол (закотчилар)га бирор амал берарканлар, халқ билан яхши яшаб, яхши муомалада бўлиб, ундан хирождан бошқа солиқ талаб қилмаслик йўл-йўриғини кўрсатадилар. Хирожни ҳам у шундай йўл билан талаб қилсинки, одамларга зиён етмасин. Солиқ ўз вақтидан олдин олинса, раиятга ранжу азоб етади, улар мажбурликдан мол-давлатларини ярим баҳода сотиб, уй-жойларини ташлаб кетиб, овора ва сарсонликда ғарибликка мубтало бўладилар.

ҲИКОЯТ

Шундай эшитдимки, Қайқубод даврида етти йил қаҳатчилик бўлиб, ёмғир йўқлиги. У амалдорларига буюриб, бор ғаллаларини соттираги-да, бир қисмини садақа тарақасида халққа ҳадя этади. Байтулмол, хазинадан бева-бечоралар ҳамда заифаларга мадад бериб туради. Шу етти йил давомида унинг мамлакатида бирор киши очлиқдан ўлмайди.

Омил ишларни ҳамиша текшириб бориш керак. Юқорида айтганимиздек, у ўз вазифасига тўғри амал қилаётган бўлса, вазифасида қолади. Акс ҳолда бу амални шойиста ва лойиқ кишига берадилар. Раиятдан зўрлик билан мол тортиб олган бўлса, эгаларига қайтаришади. Сўнгра у орттирган молу бойликларини мусодара қилиб, хазинага топширадилар ва ўзини ҳам жазолайдилар, бошқалар ибрат олиб, халққа ситам қилмасин учун унга бошқа амал ҳам бермайдилар.

Вазирлар ва эътимодли кишилар, уларнинг аҳволини, қандай иш олиб борганликларини махфий йўллар билан ҳам текшириб кўядилар, чунки шоҳлик ва мамлакатнинг тинч ва тотувлиги ҳамда уларнинг фасоду эиёнлари ҳам ўша вазирларга боғлиқ. Агарда вазир яхши, ниятлари нек бўлмаса, мамлакатга зиёну зарар етади, уни тузатишнинг иложини топиб бўлмайди ва подшоҳ ҳамиша овора, хафа бўлиб, мулк изтиробга тушади.

ҲИКОЯТ

Айтишларича: Бахром Гўрнинг бир вазири бўлиб, унинг исми Ростравшан эди. Бахром Гўр ҳамма давлат ишларини унинг қўлига топширганди ва унга ишонади, вазир устидан бировнинг шикоят қилганини эшитмасди. Ўзи кечаю кундуз ов ва сайру томошалар билан машғул эди. Ростравшан бундай ишончдан ботирлашиб Бахромга дейди:

— Халқ жуда адабсиз бўлиб, адолат сероблигидан ўткирлашиб кетди, жазо бермасак, ёмон бўлади, деб қўрқаяпман.

Подшоҳ ов қилишу шароб ичиш билан машғул бўлиб, раият аҳволидан бехабар эди.

— Энди эса икки хил йўл билан жазо берсак: ёмонларни камайтириб, яхшилар бойлигини тортиб олайлик. Кимни «ол» десам, шуни зиндонбанд қиласан, — дейди яна вазир.

Шундан сўнг халифа вазири айтганини қилиб, у кўрсатган кишини тутиб зиндонга ташлайверади. Ростравшаннинг ўзи пора олиб, Бахромнинг қўли остидан баъзиларни озод этади. Мамлакатда кимнинг яхши ота ёки ғўзал қуллари, мол ва ерлари бўлса, ҳаммасини тортиб олади, халқ қашшоқлашиб, маъруф кишилар дарбадар бўлиб, оворагарчиликка маҳкум этилади. Хазинага бирор танга ҳам тушмай қолади.

Бир вақт Бахром Гўрга душмани ҳужум қилади. У қўшинга ҳадялар иньом этиб, қуроллантириб душманга қарши юбормоқчи бўлади. Кириб қараса, хазина бўм-бўш. Машҳур кишилар ва бошлиқларни сўраттирса:

— Бир неча йил бўлдики, улар уй-жойларини ташлаб, фалон вилоятга кўчиб кетганлар, — деб жавоб беришади.

— Нима учун, — сўрайди Бахром.

— Билмаймиз, — деб жавоб қилишади.

Вазирдан қўрқиб ҳеч ким овоз чиқармайди.

Бир неча ҳафтадан сўнг Бахром ўй-хаёлларга ғарқ бўлади. Кўнгли сиқилганидан бир куни эрталаб биёбон сари йўл олади. Етти фарсанг йўл босиб, қуёш иссиғидан чанқаб кетганини ҳам билмай қолади. Сув ичишни хоҳлаб турганида узоқда, даштнинг бир чеккасидан тутун кўтарилаётганини кўради. Ўзича «Ҳар ҳолда у ерда одамлар яшаса керак», деб ўша тутунга қараб юради. Кўп келиб бир капага ва унинг эшиги олдида осиб қўйилган итга кўзи тушади. Капага яқинлашганида ундан бир киши чиқиб салом бериб, ичкарига таклиф этади. У меҳмон Бахром Гўр эканлигини билмасди. Бор овқатини шоҳ олдига қўяди. Бахром сўрайди:

— Авваламбор менга бу ҳолни тушунтир, кейин нон еймиз, бу нимани англатади?

Ул киши жавоб беради:

— Бу ит менинг қўйларимга посбон эди. Уни шу молларимга қарасин, деб сақлардим. У чўпонга ўхшарди, бирорта ҳам бўри бу қўтонга яқин келолмасди. Кўпинча шаҳарга кетсам, ўзи сурувни ўтлатгани даштга олиб чиқиб, қайтариб олиб келарди. Бир куни қўйларимни санаб кўриб, бир нечтасини топмадим.

Кейинчалик қарасам, яна бир нечта қўй кам чиқди. Бу жойларга ўғри келганини ҳеч ким эслолмайди. Қўйларимга нима бўлаётганлигини ҳеч тушунолмадим. Тез орада шундай аҳволга тушдимки, садақа омили келиб закотни сўраганда, қолган қўйларим шу закот адоси учун кетди. Энди мен шу омил учун чўпонлик қиламан. Яхши хабарим йўқ эдию, лекин «бу ит ўрғочи бўри билан тошиган бўлса керак», деб ўйлаб қолдим. Бир куни ўтин териш учун даштга чиқдим. Қайтаётиб ажойиб ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Қарасам, бир бўри ўтлаб юрган қўйлар ичига кириб олиб, қўйларга бемалол яқинлашяпти. Бир бута орқасига яширинган итга кузатдим. Ит бўрини кўриб, олдига келиб думини ликиллатиб турарди. Бўри жим эди. Кейин ит у билан жуфт бўлиб, сўнг бир чеккага борib ётди. Бўри ўзини қўйларга уриб, биттасини тутиб олиб ёриб ташлади. Ит индамади. Мен бўри ва итимнинг муомаласини кўриб, нима учун бундай аҳволга тушганимнинг сабабини англадим. Буларнинг ҳаммаси итнинг хиёнатидан экан. Мен итни тутиб олиб, қилган хиёнати учун дорга осиб қўйдим.

Бахром Гўр ҳайратга тушиб ажабланди. Йўлда қайтаётиб, ўй-хаёлларга ботади ва охири шундай ҳулосага келади: «Раият, халқ бу бир ғаладир, вазиримиз эса — чўпон! Мен мамлакат ва халқ аҳволини ёмон ҳолатда кўраяпман. Кимдан аҳвол сўрасам, ҳақиқатни яширади. Энди халқ аҳволи ва Ростравшаннинг қилишларини текширишим лозим».

У саройга қайтиб келиши билан энг аввало қундалик ҳужжатларни талаб қилиб, улардан Ростравшаннинг халққа ёмонлик қилиб, ситам кўрсатганини англайди. Бу Ростравшан рост ва ёруғлик эмас, балки ёлғону қоронғуликнинг ўзи экан. Бахромнинг эсига доноларнинг «Ким бировга хиёнат қилса нон топа олмайди, нонга хиёнат қилса, яланғоч қолади», деган сўзи келиб, ғапларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади.

Мен бу вазирга мансаб, мансалат ва мартаба бердим, у кучқувватга эга бўлди. Одамлар давлати ва ҳашаматини кўриб, ундан қўрқиб, менга рост гапни айтмайдилар. Бунга шундай чора кўрамиз: эртага вазир саройга келиши билан уни зиндонбанд этишга фармон бераман-да, кейин «Биз Ростравшанни мансабидан олиб, ҳибс қилдик ва унга бошқа амал бермаймиз. Ким ундан ранжу азоб кўрган бўлса, даъво ва шикояти бўлса келсин, инсоф қиламиз», — деб эълон қиламан. Агарда одамлар буни эшитиб ишонсалар, ҳақиқат ҳам аён бўлажак. Агарда у одамларга яхшилик кўрсатган ва халқнинг молу мулкини тортиб олмаган бўлса, унга шукр ва сипослар баён этсалар, уни сийлаб қайта амал берамиз. Аксинча бўлса, уни жазолаймиз.

Эртаси куни Бахром қабул маросимини ташкил этди, буюк кишилар ва меҳтар (майда) амалдорлар кириб келиб, ўз жойларини эгаллайдилар. Бахром Ростравшанга қараб дейди:

— Сен бизнинг мулкимизга қандай зиён ва зарар етказдингки, қўшинимиз заифлашиб, муҳтож бўлди? Раиятимизни эса хор қилдинг! Биз сенга одамлар ризқ-рўзини ўз вақтида бериб, вилоят ишларидан ғофил қилмаслик, раиятдан хирождан бошқа солиқ олмаслик ва хазинани обод тутишингни буюрган эдик. Энди эса мен хазинани эгаллайдилар. Бахром Ростравшанга қараб дейди:

— Сен бизнинг мулкимизга қандай зиён ва зарар етказдингки, қўшинимиз заифлашиб, муҳтож бўлди? Раиятимизни эса хор қилдинг! Биз сенга одамлар ризқ-рўзини ўз вақтида бериб, вилоят ишларидан ғофил қилмаслик, раиятдан хирождан бошқа солиқ олмаслик ва хазинани обод тутишингни буюрган эдик. Энди эса мен хазинани бўм-бўш, қўшинни муҳтож ва раиятни қашшоқ кўраяпман. Сен мени шаробу базм ва ов қилишга берилиб кетиб, халқ аҳволидан хабарсиз қолган, деб ўйлаганмидинг?

Фармон беради, уни тутиб зиндонбанд қиладилар.

Сарой ёлдида жарчилар чиқиб жар солишади: «Малик Бахромнинг Ростравшандан кўнгли қолиб, амалидан бўшатди ва унга энди қайта вазифа берилмайди. Ким ундан ранжу ситам ва зулм кўрган бўлса, ҳеч қўркмай, саройга келиб аҳволини бизга маълум қилсин, шоҳ адл ва инсоф билан ишларни кўриб чиқади!»

Подшоҳ зудлик билан зиндонларни очиб, бандиларни ҳузурига олиб келишларини буюради. Уларнинг ҳар биридан нима учун зиндонбанд этилганликларини сўрайди. Бири дейди:

— Бир молу давлати кўп биродарим бор эди. Ростравшан уни тутиб олиб; азоб ва шиканжалардан ўлдирди ва ҳамма бойликларини эгаллаб олди. Мен ундан:

— Акамни нега ўлдирдинг? — деб сўрасам:

— У бизнинг душманларимиз билан алоқада, — деб жавоб берди. Мени подшоҳ олдига келиб шикоят қилмаслигим учун зиндонбанд қилди.

Бошқа бир маҳбус дейди:

— Отамдан мерос қолган катта бир боғ соҳиби эдим. Унинг ёнида Ростравшаннинг ҳам мулки бор эди. Бир куни у менинг боғимга кирдию, ёқтириб қолди. Сотиб олмоқчи бўлди. Мен ўни сотмадим. Шунда у менга:

— Сен фалон кишининг қизини севасан ва бу жиноятинг бизга аён бўлди. Шу боғни сотиб, бу боғ асли Ростравшаннинг мулкидир, деган ҳужжат олиб келгин, — деди. Мен бунга рози бўлмадим. Мана беш йилдирки,зиндонда ўтирибман.

Бошқа бири ҳикоя қилади:

— Мен бир савдогар киши эдим. Ишим шундан иборатки, ҳар хил жойларга қатнайман ва озгина пулим бор. Бир шаҳардан бирор яхши нарса сотиб олиб, бошқа шаҳарга олиб бораман ва уни сотиб, озгина фойдасига ҳам қаноат қиламан. Менда бир боғлам марварид бор эди. Шу шаҳарга келганим вазирга аён бўлибди. У киши юборибди, мени олдига чақирди-да, ўша марваридни талаб қилди, пулини бермай хазинасига олди. Бир неча маротаба унинг ёнига бордим, лекин у мени кўрса ҳам на пулимни ва на маржонимни қайтариб бермади. Охири унинг йўлини тўсиб:

— Агарда маржон ёққан бўлса, буюринг, пулини беришсин. Ёқмаган бўлса, марварид-маржонимни қайтарсинлар, мен йўл кишисиман, кетишим керак! — дедим.

У ҳеч нима демади.

Уйимга қайтдим. Бир вақт тўрт нафар аскар билан бир сарҳанг келиб: «Сени вазир сўраяпти», — дейишди. Маржоннинг пулини берса керак, деб хурсанд бўлдим. Аскарлар билан бирга келдим. Улар мени зиндонга олиб бориб зиндонбонга: «Буни ҳибс қилиб, оёғига занжир бойлаб қўйишингни буюришди», — дейишди. Мана бир йилдан бери зиндондаман.

Яна бир маҳбус дейди:

— Мен фалон ноҳиянинг раисиман ва менинг уйим меҳмонлар, аҳли илм ва ғарибларга ҳамиша очиқдир, мен бу ғарибу бечораларга мадад бериб, қамбағалларга ҳар доим садақа улашаман. Менга отамдан мерос қолди ва меросий мол-мулкимни ҳайру-эҳсонга, мусофирларга сарфладим. Подшоҳнинг вазири: «Сен хазина топгансан», — деб зиндонга ташлади. Молу бойликларимни талаб қилиб, азоблади. Ҳаммасини ярим баҳосига сотиб, унга бердим. Энди эса тўрт йилдан бери зиндонда ётибман ва бир дирҳамга ҳам зорман.

Бошқаси гапиради:

— Мен фалон мулкдорнинг ўғлиман. Подшоҳнинг вазири отамнинг мол-мулкини мусодара этиб, ўзини ураб ўлдирди, мени эса зиндонбанд этди. Етти йилдан буён шу ерда азоб тортяапман.

Яна бир банди дейди:

— Мен қўшиннинг сарбозиман. Бир неча йилдан буён малик ва унинг отасига хизмат қилиб келдим ва хизматим учун девондан ҳақ олардим. Ўтган йили менга хазинадан ҳеч нима тегмади. Шу йил вазирга дедим:

— Менинг оилам бор ва ўтган йили девондан ҳеч ҳаким олмадим. Буюрсанг, бу йили менга ҳакимни берсинлар, бир қисмини қарзларимга, қолганини нафақам учун харж этсам.

— Подшоҳнинг бирор бир муҳим иши йўқ, лашкарга ва махсус сенга ўхшаганларга ҳожати қолмаган. Нон емоқчи бўлсанг, бориб мардикор бўлгин, — жавоб қилади у.

— Бу саройда менинг хизматларим ҳақи бор. Менинг мардикор бўлишим ва сенинг кадхудолик қилишинг тўғри эмас. Подшоҳ менинг қилич қўтаришга ва сенинг қалам тебратишга уста эканлигимизни билиши керак. Мен қурол кўтариб, жонимни шоҳ учун фидо айлашим, сен девон ишларида ўзингни шоҳим деб қурбон қилишинг лозим. Бизга нон бермай, подшоҳ фармонини бажармаяпсан, ваҳоланки сен ҳам, мен ҳам подшоҳ хизматчисимиз. Сенга вазирликни, менга сарбозликни буюрган. Ўртамиздаги фарқ шундан иборатки, мен фармонбардорман, сен эса ундай эмассан. Агар подшоҳ мени девон рўйхатидан ўчирган бўлса ва бунга буйруғи бўлса, кўрсатгин, акс ҳолда бизга нимаики тегишли бўлса бергин! — деган гапимга у:

— Даф бўл, сени ва подшоҳ жонини мен асрайман. Агарда мен бўлмасам, сенларнинг ўликларингни калҳатлар еб кетарди, — деб жавоб қилади. Сўнгра шу куни мени ҳибсга ташлади. Тўрт ойдан буён зиндондаман».

Етти юздан ортиқ киши маҳбус бўлиб, улардан фақат йигирма нафари ўғри ва ўлимга ҳукм қилинган экан, холос. Қолганларини вазир тама ва зулм билан ҳибс этган экан.

Шаҳар ва ноҳиялар аҳолиси шоҳ фармонини эшитиб, адолат тилаб саройга келардилар. Уларнинг сон-саноғи йўқ эди.

Бахром халқнинг аҳволини, вазир зулм-ситамларини кўриб, бу ишларни чуқурроқ ва жиддийроқ текширишга қарор қилади. Одамларига Ростравшан қасрига бориб, унинг харита-қоғозларини олиб, уйини муҳрлаб келишларини буюради. Эътимодли хизматкорлар бориб, шоҳ фармонини бажарадилар. Вазирнинг қоғозларини текширишганда, улар ичида Бахромда қасди бор бир душманининг илтифотга тўла мактубини топадилар. Ўша мактубга Ростравшан ҳам жавоб ёзган экан: «Донолар айтганларидек, ғофиллик давлатни қўлдан кеткизар». Подшоҳ ҳам шунга ўхшаб сусткашлик қилаяпти. Мен сени деб бандлигимда нимаики қўлимдан келса, бажо келтирдим. Қўшини муҳтожликда қолдириб, баъзиларини гуноҳкор қилиб, ҳайдаб юбордим. Шунча йил нима бойлик орттирган бўлсам, ҳаммасини сен учун хазина қилиб йиғиб қўйганман. Ҳозир шунча бойлик ҳеч бир подшоҳда йўқ. Мен тожу камарларни, кийим-кечакларни безаб қўйдим, бундай нарсалар эса оламда йўқ. Мен бу шоҳдан тўйиб кетганман. «Майдон бўш ва душман ғофилдир энди. Бу шоҳ ғафлат уйқусидан уйғонмасдан туриб келсангиз, яхши бўларди».

Бахром бу ёзувни кўриб:

— Офарин! У бизнинг бошимизга душманни чақиртириб, шундан мағрур бўлибди-да энди. Энди унинг ёмонлиги ва хиёнатига шак-шубҳа йўқ, — деди. Подшоҳ буйруғига биноан вазирнинг бутун йиққан бойлиги тортиб олиниб, хазинага топширилади, қуллари ва моллари ҳам мусодара этилиб, у кимдан пора олган, зулм билан мол-мулкини тортиб олган бўлса, қайтариб берадилар. Кейин фармон чиқариб, сарой дарвозаси олдида баланд дор қурдирадилар ва унга Ростравшанни чўпоннинг итига ўхшатиб осиб қўядилар. Сўнгра у билан шерик ва ёр бўлганларни осадилар. Подшоҳ: «Кимдаким подшоҳга хиёнат қилса ва қарши чиқса, халққа ситам қилиб, омонатига хиёнат этса, Худога ва унинг сояси бўлмиш шоҳга қарши бош кўтарса, аҳволи мана шундай бўлади», — деб етти кун жар солдираги. Бундай сиёсатни кўриб, ҳамма ситамкорлар Бахромдан қўрқиб қоладилар. Ростравшан кимгаки амал берган бўлса, подшоҳ уларни ишдан олади.

Бу хабар Бахромга қасд қилган подшоҳ қулоғига етиб боради ва у ўз фикридан қайтиб, пушаймон еб, шоҳ Бахромга кўп ҳадялар юбортириб, узр сўрайди, ўзининг тобелигини бўйнига олиб дейди:

— Мен ҳеч қачон шоҳга қарши фикрга келмасдим. Шоҳнинг вазири менга хат йўллаб, кишилар юбориб, шу ишга бош қўштирди. Аҳлимдан у айбдор эмас ва мендан паноҳ изларяпти, деган фикр ўтди.

Шоҳ Бахром унинг узрини қабул қилиб, гуноҳини кечади. Бир эътимодли, ишончли ва мўмин кишини вазирликка тайинлайди. Халқ ва қўшин ишларини тартибга солади. Ишлар изга тушади. Мулк обод бўлиб, халқ ранжу азобдан қутулади.

Шоҳ Бахром ўша ўз итини осган чўпонни қапасидан чақиртириб, унга бир ўқни ўқдонидан олиб бериб:

— Мен нону тузингни едим, бошингга тушган ранж энди менга аён бўлди. Мен сендан қарздорман. Мен малик Бахромнинг ҳожибларидан бўламан. Маликнинг ҳамма уруғлари ва ҳожиблари менга дўст ва яқин, мени улар ҳурмат қиладилар. Ушбу ўқни олиб саройга келсанг, уни кўрган киши сени менинг ҳузуримга бошлаб киради. Ўшанда сенинг ҳақингни қайтараман, баъзи эиён-зарарларинг йўқ бўлади, — деб чиқиб кетади.

Бир неча кундан сўнг ўша кишининг хотини:

— Туриб шаҳарга боргин. Бу ўқни ҳам ўзинг билан ола кет. Ўша отлиқ мартабали, куч-қудратга эга ва муҳташам бир кишига ўхшайди. Унинг озгина яхшилиги ҳам сенга етиб ортади. Тур, ўйлаб ўтирма, бундай кишиларнинг сўзлари чиндир. — дейди.

Чўпон кечаси шаҳарга келиб тунаб, эрталаб шоҳ саройига боради.

Бахром ҳам сарой аҳли ва ҳожибларига: «Бирор киши қўлида менинг ўқимни олиб келса, дарров олдимга бошлаб киринглар». — деб тайинлаб қўйган эди.

Ҳожиблар ўша кишини шоҳ ўқи билан кўрганларида олдиларига чорлаб: — Эй жўмард, қайда юрибсан? Бир неча кундан буён сени кутиб турибмиз. Ўтириб тургин, биз сени ўқ соҳиби ҳузурига олиб борамиз, — дейишди.

Бир вақт Бахром чиқиб, тахтига ўтириб, қабул маросимини бошлаб юборади. Ҳожиблар ўша кишини тахт яқинига олиб келадилар. Кишининг кўзи Бахромга тушиб, уни таниб қолади: «Э воҳ, ўлдим, ул суворий шоҳ Бахром экан-ку, мен керакли даражада унга ҳурмат кўрсатмабман ва шоҳга нисбатан бирор камчилик ўтган бўлса, керак», деб ўйлайди. Шоҳ тахтига яқинлашиб таъзим бажо келтиради. Бахром улуғларига қараб:

— Мамлакат аҳволини билиб олиб ғафлатдан уйғонишимга шу киши сабабчи бўлди, — деб шоҳ ит ва бўри қиссасини айтиб бергач:

— Мен шу кишидан сабоқ олдим, — дейди. Сўнгра фармон берилиб, бу кишига сарпо кийгизадилар. Етти юз қўй ва бошқа моллардан ҳадя қилишади. Ундан олинган солиқларни қайтариб бериб, токи Бахром тирик экан, ундан хирож олмасликка амр қилади. Искандарнинг Доронги мағлуб этиши Доро вазирининг Искандар билан тил бириктириши оқибатида рўй берди. Доро ўлимидан кейин Искандар:

— Амирнинг ғофиллиги ва вазирнинг хиёнати подшоҳликни йўқ қилади, — деб айтган эди. Подшоҳ ҳамиша қўл остидагилар ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, ғофил қолмаслиги, доимо уларнинг ишлари ва қилмишларини билиб юриши лозим, токи улардан бирор-бир хиёнат ва гуноҳ зоҳир бўлмасин. Уларнинг гуноҳларига яраша жазо бериш шарткими, токи бу бошқаларга ибрат бўлсин. Шунда подшоҳ сиёсатидан кўрқиб бирор киши ёмонлик қилмайди. Бировга катта мансаб берсалар, унинг устидан яна бир кишига вазифа бериб, унинг ишлари ва амалларини махфий равишда текшириб юришни буюрадилар. Аристотилис шоҳ Искандарга:

— Шу мамлакатда ҳурмати, обрўси бор кишиларни хафа қилсанг, ёки мансабларидан олсанг, уларга дарров бошқа амал бергин, бўлмаса, улар душманлар билан бирлашиб, сени йўқ қилиш йўлига киришлари мумкин, — деган эди.

Шоҳ Парвиз шундай деган экан:

— Подшоҳ тўрт тоифа кишиларнинг гуноҳларини кечирмаслиги керак. Биринчиси, унинг мамлакатига қасд қилганлар гуноҳини, иккинчиси, унинг ҳарамига кўз олайтирганлар, учинчиси — унинг сирларини фош этганлар ва тўртинчиси — шоҳ билан тилда биру дилда бегона бўлганлар ва душманлари билан яширинча шоҳга қасд қилганлар гуноҳини. «Марднинг қилмишлари унинг сирларидан дарак беради». Подшоҳ уйғоқ бўлса, ундан ҳеч бир нарса яширин қолмайди.

Таржимонлар: Шодмон ВОҲИД,
Афтондил ЭРКИНОВ

Камолот фазосидан нурлар

Матназар АБДУЛҲАКИМ

ЛАҲЗАДАГИ МАНГУЛИК

Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравга фано бақо бўлубдур.
Алишер НАВОИЙ

Ҳазрат Навоий фақат «юбилей» кунлари бирдан эсга тушиб қоладиган анчайин шоирлар тоифасидан эмас. Ул муборак зотнинг номи ҳар куни дилимизда, ҳар куни тилимизда бўлмоғи лозим. Чунки Навоий даҳоси ҳар куни, ҳамма жойда дилга нур, тилга қувват бериб туради, ҳар доим фаол ўйлашга, фаол яшашга ундайди...

Навоий — уммон, бахри муҳит. Ундан бенасиб бўлган инсон худди қумлоққа итқитиб юборилган балиқ каби бирпасда жонсиз жасадга айланиб қолади.

Навоий — мангулик тимсоли... Бундай даъво дафъатан шаккокликдай туюлиши мумкин. Лекин мангуликни улуғлаган, мангуликка сажда қилган зот, илло, мангулик қадар мангудир!

Ҳаммамиз мангулик — Вақтнинг ихтиёрида гўё гаровдамиз. Вақт бизни ўз измида бошқариб боради. Агар гоҳида умримиз, вақтимиз бесамар ўтаётганидан нолиб қолсак, аслида вақт бериб қўйган имкониятлардан унумли фойдалана билмаётганимиз учун афсусланамиз.

Демак, ҳаммамиз Вақт ҳақида ўйлашга мажбурмиз.

Вақт инсон учун бебақо. Вақт ўз ҳолича бокийдир. У инсоннинг инон-ихтиёридан ташқари ҳолатда мавжуд. Вақтнинг бебаҳолиги ҳам ана шунда.

Вақт — бебақо ва бебаҳо.

Ушбу мажбурий қофия учун кечиргайлар. Аслида ҳозир қофия жуфтлаш ниятида эмасдим.

Биз вақтнинг қадрини қай даражада билсак, шу даражада инсон бўламиз. Эҳтимол, шу боис одамзотдан бошқа махлуққа вақтни ҳис этиш, уни қадрлаш ёки қадрламаслик имконияти берилмагандир?! Шубҳасиз, одамнинг оламдаги афзаллиги ҳам ана шу фазилати ҳисобланади.

Вақтнинг қадрига етиб, ундан ақл бовар қилмас даражада унумли фойдаланган, Аллоҳ берган бебаҳо неъматнинг — Вақтнинг нақадар чексиз мўъжиза эканини ўз умри мисолида исботлаб берган улуғ зотнинг бу борадаги ўй-фикрлари бошқаларникидан ишонарли ва нуфузлидир. Ҳазрат Навоий шундай буюк зотлардан биридир.

Навоийнинг Вақт тўғрисидаги мисраларига илк бора ўсмирлигимда дуч келганман: «Умр ўтар елдек, Навоий, сен ўзингни шод тут, Елга етмак мумкин эрмас, чунки суръат кўргузиб».

Ейман деган оғизга — ош, йиғлайман деган кўзга — ёш беради, дейдилар. Демоқчиманки, Вақтнинг қадрига етмай юрган пайтларим дуч келган гўзал байтни қаранг! Алишер Навоийнинг Вақт ҳақидаги уқубатли ўйлари ҳосиласи сифатида юқоридаги шоҳ мисралар ёзилганлигини, афсуски, анча кейин тушундим. Билдимки, улуғ шоир ижодида Вақт мавзуси салмоқли ўрин эгаллайди.

Шу мавзуга бағишланган бир жуфт ғазал тўғрисида имкон қадар ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Кечди умрим нақди ғафлат бирла
нодонлиғда ҳайф,
Қолғони сарф ўлди андуху пушаймонлиғда,
ҳайф.

Инсоният тарихида Алишер Навоий каби ниҳоятда маҳсулдор мерос қолдирган ижодкор жуда кам топилади. «Эй, Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимга айт», «Навоийе, қаламинг... баҳр йўлимудур, ҳеч тинмайин андин дурри шоҳвор келур» каби мисралар эса улуғ мутафаккир ўзининг ижодий мероси нақадар бебаҳо эканини ҳис қилганини яққол кўрсатиб турибди. Шундай бўлса, шоир юқоридаги таассуфона ғазалини нега ёзади? Фикримизча, бу ерда икки сабаб бор. У инсон имкониятларининг чексизчегарасиз эканини жуда яхши биладиган руҳшунос эди. Шунинг учун ҳозир бизга ниҳоятда баркамол бўлиб кўринаётган ижодий мероси яратган улуғ шоир ўз вужудида, ўз руҳида ҳали очилмаган, фойдаланилмаган имкониятлар бисёр эканини муқаррар англарди. Қолаверса, биз «лирик қаҳрамон» деб атайдиган шоирнинг шахси ҳамиша «аслига тўғри» бўлавермайди. Шартлилик хусусияти мумтоз шеърият учун ҳам бегона эмас. Адабиёт тарихидан маълумки, кўпроқ лирик шеърлар яратган шоирлар тез-тез «иккиланиб» турадилар. Яъни, «мен» деб шеър ёзилган пайтда шоир кисман ўзини, кисман ўзгани назарда тутади. Демак, Навоий юқорида келтирилган ғазалида фақат ўз номидан эмас, балки умрини зое ўтказаётган бошқа одамлар номидан ҳам фикр юритади. Хуллас, шоирнинг зикр этилган ғазали қадрланмаган Вақт тўғрисидаги ғаройиб таассуфномадир.

Жонга бир душворлиқ қўймай риёзат
ранжидин,
Сарф бўлди нақди авқотим таносолиғда,
ҳайф. —

дейди шоир навбатдаги байтда. Яъни, вақтларини («авқот») жоннинг роҳатига исроф қилганини афсусланиб таъкидлайди. Ҳазратнинг ушбу иқрорномаси-да бизни ҳайратлантиради: умрининг ҳар бир дақиқаси буюк ишларга сарф бўлган зоти шариф афсусланяптими, демак, бошқа тоифадаги ҳом сут эмган бандалар (жумладан, ўзимиз ҳам!) вақтнинг асл баҳосини ҳатто тасаввуримизга сиғдира олмас эканмиз! Боз устига, муайян вақт доирасида қилинган ишларнинг фақат миқдори кўп ёки озлиги учунгина афсуланмайди. Вақт — иймон-эътиқодни мустаҳкамлаш учун инсонга Аллоҳ томонидан берилган имконият ҳисобланади. Агар эътиқод тўғри парвариш қилинса, вақт ўтган сари сайқал топиб, метиндек мустаҳкамланиб боради. Ҳадиси шарифда таъкидланишича, одамларнинг зиёдаси — узоқ умр кўрган ва солиҳ амалларни кўп бажарган инсондир.

Боғладим паймонадин паймон, фиғонким,
ақлу дин
Бўлди бу паймонаву, ул суст паймоналиғда
ҳайф.

«Паймонадин паймон боғладим», дейди ҳазрат. Бу, қадаҳ тутмасликка аҳд қилдим, демакдир. Таҳмин қилишимизча, тўғри маънодаги гап ичимлик ичмаслик тўғрисида боради. Лирик қаҳрамон ўз аҳдида собит турмайди. Натижада «ақлу дин» пуч ваъдаларнинг қурбони бўлади. Бундан ташқари, «паймона» умр маъносини ҳам англатади. Демак, «паймонадин паймон боғламоқ»ни умр лаззатидан воз кечмоқ маъносида ҳам тушуниш мумкин.

Навбатдаги байт эса юқорида баҳоли қудрат изоҳлаганимиз байтнинг «қўргазмали қуроли»га ўхшайди:

Эй мусулмонлар, билингким, бўлди умрим
ҳосили
Нафси кофир фитнасидин номусулмонлиғда
ҳайф.

Нафсни «кофир» деб атайди шоир. Айни чоғда инсонлар ўртасига адоват-фитна уруғини сепмоқ ҳам куфр ишлардан саналади. Ҳазратнинг фикрини янада давом эттирадиган бўлсак, бизнингча, фитна-адоватга лаққа ишониб ўтиришнинг ўзи ҳам куфрдир! Бироқ инсонга ва инсоннинг Аллоҳи карим томонидан берилган имкониятларига бениҳоя ишонган шоир маълум сабабларга кўра алданиб қолган кимсаларни узил-кесил «кофир»лар сафига қўшмайди, фақат «номусулмон»лар деб билади. «Номусулмон» эса куфр томон ҳам, исломий эътиқод томон ҳам юз буриши мумкин. У икки ўт орасида турибди гўё... Чин мусулмон бўлса, ўз умрини фақат фойдали ишларга сарфлашдан ташқари, «номусулмон» ва «кофир»ни ҳам тўғри йўлга бошламоғи даркор. Тўғри йўл — ислом! Мусулмон қилишимиз керак бўлган энг бирламчи кофир эса ўзимизнинг нафсимиздир!

Сўнгги пушаймон — ўзингга душман, дейдилар. Шоир ҳам фақат пушаймон қилиб, тақдирдан нолиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ эканини таъкидлайди. Яъни, умрнинг энг сўнгги имкониятларидан ҳам фойдаланишга, фаол яшашга ундайди:

Ҳайфким, наф айламас ҳар нечаким тортиб
илик
Десам ўз аҳволима бу нав ҳайронлиғда ҳайф.

Андоқ иш қилким, пушаймон бўлмағайсен
охири,
Ҳеч осиғ, чун иш хато бўлди,
пушаймонлиғда ҳайф.

Навбатдаги байт ҳақиқатни айтиш учун фақат истакнинг ўзи к

Кўнгил тори

НАЖОТ — ЯХШИЛИКДА

Ҳофизлар орасида Маҳамаджон Каримовнинг овозини хуш кўраман. Айниқса, унинг «Гиря», «Муножот», «Қайдасан», «Қаро кўзим» каби қўшиқларини жон

М. Каримов тор билан ўқитувчилар даврасида

қулоғим билан тинглайман.

Алишер Навоий ғазали билан айтилувчи «Муножот» қўшиғини жуда кўп санъаткорлар куйлаган, ҳозирги кунда ҳам куйламоқдалар. Аммо Маҳамаджон ака ижросида ўзгача жаранглайди, улуғ донишманднинг юрак нолалари эшитилаётгандай бўлади. 1970 йилда Маориф вазирлигининг ташаббуси билан «Фахрий педагоглар» жамоаси ташкил этилганди. Жамоа қошида ҳаваскорлар тўгараги ишларди. Тўгаракка уйи яқин бўлгани туфайли Маҳамаджон ака Каримов таклиф этилганди. Камтарин хонанда ҳурматли кексаларнинг юзидан ўтолмай, ҳар ҳафтанинг сешанба куни шогирдлари билан 2 соат қўшиқ куйлаб, отахонларни хурсанд қиларди.

20 йил давомида М. Каримов ҳеч эринмай биз билан бирга бўлди. Дилларимизни санъат нашидаси билан обод этди. Баъзан бу табаррук сиймодан сўрайман:

— Маҳамаджон ака, қўшиқчилик сизга ота меросми ёки бирорта устоз раҳнамолик қилганми?

— Ҳар икки томони ҳам бор. Раҳматли отамнинг касби сартарошлик бўлиб, «Каллахона» маҳалласида устахоналари бўларди. Мен ўқишдан бўш вақтимда хабар олгани борсам, мижозлардан ташқари 3-4 киши жам бўлиб, аския айтиб ёки тор чалиб, ҳангома қилиб ўтиришарди. Уларнинг кўпчилиги уйимизда ҳам бўлиб қўшиқ айтишарди. Отам ҳам уларга жўр бўлиб дутор чертардилар. Кейинчалик билсам, келувчилар Мулла Тўйчи, Юнус ака, Ғулом қори, Ниғмон қори каби машҳур ҳофизлар экан. Уларнинг ашулаларига, аскияларига ва ажойиб қўшиқларига (созларига) маҳлиё бўлиб дастёрлик қилардим. Баъзан, уйда ёлғиз қолганимда, отамнинг дуторида машқ қилиб юрардим.

Санъатга қизиқишимни англаган отам мени Тўйчи ҳофиз Тошмуҳаммедовга шогирдликка бердилар. 4-5 йил мобайнида тўрт кишининг тарбиясини олдим. Устоз менга дастлаб ахлоқ-одобдан дарс ўтдилар, сўнг бир неча ғазални тўғри ёдлатдилар, уларнинг маъзини тушунтирдилар. Шундан сўнг тор чалишни, ашула айтишни ўргатдилар.

Соз чалишни ўрганиб олгач, 1936 йилдан ҳаваскор сифатида радиода қатнаша бошладим. Бу ерда етук санъаткорлар ҳисобланган Акбар қори ака, Турғун Каримов, Озод Абдулла, Карим Мўминовдек устозлардан таълим олдим. 1939 йили Москвада танловда қатнашиш шарафига ҳам муяссар бўлдим.

1942 йилнинг баҳоридан Изза шаҳрида кичик командирлар тайёрлов курсида ўқидим ва 1943 йилнинг баҳорида жангга кирдим. Орловск шаҳрида бўлган жангда оёғимдан ва қўлимдан (панжаларим парчаланиб кетган эди) яраландим. Ленинград госпиталида ётганимда докторлар ҳатто қўлимни тирсагимдан кесмоқчи бўлишди. Мен кўз ёши билан докторга ялиндим. «Қўлим бўлмаса, дуторни (балалайкани) қандай чаламан?» дедим. Шундан сўнг доктор бош врачни чақириб, аҳволни тушунтирди. Сўнг омон қолган бош бармоғимни панжаларим орасига олиб, 10 кунча ўраб қўйди. Бахтимга парчаланган этларим аста-секин битиб ҳаракатга тушди. Докторлар қон юришган этларни даволаб, қўлимни дутор чалишга мосладилар. Мен бундан жуда хурсанд бўлиб, уйга хат ёздим. Калуга госпиталига 1 та дутор ва 1 та чилдирма жўнатиб юборишларини илтимос қилдим.

Госпиталда менга ўхшаган санъаткорлар бор экан. Кичик даста ташкил қилдик. Тошкентдан дутор, чилдирма, най каби чолғу асбоблари етиб келди. Дастага қўқонлик Алиев, тошкентлик Собир Розиқов, яна 2-3 киши қўшилиб иш бошладик. Дастлаб Уйғуннинг «Хайрлашув» қўшиғини ўрганиб айтдик. 2-3 ой ичида тўгарагимиз кенгайиб, концерт қўйиб беморларни хурсанд қилиб юрдик.

Ниҳоят, 1944 йил ёзида соғ-саломат Тошкентга қайтдим. Севган касбимни радиога ишга кириб давом эттирдим...

Маҳамаджон Каримов ўзи мустақил равишда кўпроқ Навоий, Бобур, Машраб каби мумтоз шоирларнинг ғазалларини ўрганиб, халқ ўртасида куйлаб юрди. У дин-иймон арконларини қаттиқ тутарди. Шу туфайли уни санъат даргоҳига жалб этмай қўйдилар.

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон мустақиликка эга бўлгач, Маҳамаджон Каримов каби санъаткорлар юзага чиқди. Ҳа, Маҳамаджон ака 50 йил давомида халқимизга миннатсиз хизмат қилиб ўнлаб шогирдлар етиштириб, 1993 йилда «Республикада хизмат кўрсатган халқ ҳофизи» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Яхшиликнинг кечи йўқ, деб халқимиз тўғри айтган. Шу кунларда ўзининг 75 ёшлигини кузатаётган Маҳамаджон аканинг ижодлари ва умрларига барака тилаймиз.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

ТВ: МИЛЛИЙ ҚИЁФА ЧИЗИҚЛАРИ

Биринчи мақола

Йиллар давомида телевидениенинг амалиёти назарияси билан шуғулланиб келаману, ижоднинг, илм-фаннинг (телевидениешуносликни назарда тутмоқдаман) бу соҳаси ҳақида фикр-мулоҳаза билдирмоқчи бўлганимда ўзимга кўп савол бераман. Бу ҳақда ёзишга етарли тайёргарлик кўрганманми — йўқми, деб ўзимни синай бошлайман.

Аслида ҳам ТВ асарни таҳлил қилиш, асосланган хулосаларга келиш ва тавсияларни илгари суриш учун бадиий ижод қонуниятлари билан бирга электрон техникани, санъатлар ўртасидаги тафовутларни ҳамда муштарак нуқталарни билиш, илм-фан ҳамда бадиий ижод тажрибасидан кичик экран эстетикасини назарда тутган ҳолда фойдалана олиш талаб этилади. Бугунги кун учун жуда долзарб бўлган бу масаланинг моҳиятини бирғина мисол билан очишга уриниб кўрайлик.

Симфоник мусиқа ҳақида ёзиш, уни таҳлил қилиб баҳолаш учун мусиқа драматургиясини билиш ҳамда контрапунктнинг имкониятлари ҳақида чуқур тушунчага эга бўлиш, оҳанг, мусиқа жумлалари, гармонизациянинг мураккаб асар тўқимасида тутган ўрнини аниқлай олиш, шунингдек, катта оркестрни ташкил этган чолғу асбобларининг имкониятлари ҳамда чегараларини ҳал этиб туриш зарурлиги маълум. Мусиқашунос ўз олдига бошқа жиддийроқ муаммоларни ҳам қўяди. ТВ асарига, телевизион ижодга ҳам мунаққид шу каби мезонлар билан ёндашиш тўғри бўларди. Зеро, бу санъатнинг синтетик табиати, бу оммавий ахборот воситасининг ҳозиржавоблиги, масофа билмаслиги, кенг қамровлиги таҳлилга қўл урган шахсдан ҳам билимни, ақл-заковатни, қалам тебратиш қобилияти бўлишини талаб этади.

Бугунги мулоҳазаларимизни қоғозга туширишимиз учун ҳам кўп тараддуд кўрдик. Зеро, гап телевидениенинг миллий қиёфаси ҳақида бориши назарда тутилганди. Бу нихоятда мураккаб, айни бир вақтда долзарб масалани газета саҳифаси чегарасида ёритиш учун ҳам ТВ амалиёти ва назариясига алоқадор муаммолар билан бирга маданий меросимиз кўринишларини ва уларнинг бошқа халқлар маданияти анъаналаридан тўбдан фарқ қиладиган жиҳатларини ўрганишга тўғри келди. Бу жараён анча мураккаб, шу билан бирга, сермаҳсул бўлди. Сабаби: бу мавзуда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмагани туфайли янгиликлар кўп учрайди, иккинчидан, бадиий ижоддаги тажрибани ТВ нуқтаи назаридан ўзлаштириш завқ берди. Шу боис асосий хулосаларимиздан бирини дарҳол айтишга шошилишимиз табиий бўлса керак.

Шарқ маданияти кўринишларини синчиклаб ўрганганингиз, уларнинг бадиий воситаларини, композицион қурилишини томошабин ёки тингловчига таъсир этиши йўлларини аудиовизуал санъатлар нуқтаи назаридан таҳлил қилсангиз, уларнинг айримлари телесценарий муаллифи учун, баъзилари ТВ режиссёри ва оператори учун, яна бири овоз, ижро, монтаж устида ишлайдиганлар учун ижод мактабини ўташи мумкинлигини кўрасиз. Мазкур санъат асарларининг «технологияси» — ички қурилиши ўрганилиши, ўзлаштирилиши жараёнида буюк ўтмишда устун турган ғояларнинг ўзига хос бадиий ифодаси билан танишамиз, қалам соҳиблари, ижро усталари, меъморнинг ўткир заковати ва бой тасаввури, басталанган куйнинг қай маромда чалиниши ва у қандай ранг, тусларга мос келиши каби кўпдан кўп саволларга жавоб излаймиз. Топамиз ҳам. Зеро, улар ТВ, радио, кино нуқтаи назаридан мутлақо таҳлил қилинмаган бўлиб, аудиовизуал санъатларга хизмат қила оладиган жиҳатлари дарҳол кўзга ташланади. ТВга мос келадиган сюжет (масалан, телесериалларга асос бўла оладиган қурилиш) телеасарларнинг архитектоникасининг ўзига хос кўринишини ихтиро қилишга кўмаклашадиган Регистон, Шоҳизинда (дарвоқе, улар декорацияда мутаносиблик, геометрия қонун-қоидаларига мос келган ҳолда жойлашуви масалаларини ечиш учун ҳам хизмат қилиши мумкин), кўрсатувнинг теледастурдан ўрин олиши қонуниятлари ва хонадонларга узатилиши тамойилларини аниқлаш ва белгилашда «Хамса» ҳамда девонлар тузилиши, бахшининг ранг-баранг ижроси — булар мисоллардир... Опера, балет, анъанавий Оврупо тасвирий санъати ҳамда опереттанинг фазилатларини инкор этмаган ҳамда уларни санъатнинг олий кўринишлари сифатида тан олган ҳолда улардаги шартли белгилар ТВнинг бадиий бисотидаги ранг ва воситалар билан уйғунлашиб кетишига комил ишонч билан қаролмаймиз. «Бобурнома»да буюк шоҳ ва шоир кўрган-билганларини ўз номидан (таъкидлаймиз — ТВдагидек биринчи шахс номидан) айтиб бериши, айни бир вақтда бадиийлик... ҳамда илмий теранликка эътибор бериши эса ҳозир худди ТВда қўлланадиган усулнинг ўзгинасидир. Бинобарин, ТВ ундан ҳикоя қай тарзда олиб борилиши, ҳазилмутойиба ва киноя ўз ўрнида бўлиши, тарихийлик, ҳаётийликка риоя қилиниши, муҳим маълумотлар қанчалик мўл бўлмасин, уларнинг китобдаги талқини қизиқарли бўлиши зарурлиги, катта воқеалар билан бирга айрим шахсларга, ҳатто созандаларга тўла таъриф берилиши — шу кабиларни ўрганиши мумкин. Ёки Самарқанд, Хева ва Бухорода меъморчилик комплексларида кўкка бўй чўзган қомати келишган миноралар билан ёнма-ён улардан пастроқда қад кўтариб турган мадрасалар мазкур меъморчилик ансамблига уйғунлашиб кетиши, нақш шакллари, ранглар силсиласи, пахлавон дарвозаларнинг улуғворлиги ва ҳужраларнинг бежиримлиги — булар меъморнинг нозик дидидан далолат бериши билан бир қаторда мусулмон маданияти кўринишлари ҳамиша гўзал, мафтункор бўлганини ҳам эслатиб туради. Меъморчилик санъатининг бу ажойиб кўринишлари у ерларда айтиладиган ҳодисалар ҳамда уларнинг таърифига қай даражададир мос келиши ҳақида ҳам ўйлангандир. Муқаддас сўзлар янграши керак бўлган жой ҳам покиза, гўзал, шинам ясатилган бўлиши керакдир. Худди шу талаблар бугун ТВга, унинг асарларига қўйилиши табиийдир.

Ҳамидулла АКБАРОВ

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

1908 йили Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида чоп этилган «Насриддин Афанди» китобидан

Хабар равийлари ва асар ноқиллари бу тариқа ривоят қилибдурларким, қадим замонда Рум шаҳрида маълум ва машҳур вилояти маобда Насриддин Афанди номлиғ бир валий бор эрдиларким, ҳар илмга моҳир ва ҳар фанга комил эрдилар. Ва лекин аҳли талабалар дарс таҳсил қилмоқга толиб бўлсалар, «Қудурий» номлиғ масала китобидин сабоқ олсалар, қабул қилиб, дарс айтур эрдилар, ва илло, ўзга нахв, сарф, мантиқга олим бўлсалар ҳам рағбатлари ўлмай доим ул вақт машғулотлари илми фиқҳ ўлғон учун аксар халқ валий (деб) эътиқод қилиб ихлос қилур эрдилар. Дарҳақиқат, соҳиби кашари каромат бир зот эрдилар.

Такаллумлари латифаомуз ўлуб, суҳбатлари фараҳангиз эрди, раҳматуллоҳ илайҳ кароматларидан бири будурким, биринчи латифа:

* * *

Афандининг асрларида бир подшоҳ бор эрди, номин Султон Алоуддин дер эрдилар, кунлардан бир кун анинг ўрдасиға ўзга вилоятдин уч нафар роҳбонлар кириб келди. Султон Алоуддин аларни динга тарғиб қилдилар. Алар «Ҳар на десангиз, қабул қилурмиз, бизларнинг ҳар биримизнинг бир саволдин учовимизни(нг) уч саволимиз бордир, агар жавоб берсангиз, бизлар ҳам қабули ислом қилурмиз», — дедилар. Султон Алоуддин буларни сўзиға рози бўлуб, уламо ва фузалоларни жам қилдурдилар. Роҳбонлар жамиятнинг ичида саволларин изҳор қилдилар. Аларни ҳеч бирлари буларнинг саволиға лаб очиб, бир нима демоқға қодир бўлмадилар. Султон Алоуддин ғазабланиб: «Не мушкулдурким, менинг тахти тасарруфимда уламо-ю машойиҳлардин бир киши ушбуларнинг саволиға жавоб беролмаса», — дедилар.

Бир киши туруб таъзим бирлан айдиким: «Жаҳонпаноҳо, буларнинг саволиға Насриддин Афандидин ўзга кимса жавоб беролмас. Зероким, ул киши соҳиби каромат одамдурлар».

Подшоҳ бу сўзларни эшитгани ҳамон бир ясавулға амр қилдиким, бориб зудлик била Насриддин Афандини келтургил, деб.

Ясавул дарҳол бориб, подшоҳ фармойишин Афандига маълум қилди. Афанди ўшал он туруб, эшагини эгарлаб,

Кўҳна китоблар токчаси

қўлларига таёқларин олиб, йўлга равона бўлдилар. Подшоҳ Афандини кўрган ҳамон тахтидин тушуб эъзозу икром бирлан Афандиға жой таъйин қилди. Афанди подшоҳни дуо қилиб, айдики: «Мени чорламоқдин мақсадингиз надур?» Подшоҳ айдики, «Ушбу роҳбонларнинг ҳар қаюсин саволи бор эмишким, аҳли мажлислар ҳаммалари ожиз қолдилар».

Афанди роҳбонлар сариға назар солиб айдики: «Саволларингиз надур?». Алардин бири: «Менинг саволим: «Ер юзининг ўртаси қаёқдадур, токи билсам», — деди.

Афанди дарҳол ўрнидан туруб бориб, таёқ бирлан кўрсаттиким, «Ушбу эшагимни ўнг аёғи турган ер дунёнинг ўртасидур».

Роҳбон айди: «Нечук билурсиз?» Афанди: «Ишонмасанг, ер юзин атрофин ўлчағил. Агар бир тарафи ортуқ ва ё кам келса, сўнгра сўзлашурмиз».

Андин сўнг роҳбоннинг яна бири келиб айдики: «Эй Афанди, осмондаги юлдузларнинг сони некадардур?». Афанди айди: «Ушбу эшагимнинг баданидаги юнги не миқдор бўлса, шунчадур». Роҳбон айди: «Нечук далил бирлан айтурсиз?». Афанди айди: «Агар ишонмасанг, алҳол бир тора, бир торадин мўйин санағил. Кун ботиб кеч бўлғон сўнг юлмўйдур?». Афанди айди: «Эшагим думин юнги неча тора бўлса, сенинг соқолинг ҳам шул қадардур». Роҳбон айди: «Нима далил билан айтурсиз?». Афанди айди: «Далил ҳожат эмас, келғил, бир тора эшак думидин ва бир тора сенинг соқолингдан юлуб санармиз — каму зиёд бўлса, сўнгра сўзлашурмиз».

Роҳбон Афандидин ушбу сўзларни эшитиб, андишаға бордиким, бўладиган иш эмас. Ҳамроҳлариға «Мен исломни қабул қилдим», деб, дарҳол калима айтиб мусулмон бўлди. Андин сўнг ул икки роҳбон ҳам қабули ислом қилиб, юз иймонға мушарраф бўлуб, ҳар учовлари Афандиға муҳлис бўлдилар.

* * *

Кунлардан бир кун Афанди бозорда юриб эрдилар. Бир одам Афандиға муқобил келиб қолди. Дарҳол Афанди қўл узатиб кўрушмоқни тақозо қилди. Ул одам бегона эрди, тортилиб ночор кўрушти. Афанди яна ул одамға айдики: «Сўрамоқнинг айби йўқтур. Сиз ким бўласиз?» Ул одам айди: «Менинг ким эканимни билмасангиз, нечук кўруштингиз?». Афанди айди: «Қарасам, бўйунгиз бўйим бирла баробар, либосингиз либосимга монанд экан. Бинобарин, сизни ўзум гумон қилиб кўруштум».

Юсуф ТУРСУНОВ
нашрга тайёрлади

Навоийга назира

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ

СОҚИЙНОМА

* * *

Аёқчи, тут ул эски аччиқ шароб,
Ки қочкай кучидин ғаму изтироб,
Мукаддар кўнгилга бағишлаб сафо,
Қоронғу юракларга бергай зиё.

* * *

Аёқчи, тут ул май ки ёқут эрур,
Кўнгилга анинг роҳидин, қут эрур.
Шару шўр ташлаб харобот аро
Фиғон солғай аҳли муножот аро.

* * *

Аёқчи, қадаҳ сун ки бетоб мен,
Чоғир бирла дардим илож айла, сен.
Кетур май ки қайғу ҳужум айлади,
Эсар елни менга самум айлади.

* * *

Масоиб бутун, даҳр абносидур,
Ҳаводис ўқу кўк унинг ёсидур.
Юрак кўйдурурму кишига замон
Амон, ушбу кўк гардишидин амон!
Туман саҳна барпо қилиб қошима,
Мусийбат тошин ёғдирур бошима.

* * *

Аёқчи, манга тут лаболаб аёқ
Ани сипқариб маст ўлай яхшироқ,
Кирой разм ичра яқо чоқ ўлуб,
Берай панжа қайғуга бебок ўлуб.
Кўнгил кўкидан ғам булутин сурай,
Тараб гулшани ичра маҳфил қурай,
Йиғилсун бу маҳфилда таннозлар,
Қилиб ишвалар, кўрсатиб ноҳзлар.
Олиб чолғу асбобини куйчилар,
Кўбузлар чолиб куйласун тўйчилар.

* * *

Муғанний навойи тараб соз этиб,
«Баёт» ила, туркона «Шаҳноз» этиб.

* * *

Кўнгилларни шод айла «Гулёр»дин,
Ўқиб «ёр-ёр» ун чиқар тордин.

* * *

«Муғанний тузуб чанг вазнида чанг»,
«Наво чекки ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг».[1]

Муқоми «Ироқу» «Наво» ичра айт,
Навоийнинг ашъоридин неча байт.
Нечунким ғазал мулкининг шоҳи ул
Адаб ўлкасин шавкату жоҳи ул.

* * *

Маонийда тўлқунли денгиз каби
Гўзалликда мазмунлари қиз каби,
Хитой ўлкасидин Хуросонгача,
Тутиб Ганжадин Руму Эронгача,
Черик чекмайин кирди фармониға
Буюн сўнди эл ҳукми девониға.[2]

* * *

Сен, эй илм кўкида порлоқ қуёш
Бутун сўзнинг асрори олингда фош
Сиёсат жаҳонида сен тухумтан,
Дироят саводида душман-шикан.
Яшар «Хамса» бирлан муаббад отинг,
«Хазоин» биландур мухаллад отинг.
Севиб турк улусини ҳаддин нари,
Кўтардинг уларнинг тилин кўк сари.
Ёрутдинг бутун шарқни киррали,
Бўлиб уйғониш даврининг машъали.
Хуросонга номинг бериб ифтихор,
Бутун ўлка халқи сенга фахр этар.

* * *

Аёқчи, қадаҳ тутки сармаст ўлай
Нишот ичра қайғуву ғамга кулай.
Хулусу иродат қилиб ошкор,
Навоий билан айтайин «ёр-ёр».

* * *

«Муғанний келу черт туркона соз»[3]
Бор эмиш бу соз ичра бир турфа роз
Ки Жомий сулук аҳлининг йўлчиси,
Тариқат саводида ишқ элчиси,
Навоий билан тарҳи улфат тузуб,
Бирига бири номау хат сузуб.
Чу Жомий севарди Навоий сўзин
Навоий сезарди унингдек ўзин.
Навоийга топширган эрди кўнгул.
Вали «Хамса»нинг эрди масҳури ул.
Муғанний, келу Жомийдин ёд қил,
Бу ҳақда унинг шеърин иншод қил:
«Сафоёб азнури райи ту шуд,
Навоий зи лутфи навои ту шуд»[4]

Изоҳлар:

1. Навоий, Хамса, «Садди Искандарий».
2. Навоий, Хамса, «Фарҳод ва Ширин» достонидан:
«Олибмен тахти фармонимда осон
Черик чекмай Хитодин то Хуросон».
3. Навоий, Хамса, «Садди Искандарий».
4. «Эй Навоий, сўз фақатгина сенинг фикринг юзидан ва куйларинг латофатидан, бундай гўзалликка эришди. Абдураҳмон Жомий, «Ҳафт авранг» «Хирадномаи Искандарий».
Кўт — ғизо, тўша, овқат. Самум — заҳарлар.
Масоиб — мусибатлар. Даҳр абноси — замонанинг болалари.
Разм — кураш, уруш. Маҳфил — мажлис, анжуман. Танноз — нозу назокатли. Муғанний — ҳофиз, хонанда. Тухумтан — паҳлавон. Дироят — илм, ақл, идрок. Муаббад, муҳаллад — мангу, абадий. Масҳур — сеҳрланган. Савод — ўлка, юрт. Иншод қилмоқ — нашида қилиб ўқимоқ.

Пиру бадавлат бобо

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0250.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Абдунаби ҲАЙДАРОВ
123456